По формулам (3)–(6) были выполнены расчёты, которые сравнивались с результатами эксперимента [8]. Исходные данные термодинамических параметров (табл. 1), входящих в формулу (3), заимствованы из [9]. Степень черноты этиленвинилацетатного (ЭВА) слоя на кремнии измерены ТРМ-И ($\varepsilon_2 = 0,7$) [10]. Степень черноты ФЭМ фронтальной стороны ($\varepsilon_1 = 0,8$) определена экспериментально [8, 11]. Коэффициент отражения стекла $R = 8\%$.

Таблица 1

Элемент ФЭМ	ρ , кг/м ³	c , Дж/(кг·К)	h , мм
mc-Si	2330	677	0,3
ЭВА	1440	1000	0,5
Tedlar	1200	1250	0,5
стекло	3000	500	3,0

Условия проведения эксперимента [8]: оптимальный угол наклона ФЭМ в день проведения измерений (7 мая 2022 г.) равнялся 34,5°; скорость ветра $V = 2,0 \div 2,5$ м/с; эксперимент длился с 11:45 до 12:30. По этим данным была определена зависимость $I(t)$ [6].

В результате нагрева температура ФЭМ увеличилась и оставалась практически постоянной в течение нескольких часов. На рис. 2 приведены результаты ускоренного эксперимента: ФЭМ нагревался до квазиравновесной температуры, а затем переносился в тень. Из графика видно, что за 15 минут температура ФЭМ увеличилась с 32,0 до 62,0 °С. В течение этого времени эффективность ФЭМ уменьшилась на $\Delta P = 9 \div 24\%$.




Рис. 2. Зависимость температуры ФЭМ от времени.

Для расчёта времени нагревания ФЭМ была написана программа на языке программирования Visual Fortran, исходными данными для которой служили величины, входящие в выражения (1)–(6). Численное интегрирование (5) выполнялось методом сплайна. Средняя плотность потока солнечного излучения составила $E_s = 830$ Вт/м². Для скорости ветра 2 м/с время достижения квазиравновесной температуры составило 11,2 мин. Для скорости ветра 2,5 м/с время достижения квазиравновесной температуры составило 20,0 мин. Как было отмечено выше, результаты расчёта сильно зависят от величины h_c .

Заключение.

Однако, несмотря на значительное отличие результатов расчетов с результатами эксперимента, можно сделать вывод, что предложенный способ оценки достижения квазиравновесной температуры ФЭМ может быть полезен при проектировании

фотоэлектрических станций большой и средней мощности.

Список литературы

- [1]. В.М. Андреев, В.А. Грихилес, В.Д. Румянцев. Фотоэлектрическое преобразование концентрированного солнечного излучения. — Л.: Наука, 1989. — 310 с.
- [2]. E. Kaplani, S. Kaplanis. Thermal modelling and experimental assessment of the dependence of PV module temperature on wind velocity and direction, module orientation and inclination // Solar Energy, 2014, V. 107, pp. 443–460. <https://doi.org/10.1016/j.solener.2014.05.037>
- [3]. O.F. Tukfatullin, R.A. Muminov, M.N. Tursunov. Thermal Circuit Model to Calculate the Heat Losses from the Frontal Surface of a Photovoltaic-Thermal System // Applied Solar Energy, 2018, V. 54, pp. 354–357. <https://doi.org/10.3103/S0003701X18050183>
- [4]. О.Ф. Тукфатуллин. Разработка эффективных солнечных элементов и фототеплопреобразователей из кристаллического кремния *n*- и *p*-типа проводимости для условий жаркого климата. Автореф. дис. док. фил. (Ph.D.), — Ташкент: 2019, 58 с. <https://library.ziyonet.uz/ru/book/105487>
- [5]. S. Armstrong, W.G. Hurley. A thermal model for photovoltaic panels under varying atmospheric conditions // Applied Thermal Engineering, 2010, V. 30, I. 11–12, pp. 1488–1495. <https://doi.org/10.1016/j.applthermaleng.2010.03.012>
- [6]. E. Sartori. Convection coefficient equations for forced air flow over flat surfaces // Solar Energy, 2006, V. 80, I. 9, pp. 1063–1071. <https://doi.org/10.1016/j.solener.2005.11.001>
- [7]. С.В. Honsberg, S.G. Bowden. Photovoltaics Education Website, www.pveducation.org, 2019. [Дата обращения: 12 марта 2023 г.]
- [8]. К.А. Джумамуратов, О.Ф. Тукфатуллин, А.И. Мамагов, С.Ш. Мухитдинов. Методика дистанционного измерения температуры фотоэлектрического модуля // В кн. «Сборник трудов II Республиканской научной конференции молодых учёных и студентов-физиков (РНКМУСФ–II)» (Ташкент, Узбекистан, 20–21 мая 2022 г.), 2022, сс. 149–152.
- [9]. A.D. Jones, C.P. Underwood. A thermal model for photovoltaic systems // Solar Energy, 2001, V. 70, I. 4, pp. 349–359. [https://doi.org/10.1016/S0038-092X\(00\)00149-3](https://doi.org/10.1016/S0038-092X(00)00149-3)
- [10]. M.N. Tursunov, V.G. Dyskin, B.M. Turdiev, I.A. Yuldashev. The influence of convective heat exchange on the temperature of a solarvoltaic array // Applied Solar Energy, 2014, V. 50, pp. 236–237. <https://doi.org/10.3103/S0003701X14040173>
- [11]. Р.А. Муминон, Ш.Б. Утамурадова, В.Г. Дыскин, О.Ф. Тукфатуллин, К.А. Джумамуратов. Измерение степени черноты фотоэлектрического модуля // Гелиотехника, 2023, № 1.

519.71(575.1)

МАТРИЧНОГО ПРЕДСТАВЛЕНИЕ НЕЧЕТКОЙ ЛОГИКИ МАМДАНИ

У.У. Хасанов

Научно-исследовательский институт развития цифровой технологии и искусственного интеллекта
dilnoz134@rambler.ru
 (Получена 14.09.2022 г.)

The application of fuzzy logic theory in solving classification problems makes it possible to obtain fundamentally new models and methods for analyzing these systems. Based on the analysis carried out, it is proposed to use the Mamdani algorithm as the main fuzzy inference method for constructing an optimal intelligent control model. The purpose of the presented work is to develop the Mamdani fuzzy model and use the matrix representation of fuzzy logic to solve classification problems. The developed rule base, the developed classification models using the Mamdani fuzzy logic apparatus made it possible to improve the technologies for developing information systems..

Keywords: Artificial intelligence, fuzzy set theory, fuzzy logic, rule base, membership function.

Применение теории нечеткой логики при решении задач классификации дает возможность получить принципиально новые модели и методы анализа данных систем. На основе проведенного анализа в качестве основного метода нечеткого вывода для построения оптимальной модели интеллектуального управления предлагается применить алгоритм Мамдани. Целью представленной работы является разработка нечеткой модели Мамдани и применение матричного представления нечеткой логики для решения задач классификации. Разработанная база правил, разработанные модели классификации с использованием аппарата нечеткой логики Мамдани позволили совершенствовать технологии разработки информационных систем.

Ключевые слова: Искусственный интеллект, теория нечетких множеств, нечеткая логика, база правил, функция принадлежности.

Классификация масалаларини ечишда норавшан мантиқ назариясини қўллаш ушбу тизимларни таҳлил қилишининг принципиал жиҳатдан янги моделлари ва усулларини олиш имконини беради. Ўтказилган таҳлиллар асосида оптимал ақлли бошқарув моделини яратиш учун асосий норавшан хулоса чиқариш усули сифатида Мамдани алгоритмидан фойдаланиш таклиф этилади. Тақдим этилган ишнинг мақсади Мамдани норавшан моделини ишлаб чиқиш ва таснифлаш масалаларини ҳал қилиш учун норавшан мантиқнинг матрицали ифодалашдан фойдаланишидир. Ишлаб чиқилган қоидалар базаси, Мамдани норавшан мантиқ аппарати ёрдамида ишлаб чиқилган ифодалаш моделлари ахборот тизимларини ишлаб чиқиш технологияларини такомиллаштириш имконини беради.

Калит сўзлар: *Сунъий интеллект, норавшан тўпламлар назарияси, норавшан мантиқ, қоидалар базаси, аъзолик функцияси.*

1. Введение.

Выявлены проблемы, с которыми сталкиваются специалисты при решении задач классификации:

- недостаток информации актуальной в реальном времени;
- ограничение доступа точного анализа;
- отсутствие баз данных документированной информации и как следствие, нет автоматизированной системы поддержки принятия решения;
- отсутствие баз знаний и баз правил для решения классификационных задач;
- отсутствие интегрированных программных комплексов.

Выделяют два вида неопределенности – стохастическую (вероятностную) и лингвистическую (нечеткую). Стохастическая неопределенность проявляется в виде вероятности возникновения конкретного, точно определенного события. Лингвистическая неопределенность заключается в словах высказывания, которые описывают явление «примерно», неточно, нечетко. Другими словами, при вероятностном описании, событие либо полностью наступает, либо не наступает вообще, а при нечетком – событие может наступить «частично» [1].

При решении задач классификации наиболее распространение получили методы: Mamdani, Tsukamoto, Larsen, Takagi-Sugeno. Ниже представлен сравнительный анализ нечетких моделей [2-3]:

1) Модели Мамдани. Модель может быть определена следующим образом [4,5]:

Определение нечеткой базы правил;

Фаззификация входных переменных;

Агрегирование подусловий, для каждого правила выполняется расчет значений степеней принадлежности. Для расчетов используются правила, где значения степеней принадлежности предпосылок не нулевые;

Активизация подзаклучений в нечетких правилах рассчитывается по формуле, учитывая только активные правила;

Аккумуляция заключений нечетких правил продукций, где выполняется объединение нечетких множеств и получают итоговое множество нечеткое для выходных лингвистических переменных;

При дефаззификации результат приводят к четкому представлению, используя метод центра тяжести.

2) Модель Цукамото. Отличие от модели Мамдани:

Алгоритм прост, но не универсален, так как применяется для монотонных функций соответствия выходных параметров.

Точность ниже, чем алгоритм Мамдани.

3) Модель Ларсена. В отличии от модели Мамдани, требует больше операций умножения.

4) Модель Такаги-Сугено. Основное отличие от модели Мамдани, это задание значений входных переменных разными способами, которые образуют базу знаний: в алгоритме Мамдани значения выходных переменных задают термами, а в алгоритме

Такаги-Сугено - линейной комбинацией входных переменных.

На основе проведенного анализа в качестве основного метода нечеткого вывода для построения модели классификации предлагается применить алгоритм Мамдани [6,7].

2. Методы.

Алгоритм Мамдани в системах нечеткого вывода описывается следующим образом:

Предположим, что базу знаний образуют два нечётких правила [5-8]:

Π_1 : если x есть A_1 и y есть B_1 , то z есть C_1 ,

Π_2 : если x есть A_2 и y есть B_2 , то z есть C_2 ,

где x и y – имена входных переменных, z – имя переменной вывода, $A_1, A_2, B_1, B_2, C_1, C_2$ – некоторые заданные функции принадлежности, при этом чёткое знание z_0 необходимо определить на основании приведённой информации и чётких знаний x_0, y_0 .

Данный алгоритм математически может быть описан следующим образом.

1. Нечёткость: находятся степени истинности для предпосылок каждого правила.

2. Нечёткий вывод: находятся уровни отсечения для предпосылок каждого из правил с использованием операции минимума.

3. Композиция: с использованием операции \max производится объединение найденных усеченных функций, что приводит к получению итогового нечёткого подмножества для переменной выхода с функцией принадлежности

4. Приведение к чёткости производится, например, центроидным методом

Таким образом, создана база правил и с использованием аппарата нечеткой логики Мамдани.

Применение теории нечеткой логики для анализа систем управления бизнес-процессами дает возможность получить принципиально новые модели и методы анализа данных систем [1-7].

1) Нормализация

$$U_{ij} = l \frac{x_{ij} - x_{minj}}{x_{maxj} - x_{minj}}, l = 4.$$

2) Приведение к нечеткости (фазификация процесса)

$$\mu_{ij}^k = \frac{1}{1 + \frac{(U_{ij} - k)^2}{\sigma^2}},$$

$$\mu_{ij}^* = \max_k \mu_{ij}^k, l = 4 \quad k = 0, l.$$

3) Расчет термов базы знаний

$$V_{ij} = \arg \max_k \mu_{ij}^k.$$

4) Нечеткий логический вывод – Модель Мамдани.

5) Расчет адекватности

$$\mu_{ij} = \frac{1}{1 + \frac{(U_{ij} - k)^2}{\sigma^2}}.$$

В матричном представлении [7] для описания степени истинности высказывания A вводится двухмерный вектор x . Если ввести базисные векторы $e^{(0)}$ и $e^{(1)}$, то вектор x может быть представлен в виде

$$x = x_0 e^{(0)} + x_1 e^{(1)}, \quad (1)$$

причем компоненты вектора x – числа x_0, x_1 – удовлетворяют условиям

$$0 \leq x_0, x_1 \leq 1, x_0 + x_1 = 1. \quad (2)$$

Сами базисные векторы $e^{(0)}$ и $e^{(1)}$ описывают высказывания со степенью уверенности 0 и 1 соответственно. Операции отрицания соответствует перестановка компонент вектора $x: \neg x = x_1 e^{(0)} + x_0 e^{(1)}$.

В «классической» нечеткой логике оценка неопределенности высказывания вызывает затруднения [9,10]. Представление нечетких высказываний в векторном виде позволяет вычислять их неопределенность с помощью известной формулы теории информации:

$$S(x) = -x_0 \log_2 x_0 - x_1 \log_2 x_1. \quad (3)$$

Логические операции над векторами – конъюнкцию, дизъюнкцию и импликацию – можно представить в матричном виде. Составим из компонент вектора x конъюнктивную $C(x)$, дизъюнктивную $D(x)$ и имплицативную $I(x)$ матрицы размером 2×2 [7]:

$$C(x) = \begin{pmatrix} 1 & x_0 \\ 0 & x_1 \end{pmatrix}; D(x) = \begin{pmatrix} x_0 & 0 \\ x_1 & 1 \end{pmatrix}; I(x) = \begin{pmatrix} x_1 & 0 \\ x_0 & 1 \end{pmatrix}. \quad (4)$$

С помощью этих матриц логические операции над нечеткими векторами могут быть представлены в виде

$$x \wedge y = C(x)y; x \vee y = D(x)y; x \rightarrow y = I(x)y, \quad (5)$$

где вектор y следует мыслить, как матричный столбец 1×2 , составленный из его компонент $y = \begin{pmatrix} y_0 \\ y_1 \end{pmatrix}$, а точка обозначает обычное матричное умножение. Результатом логических операций, сформулированных в таком виде, тоже будет нечеткий вектор. Детальное обоснование сделанного выбора матриц (3) представлено в работе [7].

Нечеткий предикат $x(s)$ – это векторная функция, заданная на множестве определения S , принимающая значения в пространстве нечетких векторов F , элементы которого описываются формулами (1) и (2), то есть

$$x(s) = \begin{pmatrix} x_0(s) \\ x_1(s) \end{pmatrix}; \quad (6)$$

$$0 \leq x_0(s), x_1(s) \leq 1; x_0(s) + x_1(s) = 1. \quad (7)$$

Из определения предиката следует, что в качестве значения $x_1(s)$ используется значение функции принадлежности нечеткой переменной $\mu_x(s)$. В то время как для выполнения условий (2) необходимо $x_0(s) = 1 - \mu_x(s)$. Операции над нечеткими предикатами сводятся к операциям над нечеткими векторами [10-14].

В приложениях нечеткой логики большое распространение получил алгоритм Мамдани, в котором предлагается находить следствие правила y как конъюнкцию предпосылки правила x и некоторой переменной w , заданной на области определения y :

$$y = x \wedge w. \quad (8)$$

В матричном виде это выражение имеет вид:

$$y = C(x)w. \quad (9)$$

Нечеткое правило modusponens может быть записано следующим образом через импликацию:

$$x \rightarrow y = z. \quad (10)$$

В матричном виде это правило выглядит как:

$$I(x)y = z. \quad (11)$$

Из формул (9) и (11) следует связь между переменными w и z :

$$z = C(x)I(x)w. \quad (12)$$

Согласно этой формуле, задавая переменную w , как того требует алгоритм Мамдани, зададим и нечеткость z правила modusponens (10). В этом смысле можно строго считать, что алгоритм Мамдани является логическим выводом, хотя обычно его рассматривают только как модель вывода. При решении конкретных задач во многих случаях бывает легче определить переменную w . Матричный метод позволяет при этом указать степень нечеткости z правила (10).

На основе матричного представления нечеткой логики Мамдани на модельных задачах получены результаты классификации и проведен сравнительный анализ .

Таблица 1

N	Базы взяты для тестирования				Изменения значений L						
	Имя	N	M	Имя класса	3	5	7	9	11	13	15
1	Animal	101	16	7	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Wine	178	13	3	98,33	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
3	Iris	150	4	3	67,33	96,00	97,3	98,00	98,67	100,0	100,0
4	Liver	178	10	2	80,34	90,45	96,63	98,88	99,44	99,44	99,44
5	Caesarian	80	5	2	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50
6	Fire	244	10	2	86,07	93,85	96,72	99,18	99,18	100,0	100,0
7	Ecoli	336	7	8	66,96	87,50	93,45	97,02	98,81	99,70	100,0

Результаты, полученные по простой модели Мамдани (%).

Таблица 2

N	Базы взяты для тестирования				Изменения значений L						
	Имя	N	M	Имя класса	3	5	7	9	11	13	15
1	Animal	101	16	7	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Wine	178	13	3	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
3	Iris	150	4	3	85,33	98,00	98,67	99,33	99,33	100,0	100,0
4	Liver	178	10	2	86,52	94,94	97,75	98,88	99,44	100,0	99,44
5	Caesarian	80	5	2	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50	57,50
6	Fire	244	10	2	96,31	97,54	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
7	Ecoli	336	7	8	77,38	89,88	94,05	96,43	98,81	100,0	100,0

Результаты, рассчитанные по матричной модели Мамдани (%).

Таблица 3

N	Имя	N	M	Имя класса	3	5	7	9	11	13	15
1	Animal	101	16	7	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
2	Wine	178	13	3	1,69	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
3	Iris	150	4	3	18,00	2,00	1,34	1,33	0,66	0,00	0,00
4	Liver	178	10	2	6,18	4,49	1,12	0,00	0,00	0,56	0,00
5	Caesarian	80	5	2	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
6	Fire	244	10	2	10,24	3,69	3,28	0,82	0,82	0,00	0,00
7	Ecoli	336	7	8	10,42	2,38	0,60	-0,59	0,00	0,30	0,00

Различия в результатах.

Оценка степеней нечеткости предикатов позволяет при решении конкретных задач осуществлять дополнительный выбор правил таким образом, чтобы отбрасывать наименее значимые правила, и оставлять только правила, несущие максимальную информацию. Кроме того, с помощью такой оценки можно осуществлять выбор функций истинности, содержащих максимальное количество информации об исследуемом объекте.

5. Заключение

Таким образом, Каждому правилу записывается степень истинности, так как

число экспертных оценок высокое, каждой оценке можно записать одно правило, при этом некоторые могут являться противоречивыми, либо дублироваться. Чтобы разрешить данную проблему и сократить число правил, каждому правилу запишем степень истинности (вес правила) и выбираем правило, у которого выше степень истинности.

Данный алгоритм описывает несколько последовательно выполняющихся этапов. При этом каждый последующий этап получает на вход значения, полученные на предыдущем шаге.

Алгоритм примечателен тем, что он работает по принципу «черного ящика». На вход поступают количественные значения, на выходе они же. На промежуточных этапах используется аппарат нечеткой логики и теория нечетких множеств. В этом и состоит элегантность использования нечетких систем. Можно манипулировать привычными числовыми данными, но при этом использовать гибкие возможности, которые предоставляют системы нечеткого вывода.

Этапы нечеткого вывода выполняются последовательно. И все значения, полученные на предыдущем этапе, могут использоваться на следующем.

В работе обоснована модель интеллектуального управления бизнес-процессом производства с использованием аппарата нечеткой логики Мамдани, показаны возможности получения количественных оценок в нечеткой модели. Для статистического управления бизнес-процессом эффективным инструментом являются контрольные карты. На основе проведенного анализа в качестве основного метода нечеткого вывода для построения оптимальной модели интеллектуального управления предлагается применить алгоритм Мамдани. Выполнен анализ и обоснование модели классификации с использованием аппарата нечеткой логики Мамдани.

Список литературы

- [1]. Круглов В.В., Дли М.И., Голунов Р.Ю. Нечеткая логика и искусственные нейронные сети. - М.: Физматлит, 2001.
- [2]. Zagidullin B.I., Nagaev I.A., Zagidullin N.Sh., Zagidullin Sh.Z. A neural network model for the diagnosis of myocardial infarction. // Russian Journal of Cardiology. 2012; (6): 51-54.
- [3]. Круглов В.В., Дли М.И. Интеллектуальные информационные системы: компьютерная реализация систем нечеткой логики и нечеткого вывода. - М.: Физматлит, 2002.
- [4]. D T Muhamediyeva. Building and training a fuzzy neural model of data mining tasks // IOP Conf. Series:Journal of Physics: Conference Series, 2182 (2022) 012024. DOI <https://doi.org/10.1088/1742-6596/2182/1/012024>
- [5]. Andrisevic N., Ejaz Kh., Rios-Gutierrez F., Alba R., Nordehn G., Burns Sh. / Detection of Heart Murmurs Using Wavelet Analysis and Artificial Neural Networks // Journal of biomechanical engineering VL-127, 2005/12/01, 899-904, DOI 10.1115/1.2049327
- [6]. Higuchi K., Sato K, Makuuchi H., Furuse A., Takamoto S., Takeda H./ Automated diagnosis of heart disease in patients with heart murmurs: Application of a neural network technique// Journal of medical engineering & technology 2006/03/01, SP - 61-68 pp, EP - 8, VL - 30, DOI: 10.1080/03091900500131110
- [7]. Марценюк, М.А. Матричное представление нечеткой логики [Текст] / М.А. Марценюк // Нечеткие системы и мягкие вычисления. Научный журнал Российской ассоциации нечетких систем и мягких вычислений. –2007. –Т. 2. –№ 3. –С. 7–35.
- [8]. Круглов, В.В. Интеллектуальные информационные системы: компьютерная поддержка систем нечеткой логики и нечеткого вывода [Текст] / В.В. Круглов, М.И. Дли. –М.: Физматлит, 2002. –256 с.
- [9]. Muhamediyeva D.T. Fuzzy cultural algorithm for solving optimization problems // IOP Conf. Series:Journal of Physics: Conference Series 1441 (2020) 012152.
- [10]. Muhamediyeva D.T. Particle swarm method for solving the global optimization problem using the equilibrium coefficient // IOP Conf. Series:Journal of Physics: Conference Series 1441 (2020) 012153.

ИПАК ТОЛАЛАРИНИНГ ЯРИМУЎТКАЗГИЧЛИ ХОССАЛАРИГА ТАШҚИ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

¹А.Т. Мамадалимов, ¹Н.К. Хакимова,
²С.У. Умарова, ³С.В. Набиев, ³М.З. Ахмаджонов

¹Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника
илмий-тадқиқот институти, ²Қарши Давлат университети, ³Фаргона политехника институти

Khakimova_nilufar@mail.ru

(Қабул қилинди 21.01.2023 й.)

Ушбу мақолада аввал текирилмаган «АГУ-112» навли ипак толаларининг электрўтказувчанлиги температура ортиши билан экспоненциал равишда ортиши аниқланди ва яримўтказгич хусусиятга эга эканлиги намоён этилди. «АГУ-112» навли ипак толалари турли моддалар билан легирлаш технологияси яратилди ва электрўтказувчанлигининг ўзгариши аниқланди. «АГУ-112» навли ипак толаларида 1-мартта ички фотоэффект кузатилди.

Калим сўзлар: Ипак толалари, яримўтказгич, электрўтказувчанлик, серицин, фиброин, легирлаш, ёруғлик, харорат.

В данной статье, которые ранее не исследовались, установлено что электропроводность шелковых волокон сорта «АГУ-112» экспоненциально возрастает с повышением температуры и показано, что шелковые волокна «АГУ-112» обладают полупроводниковыми свойствами. Создана технология легирования шелковых волокон АГУ-112 различными веществами и определено изменение электропроводности. В шелковых волокнах «АГУ-112» впервые наблюдался внутренний фотоэффект.


Ключевые слова: Шелковые волокна, полупроводник, электропроводность, серицин, фиброин, легирование, свет, температура.

In this article, which have not been previously studied, it was found that the electrical conductivity of silk fibers of the AGU-112 variety increases exponentially with increasing temperature and shown that AGU-112 silk fibers have semiconductor properties. A technology for doping AGU-112 silk fibers with various substances has been created and a change in electrical conductivity has been determined. For the first time, an internal photoelectric effect was observed in AGU-112 silk fibers.

Keywords: Silk fibers, semiconductor, electrical conductivity, sericin, fibroin, doping, light, temperature.

Бугунги кунда дунёда табиий яримўтказгичлардаги физик жараёнларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишда энг муҳим вазифалардан бири, куйидаги мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш: табиий яримўтказгичли толаларнинг фундаментал параметрларини аниқлаш; электрўтказувчанликни температурга боғлиқлик қонунияларини намоён қилиш; легирланган ипак толаларини фотоўтказувчанлик кинетикасини аниқлаш; электрон техникани янги элементларини яратиш; хар хил табиий яримўтказгичли толаларда кечадиган электрон жараёнларнинг механизмларини ўрганиш долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади. Бу эса яримўтказгичлар электроникасида дискрет элементлар яратиш имконини беради. Ипак толалари (ИТ) хароратга, ёруғликга ва кимёвий элементлар билан легирлашга сезгирлиги юқори эканлиги маълум. Бундай тадқиқотларни давом эттирилиши табиий толаларнинг янги физикавий хусусиятларини аниқлашга ва электрон асбобларни яратишнинг асоси бўлади [1-7].

Пилла толаси иккита узун ва ингичка бўйламасига ёпишган ипак толалардан (фиброин толалар) ташкил топиб, ялпоқ цилиндр кўринишида бўлади. Ипак толалари одатда параллел равишда жойлашиб, толани нотекис қатлам билан ўраб олган серициннинг ингичка қатлами орқали ажратилган бўлади. Пилла ёйилганда



1-расм. Ипак толасини ташкил этувчи фиброин(чин ипак) ва серицин(ёпишқоқ модда) кўриниши.

толасининг узунлиги бўйлаб ипак толасининг жойлашиш тартиби бузилади, серицин айрим жойларда бўлади, айрим жойларда бўлмайди, ипак толасининг учлари тилинган, ясси жойлар учраб туради. Пилла толаси фибрилляр тузилишда бўлади. Фибрилланинг диаметри 10^{-8} м, узунлиги 35×10^{-8} м гача бўлади. Фибриллани ташкил этувчи фиброин молекулалари чизиқли тузилмага эга бўлиб, кўп маротаба такрорланувчи бўғинлардан иборат бўлади [4].

Табиий ипак 145-150°C температурагача қиздирилишга бардош бера олади. 100-130°C температурада сорбция намлиги йўқолади. Фиброиннинг термоиндукцияси 310-320°C температурада ўзининг максимум даражасига эришади.

Табиий ипакнинг биосинтези жараёнида серицин фиброинли таёқчаларнинг ғовақлари ва бўшлиқларида текис жойлашиб, иккита фиброинли стержень ва пилла толасини бирлаштирилади (1-расм). Серицин ва фиброин нафақат механик жиҳатдан, балки кимёвий жиҳатдан ҳам боғланган.

Фиброиннинг кимёвий формуласи $C_{15}H_{23}N_5O_6$


Серициннинг элементли таркиби, %:

1. Углерод - 44,32-46,29.
2. Водород - 5,72-6,42.
3. Азот - 16,44-18,33,
4. Кислород - 30,35-32,5
5. Қўрғошин - 0,15.

Ипак толаларини пилладан ажратиб олиш (чуваб чиқариш) технологияси.

Толаларни ажратиб олишда дастлаб пилла қобиғини 75-80 °C ли сувга солиниб ивитиб олинади. Ивитилган пилла қобиғидан ажралиб чиққан толани йигирувчи қурилма ёрдамида пилла қобиғидан ажратиб олинади (2-расм). Ипак толасини ўраш қурулмасининг барабани 1 секунда 2 марта айланади. Барабан айланаси узунлиги 30 смга тенг. Ажралган ипак толаси дистилланган сувда тозалаб ювилади. Кейин, ипак толаларини ташқи таъсирдан ҳимояланган термо камерада 72 соат ва ундан ортиқ кўп вақт қуриши учун ушлаб турилади.

Кейинги босқичда $Al_2(SO_4)_3$ ва $CuSO_4$ моддаларининг мос равишда 1% ва 5% сувдаги эритмаси олинди. Ипак толалари камида 30 минут (бу эритмалар ичига солиниб) шимдирилди. Эритма билан тўлиқ ҳўлланган толалар термостат ичига жойланиб 75° C ли ҳароратда 5 соат давомида легирланди. Бу жараёнда киритилган модда иссиқ ҳарорат таъсирида толалар ичига диффузияланиб кириб қолади. Толалар таркибига кириб қолган атомлар унинг электрофизик хоссаларини бир неча ўн бараварга оширади.



2- расм. Ипак толаларини пилладан ажратиб олиш қурилмаси. Бунда, 1-мотор; 2-редуктор; 3-ток манбаи; 4-баробан; 5-термометр; 6-идиш; 7-пилла; 8-иситгич печ; 9-ипак толаси ва 10-сувдан иборат.

Омик контактлар олиш учун электрўтказувчи елим ишлатилади. Электрўтказувчан елимлар, биринчи навбатда, электроникада самарали фойдаланиладиган елим ҳисобланади. Унинг электрўтказувчан моддаси одатда умумий таркибнинг 80% ва қолган қисми электрўтказувчан компонент ушлаб турадиган бириктирувчи елимдан иборат. Электрўтказувчи компонентнинг зарралари бир-бирига тегиб туради ва шу билан электр токини ҳосил бўлади. Электрўтказувчи елим таркибидаги компонент қумуш, никел, мис ёки графит бўлиши мумкин. Бошқа кимёвий моддалардан таёрланганлари сифати пастроқ бўлади. Ёпиштирувчи компонент суюқ шиша, синтетик қатрон ёки силикон бўлиши мумкин. Электрўтказувчилар компонент тури ва концентрациясининг ўзгариши

елимнинг қаршилигини ўзгартиради. Кимёвий элементлар билан легирланган ИТнинг молекуляр структурасини ўзгариши натижасида уларнинг электрон ҳолатини ўзгартириши мумкин. Бу ўз навбатида, ИТ да электрофизик хоссаларини ўзгаришига олиб келади.


Легирланмаган ва турли моддалар билан легирланган толалар параллел ҳолга келтирилади, толаларни 0,5-0,7 см оралиғида четлари кесиб олинади. Намуналар бир бирига

(8000-10000 та тола) паралелл жипс жойлаштирилган, умумий оғирлиги 1-3 мг. Кукун зарралари каби майдаланган графит суюқ шиша билан куюқ ҳолатга етгунча аралаштирилади. Бундай электрўтказувчи елим 1 см узунликдаги ва 20 мкм қалинликдаги парданинг қаршилиги $3 \cdot 10^2$ Ом га эга. Намуналарнинг ВАХ ни $T = 300\text{K}$ температурада оддий методикадан фойдаланиб ўлчанади. Юқори сифатли натижаларга эга бўлиш учун жуда кичик тоқларини сезувчи ўлчаш шкаласи Рақамли наноамперларда бўлган DMM6500 номли мултиметрдан фойдаланилди. Электр ўлчашлар натижасида намуналарни вольтампер характеристикалари (ВАХ) чизиқли эканлиги маълум бўлди. Бир неча марта қайта ўлчанганда ҳам, ВАХ да ўзгаришлар кузатилмади.

Назорат учун айрим намуналар барокамерада тайёрланди, унда ҳавонинг босими $P = 3 \cdot 10^{-2}$ мм.с.м.уст гача сўриб олиниб ва аргон-инерт гази муҳити ҳосил қилинди. Намуналарни ўлчаш деярли бир хил натижалар берди. Одатда яримўтказгич материаллар электрўтказувчанлиги температурага боғлиқлиги экспоненциал равишда ўзгаради. Ипак толалари ҳам худди шундай физик хусусиятга эгадир. Ипак толаси ҳона температурасида электрўтказувчанлиги нисбатан кам бўлади. Температуранинг ошириб борган сари (тахминан- 35^0 - 100^0 С гача) ипак толаларининг электр ўтказувчанлиги ошиб борганини кузатамиз. Табиий толаларнинг температура таъсирида электрўтказувчанлигининг ўлчашларда $\text{Cu} + \text{Ct}$ махсус термопарадан фойдаланилади. Ўлчашлар оралиғи температураси 0^0 С - 140^0 С бўлади.

«АГУ-112» навли ипак толасининг электрўтказувчанлигининг температурани ошириш натижасида электрўтказувчанлиги экспоненциал $I \sim \frac{i}{RS} = \sigma = \sigma_0 \exp(-\frac{E}{kT})$ қонун бўйича ошади. Агар яримўтказгичда донор ва акцептор аралашмалар бор бўлса, абсолют ноль температурада аралашмалар яримўтказгичда, умуман электрон (ковак)лар бўлмайди. Температуранинг ошиши билан аралашмадаги электронлар эркин ҳолатига ўтади. Чунки, аралашманинг активлаштириш энергияси яримўтказгич атомларининг активлаштириш энергиясидан жуда кичик бўлади. Температуранинг ошириб бориш аралашма атомларининг ионлашишига олиб келади, ҳамда яримўтказгичларда киришмавий электрўтказувчанлик содир бўлади.

«АГУ-112» навли ипак толасининг электрўтказувчанлиги ($\sim \sigma$) температуранинг $0 \div 100^0\text{C}$ оралиғида активлаштириш энергияси экспоненциал қонун бўйича ўсиши кузатилган. Тадқиқотлар натижасида «АГУ-112» навли ИТ дан ўтаётган токнинг қиймати ташқи ҳароратга экспоненциал равишда боғлиқ ҳолда ортиши кузатилди. Намуналарга 75^0C



3-расм. а - 5% ли $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ билан легирилган «АГУ-112» ипак толаларининг активация энергиялари 1. $E_{t1} = 1.2$ эВ, 2. $E_{t2} = 0.49$ эВ б - 5% ли CuSO_4 нинг сувдаги эритмаси билан легирилган «АГУ-112» ипак толаларининг активация энергияси $E_t = 1.85$ эВ.

температурада 5 соат давомида ишлов берилди ва текшириш 100В кучланиш берган ҳолда ўтказилди. Текширишлар натижасида намуналарнинг активация энергиялари аниқланди (3-

расм).

«АГУ-112» навли ипак толаларининг фотоўтказувчанлик кинетикасини тадқиқ қилиш мақсадида ўлчашлар ёритгичсиз ва $h\nu=5\text{эВ}$ ли ультрабинафша (УБ) нур билан ёритишда олиб борилди. Тадқиқот натижаларида «АГУ-112» навли ипак толалари намуналарининг вольт-ампер тавсифи чизикли эканини аниқладик. Бу уларнинг УБ соҳасида фотосезгир (ёруғликга сезгир) элементлар сифатида ишлатишга имкон беради. «АГУ-112» навли ИТда УБ билан ёритилганда фототок органини кўрамиз, кейин ёруғлик ўчирилгандан сўнг фототокда қисқа муддатли релаксацияси кузатилди.

4-расмда «АГУ-112» навли 5% $Al_2(SO_4)_3$ билан легирланган ипак толаларининг электрўтказувчанлигининг УБ нур таъсирида ўзгариши берилган. Бунда намунага УБ нурни туширган пайтимизда фототок ўтиши оша бошлайди. 75°C да ишлов берилган намунага 4 мин давомида УБ туширилди, бунда кучланиш 140 В . УБ нур ўчирилганда намунадан ўтадиган ток кучининг камайишини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда илк бор ҳали физикавий хусусиятлари тадқиқ қилинмаган «АГУ-112» навли ипак толаларининг электрофизикавий хоссалари аниқланди.


-- Бошланғич (легиранмаган) ва $Al_2(SO_4)_3$, $Cu(SO_4)$ билан легирланган «АГУ-112» навли ипак толаларининг ВАХ лари тадқиқ қилинди. Учала ҳолатда ҳам ВАХси чизикли эканлиги кузатилди.

-- Бошланғич (легиранмаган) ва $Al_2(SO_4)_3$, $Cu(SO_4)$ билан легирланган «АГУ-112» навли ипак толаларининг электрўтказувчанлиги ҳарорат ортиб бориши экспоненциал равишда ортиб бориши кузатилди. Бу эса текширилган намуналар яримўтказгич хоссасига эга эканлигини тасдиқлайди.

-- «АГУ-112» навли ипак толаларини $Al_2(SO_4)_3$ ва $Cu(SO_4)$ билан легирлаганда ички фотоэффект намоён қилинди, яъни ультрабинафша нур билан намуна ёритилганда фототок ҳосил бўлиши кузатилди.

-- $Al_2(SO_4)_3$ ва $Cu(SO_4)$ билан легирланган «АГУ-112» навли ипак толаларида фотоўтказувчанликнинг кинетикаси тадқиқ қилинди.

- УБ нур билан ёритилганда фототок экспоненциал равишда ортиб борди. УБ ўчирилганда фотоўтказувчанликнинг релаксацияси кузатилди.



4-расм. «АГУ-112» навли 5% ли $Al_2(SO_4)_3$ билан легирланган ипак толасининг фотоўтказувчанлик кинетикаси. Намунага 75°C температурада 5 соат давомида ишлов берилган. Кучланиш $U_{\text{const}} = 140\text{ В}$.

Адабиётлар

- [1]. «Справочник по шелкосырью и кокономотанию» Под общей редакцией проф Э.Б.Рубинова. Издательства «Легкая индустрия» Москва 1971 г.
- [2]. Н.К.Хакимова. Свойства природных полупроводниковых волокон. Монография. Тошкент “KOLEON PRESS” 2021г. ,112 стр.
- [3]. А.Т. Мамадалимов, Н.К.Хакимова, Б.Э.Тураев, Т.А.Усманов. Изучение полупроводниковых свойств, хлопковых и шелковых волокон. III- Респ.конф. по физической электронике.Сб. тезисов докладов. Ташкент, 2002г. 6-8 ноября, стр.35.
- [4]. <https://en.wikipedia.org/wiki/Silk> (Ипак толаси ҳақида)
- [5]. А.Т.Мамадалимов, В.Л.Оксегендлер., Ш.О.Отзахжнов, В.Е.Тураев, Т.А.Усманов, Н.К.Хакимова., Zh.A.Kadirov. Features of the photoconductivity of iodine-doped cotton fibers illuminated in the fundamental absorption range. Technical Physics Letters, 2002, Vol.28, №7, 581-583.
- [6]. А.Т.Мамадалимов, Р.К.Хабибullaев, М.Шерматов. Some problems of modification of cotton fibers physical properties. Uzbek Physical Journal, 1999, Vol.1, №6, 465-479.
- [7]. А.Т.Мамадалимов, Г.М.Рузиева, Б.Э.Тураев, М.Шерматов, М.А.Шерматова, Д.Б.Элмуротова. Электрофизические свойства природных полимерных волокон. Тезисы докладов Международной конференции «Фото-,тензо-и термоэлектрические явления в полупроводниковых пленках» Фергана. ФерГУ 17-19 декабря 1999г. стр.8.

ТИКУВ МАШИНАЛАРНИНГ ИККИ КОНУССИМОН БАЗАВИЙ ВА СОЗЛОВЧИ ПРУЖИНАЛИ ИГНА ИПИНИ ТАРАНГЛАГИЧИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ

С. Дж. Мухамеджанова¹, А. Джураев²

¹Бухоро муҳандислик-технология институти, muxamedjanovasabrina@gmail.com

²Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
(Қабул қилинди 24.08.2022 й.)

Мақолада тикув машиналарнинг икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали игна ипини таранглагичини ҳисоблаш усули келтирилган. Тикув машинасинг тавсия этилган икки конуссимон пружинали игна ипи таранглагичи ҳисоб схемаси ва ишлаш принципи кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар. тикув машинаси, игна ипи, конструкция, пружина, таранглагич, чок, регулятор, бикрлик, частота, ҳаракат тенгласи

В статье приведена методика расчета натяжителя игольной нити с двумя коническими основаниями и регулировочной пружиной швейных машин. Подробно описывается схема и принцип работы рекомендуемой эффективной конструкции тарелчатого нитенатяжителя игольной нити швейной машины.


Ключевые слова. швейная машина, игольная нить, конструкция, пружина, натяжение, регулятор, жесткость, колебание, частота, уравнение движения.

The article presents a method for calculating the needle thread tensioner with two conical bases and an adjusting spring for sewing machines. The scheme and principle of operation of the recommended effective design of the dish-shaped thread tensioner of the needle thread of the sewing machine is described in detail.

Keywords. sewing machine, needle thread, design, spring, tension, regulator, stiffness, oscillation, frequency, equation of motion.

Газламани ўртасида тугунли ўралган ипли нормал тортилган чокни олиш учун юқори ва пастки ипларни аниқ таранглигини ҳосил қилиш зарур. Бу таранглик махсус курилмаларда – ипни таранглигини ростловчиларда ишқаланиш кучлари таъсирида ипларни тормозланиши орқали амалга оширилади [1].

Юқори ипни таранглигини ростловчи, одатда тикув машинасининг ён деворига



а)



б)

а – мавжуд таранглагич схемаси; б – таранглагич кўриниши. 1-ростловчи винт, 2 – конуссимон пружина, 3- пружинани марказлаштирувчи тирак шайба, 4- тарелкали шайбалар, 5- қайтарувчи пружина, 6- машина корпуси, 7- тирак, 8- тарелкаларни силжитувчи стержен. 1 – расм. Тикув машинасининг тарелкали таранглагичи курилмаси.

конуссимон пружиналар орқали тарелкалар 4 сиқилади. Ўнг томондаги шайба ва пружина орасида тутуштирувчи шайба ўрнатилган. Бу шайба тепки 8 ни шток билан кўтаришда ипни эркин бўшашига хизмат қилади. Винт 5- компенсацияловчи пружина 5 билан биргаликда машинанинг корпуси каллагига ўрнатилган.

Юқори ипни таранглигини ростлагич шундай бажарилганки, сиқувчи тепки кўтарилганда тарангловчи шайбалар силжиб таранглик сусаяди, бу эса газламани олишда

ўрнатилади ва пастки ип учун эса, шпуля қалпоғини ён деворига ўрнатилган текис пружина хизмат қилади. Уларнинг умумий кўриниши ва кўндаланг қирқими 1- расмда келтирилган.

Таранглагичда ростловчи винт 9 таъсирида кийгизилган кабарик 4 шайбалар орасидан ўтувчи ипни сиқидан иборат. 1 гайка бурчакда спирал

ғалтакдан ипни чиқишига имкон беради.

Тарангловчи қурилмани В.Т.Костицкийни маълум бўлган методидан фойдаланиб сиқиш кучи ҳисобланади. Чокни тортиш учун зарур бўлган Q_1 куч ипни стерженни камрашдаги ишқаланиш кучи ва ипни тарангловчи шайбалар орасидан ўтишидаги ишқаланиш кучлари ҳисобига ҳосил бўлади. Бу кучнинг катталигини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин:

$$Q_1 = Q_2 e^{f_1 \alpha} + \frac{P(f_1 + f_2)}{f_1 \alpha} (e^{f_1 - 1}) \quad (1)$$


бу ерда Q_1 – ипни ғалтакдан чиқариш учун зарур бўлган куч; P – спирал пружинани босим кучи; f_1 - ипни винтнинг цилиндрик юзасида ишқаланиш коэффициентлари ($f_1 = 0,15 \div 0,20$) f_2 ва f_3 ипни шайбанинг юзасига ишқаланиш коэффициентлари ($f_2 = f_3 = 0,15 \div 0,20$) α - камраш бурчаги ($\alpha = \pi/2$).

Спирал пружина ҳосил қиладиган куч пружинанинг бикрлигига, ўрамларнинг ишчи қисмини энг катта ва энг кичик радиуслари нисбатига ва пружинани чўқишига боғлиқ.

$$P = \frac{C \lambda}{\pi i (r_2^2 + r_1^2) (r_2 + r_1)} \quad (2)$$

бу ерда i - пружиналар ўрамлар сони; r_1 ва r_2 пружинанинг ишчи қисми ўрамларининг энг кичик ва энг катта радиуслари; λ – пружинани чўқиши; C – пружинанинг бикрлиги; $C = G J_p / G$ – II даражали қайишқоқлик модули, пўлат сим учун $G = 8 \cdot 10^5$ кгс/см² J_p - d диаметрли симнинг қирқимини кутб инерция моменти (см⁴).

Ипларнинг турлича таранглигидаги чокларни ҳолати 2 - расмда кўрсатилган. Пастки ипнинг таранглиги винт билан шпуля қалпоғини ён деворга ўрнатилган пластинкали пружина билан ип орасидаги ишқаланиш кучи ҳисобига ҳосил бўлади.



а) пастки ип кўпроқ тортилган, б) ипларнинг таранглиги бир-бирига тенг, в) юқори ип кўпроқ тортилган. 2 – расм. Ипларнинг тарангликларини ўзаро фарқига қараб чокнинг шаклланиши кўрсатилганидек бузилиш белгиловчи схемалар.

Пастки ипнинг таранглик кучини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:

$$Q_3 = P(\mu_1 + \mu_2) \quad (3)$$

бу ерда P – пружина ҳосил қиладиган куч; μ_1 ва μ_2 – ипни пружина ва шпуля қалпоғи ташқи юзаси орасидаги ишқаланиш коэффициентлари.

Тикув машинасида ҳосил бўладиган чокларни тортиш даврида моки ва игна ипларини талаб қилинган таранглигини таъминлаш зарур, бунда ўралиш тугунчалари тикиладиган материалларини чокларини ўртасига яқинроқ жойлашади. Моки ва игна ипларини таранглигини ростлашни таъминлаш учун тикув машиналарида махсус қурилмалар назарга олинган. Игна ипининг таранглиги кўпроқ тикув машинасининг қаллагига ўрнатилган тарелкали ростлагич билан ростланади. Биз таклиф қилган конструкцияни вариантларидан бири 3.4 - расмда келтирилган.

Қурилма икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали тебранувчи тарелкали ростлагич ҳисобланади [2,3].

Таранглагичнинг 4 винтли пружина бир учи билан накаткали чайкага, бошқа учи билан тарангловчи бажарувчи элементга (тарелкага) тиралади. Қарама-қарши томонда

бошқа 2 тарангловчи бажарувчи элемент (тарелка) ва тиралувчи 8 қурилма орасида сиқилган 7 пружина жойлашган.


Иккала 4 ва 7 винтли пружиналар 1 йўналтирувчи ўқга нисбатан концентрик ўрнатилган, бунда улар 2 ва 3 тарангловчи элементларни (тарелкаларни) бир бирига сиқиб, уларни марказлаштиради. Агар 4,7 винтли пружиналар нисбатан эгилувчи бўлса, системани 4,7 пружиналар ва тарангловчи 2 ва 3 элементлар системаси резонанс частотаси 8 таянч қурилмасини ғалаён частотасидан жуда кичик, бу масалада ҳам, тарангловчи бажарувчи элементлар амалда тинч ҳолда бўлиб улар секин айланади. Шунинг учун бу мисолда ихтирони амалга оширишда юқорида кўрсатилган, 8 таянч қурилмани аксиал тебраниш шартидан келиб чиқса афзаллик таъминланади.

3. б - расмда таклиф қилинган ипни тарангловчининг конструкцияси расми келтирилган. Бу қурилма конуссимон пружиналарнинг бикрлиги билан фарқ қилади. Ушбу тарангловчининг асосий фарқи тарелкаларни ипнинг таранглиги ва қалинлиги ўзгарганда автоном горизонтал ўқ бўйлаб силжиши мумкинлиги, бу эса узатиладиган ипни тикиш жараёнида таранглигини сақлашга барқарорланишига имкон беради.

Конуссимон спирал пружина ҳосил қиладиган куч к бикрлигига, ўрамларни ишчи қисмларини энг катта ва энг кичик радиусларига ва пружиналарни деформациясига боғлиқ. Бу куч куйидаги формуладан аниқланади [4,5]:

$$Q = \frac{K\lambda}{\pi i(r_2^2 + r_1^2)(r_2 + r_1)} \quad (4)$$

i - пружиналар ишчи ўрамлар сони; r_1 ва r_2 пружинани ишчи қисми ўрамларининг энг кичик ва энг катта радиуслари; λ – пружинани чўкиши;



а



б



в



г

бу ерда, а – таранглагичи схемаси; б – тарелкали икки пружинали таранглагичлар кўринишлар;

в – тавсия қилинган икки базавий ва созловчи пружинали тарелкали таранглагич ишчи ҳолати кўриниши; г – таранглагич алоҳида кўриниши. 3 – расм. Тавсия қилинган икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали тебранувчи тарелкалари бўлган игна ипини таранглагичи схемаси ва кўринишлари.

Пружинани деформацияга нисбатан бикрлиги ўзгарувчан ёки ўзгармас катталиқда бўлиши мумкин. Деформацияда бикрлиги ўзгармас қоладиган пружина бикрлиги чизикли деб аталади. Ўрамларни ҳолати ўзгаришига боғлиқ бикрлик коэффициентини “прогрессив” номини олган. Бикрлик катталиқлари қуйидагиларга берилганларга боғлиқ бўлади:

- тайёрлашда фойдаланиладиган хомашё турига;
- металл симнинг ўрамлари диаметрига (D_w);
- пружинанинг диаметрига (ўртача катталиқ ҳисобига олинади) (D_m);
- пружинанинг ўрамлари сонига ($N\alpha$).

Бикрлик коэффициентини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан қўлланилади:

$$k = \frac{G_c \cdot D_w^4}{8 \cdot N\alpha \cdot D_m^3} \quad (5)$$

бу ерда G_c - силжиш модули. Бу катталиқни ҳисобламаса ҳам бўлади, чунки у турли материаллар учун жадвалда келтирилган. Масалан, оддий пўлат учун у 80 ГПа, пружинали пўлат учун 78,5 ГПа га тенг. Формуладан тушунарлики, пружинанинг бикрлик коэффициентига қолган учта катталиқ, диаметр ва ўрамлар сони, шунингдек пружинанинг ўзини диаметри кўпроқ таъсир қилади. Бикрликнинг зарур бўлган кўрсаткичларига эришиш учун бу характеристикаларни керакли қийматларини танлаш керак бўлади. Бикрлик коэффициентини тажриба йўли билан оддий асбоблар ёрдамида аниқлаш мумкин: пружинанинг ўзи, чизгич ва юк орқали тажриба намунасига таъсир қилиб аниқланади.

Бизнинг ҳолатда тебранувчи тарелкалар иккита конуссимон пружиналар билан бириктирилади. Бунда бикрликни аниқлаш қийинроқдир. Бириктириш хусусиятлари орасида қуйидаги келтирилган ҳолатларни белгилаш керак бўлади. Параллел бириктиришда деталлар кетма-кет жойлаштирилади. Бу метод ҳосил қилинадиган системани қайишқоқлиги етарлича ошишига имкон беради.

Кетма-кет усулда бириктириш қайишқоқлик даражасини пасайтиради, аммо максимал узайишни оширишга имкон беради. Баъзи ҳолларда фақат максимал узайиш қиймати талаб қилинади.

Иккала ҳолда улаш хусусиятини аниқловчи, формула қўлланилади. Қайишқоқлик кучини модули конкрет ҳолатга боғлиқ бўлади.


Пружиналарни кетма-кет бириктиришда кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади [6]:

$$1/k = 1/k_1 + 1/k_2 + \dots + 1/k_n$$

Кўрилатган кўрсаткич муҳим хусусият ҳисобланади, берилган ҳолда у пасаяди. Пружиналарни параллел бириктиришда кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади [6,7]:

$$K = K_1 + K_2 + \dots + K_n$$

Юқорида келтирилган тарелкалар силжитувчи пружиналарни бикрлик коэффициентини кетма-кет бириктиришда бирикманинг характеристикалари аниқланади. Кўп ҳолда пружинанинг узайиши нимага тенглиги аниқланади. Параллел ёки кетма-кет бириктиришнинг хусусиятлари орасида қуйидаги келтирилган моментларни белгилаш мумкин: Параллел улашда иккала пружинали узайиши бир хил бўлади. Унутмаслик керакки, иккала вариант эркин ҳолатда бир хил узунликда характерланиши зарур. Кетма-кет улашда кўрсаткич икки марта ошади.



4 - расм. Бириктириш усуллари.

Умумий бикрлик коэффициентлари пружиналарни бириктиришнинг усулига боғлиқ ўзгаради. Параллел бириктиришда бикрлик икки марта ошади, кетма-кетда эса камаяди.

Пружиналарни параллел ва кетма-кет бириктириш. Пружинани мувозанат ҳолатига қайтарувчи кучни, яъни қайишқоқлик кучини $F_{\text{бикр}}$ деб белгилаб, топиш учун Гук қонунидан фойдаланилади.

Англиялик олим Роберт Гук биринчи марта қайишқоқлик кучи билан пружина деформацияси орасидаги боғлиқликни аниқлади. Бу боғланиш тўғри пропорционалдир пружина деформацияси қанча катта бўлса, қайишқоқлик кучи ҳам шунча катта бўлади. Яъни қайишқоқлик кучи формуласи қуйидагича кўринишда бўлади [8]:

$$F_{\text{бикр}} = k \cdot \Delta l \quad (6)$$

бу ерда Δl – деформация қиймати; k – бикрлик коэффициентлари.

Табиийки, бикрлик коэффициентлари ҳар хил пружиналар учун ҳар хил бўлади. Қайишқоқлик кучи бикрлик коэффициентлари Н/м (Ньютон метр) бирлигида ўлчанади.

Амалда пружина битта эмас, бир нечта бўлиб, улар пружиналар системасини ҳосил қилади. 4- расмда бириктириш усуллари ва ифодалари тасвирланган.

Хулоса. Тикув машиналарнинг икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали игна ипини таранглагичининг қайишқоқлик кучи билан пружина деформацияси орасидаги боғлиқликни аниқлади. Бу боғланиш тўғри пропорционалдир пружина деформацияси қанча катта бўлса, қайишқоқлик кучи ҳам шунча катта бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Ванг Е.Э. Измерения натяжений нитей, М., 1966.
- [2]. Камке Э. “Справочник по обыкновенным дифференциальным уравнениям” М., 1976., 576 стр.
- [3]. Мухамеджанова С.Дж., Джураев А., Мансурова М.А., Ганчини Ш. “Разработка конструкции и математическая модель колебаний тарелок регулятора натяжения игольной нити швейной машины”. “Фан ва технологиялар тараққиёти”. Илмий-техникавий журнал №3/2019 ISSN: 2181-8193
- [4]. Мухамеджанова С.Дж., Мансурова М.А, Ганчинина Ш. “Эффективная конструктивная схема регулятора натяжения челночной нити шпульного колпачка швейной машины” “Машинашуносликнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечими” Академик Х.Х.Усмонхўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами 2-қисм 2, 3, 4 - шўбалар 20-21 ноябрь. Тошкент 2019
- [5]. Роганов Л.Л., Карнаух С.Г. - Расчет пружин, рессор и пружинных амортизаторов Учебное пособие к курсовому и дипломному проектированию по деталям машин для студентов механических специальностей / Краматорск: ДГМА, 2000. - 112 с.
- [6]. Пономарев С.Д., Андреева Л.Е. Расчет упругих элементов машин и приборов. М.: Машиностроение, 1980.-326 с., ил.-(Б-ка расчётчика). А.Джураев и др. Теория механизмов и машин. Изд. Г.Гуляма, Ташкент, 2004, с 592.
- [7]. Соппротивление материалов: Учебник / Г.Д. Межецкий, Г.Г. Загребин, Н.Н. Решетник; под общ. Ред. Г.Д. Межецкого, Г.Г. Загребина.- 5-е изд., - М. 2016.- 432с.
- [8]. Старовойтов Э.И. Соппротивления материалов: Учеб.:для вузов.-М.ФИЗМАТЛИТ, 2008.-384 с.

ГАЗ-СУЮҚЛИК ФАЗАСИДА МАССА АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНИНИ ИНТЕНСИВЛАШ

К.Д. Мухамадсодиқов, Б. Хўжамов, Ф. Зайлобиддинов

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 25.08.2022 й.)*

Мақолада суюқлик газ фазасида масса алмашиши жараянларини интенсивлаш йўллари, масса алмашиши жараяни умумий тенгламасининг тахлили, ҳамда мавжуд масса алмашиши жараянининг интенсивловчи қурилмалар афзалликлари ва камчиликлари тахлили қилинган. Икки роторли масса алмашиши аппарати афзалликлари кўрсатилган ва кейинги тадқиқотларни шу аппарат устида олиб борилиши таъкидланган.

Калит сўзлар. *Масса алмашиши, жарённи интенсивлаш, фазалар юзаси, диффузион*

қаршилиқ, контакт элемент, сирт плёнка, оқим томчи, бугланиш, дистиллаш, ректификация, ротор, чанглатилган суюқлик.

Abstract. In the article, the ways of intensifying the mass exchange processes in the liquid gas phase, the analysis of the general equation of the mass exchange process, and the advantages and disadvantages of existing mass exchange process intensifying devices are analyzed. The advantages of the two-rotor mass exchange apparatus are shown, and further researches on this apparatus are emphasized.

Keywords. Mass transfer, flame intensification, phase surface, diffusion resistance, contact element, surface film, droplet, evaporation, distillation, rectification, rotor, condensed liquid.

В статье приведены пути интенсификации массообмена в системе газ-жидкость, анализ общего уравнения массообмена, преимущества и недостатки существующих массообменных аппаратов. Указаны преимущества двухроторного аппарата и отмечено ведение дальнейших исследований на этом аппарате.

Ключевые слова. Массоперенос, интенсификация процесса, поверхность фаз, диффузионное сопротивление, контактный элемент, плёнка поверхности, струйная капля, выпаривание, перегонка, ректификация, ротор, пилообразная жидкость

Кимёвий ишлаб чиқаришда кўплаб жараёнлар масса алмашиниш билан амалга ошади. Масса алмашиниш жараёнидаги асосий муаммолардан бири жараёнини интенсификациядир. Жараёнларини интенсификациялаштиришнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд [1]:

-фазалар контакт юзасини максимал даражада ортириш;

-масса алмашиниш коэффициентини кўтариш учун интенсив аралаштиришдан иборат.

Фазалар чегарасида диффузион қаршилиқни камайитириш ва масса алмашиниш коэффициентини ортириш аралаштириш энергиясини ортириш билан, яъни жараёндаги фазалар тезлигини ортириш билан эришилади. Бунинг учун ташқаридан қўшимча энергия киритиш талаб қилинади.

Масса алмашиниш жараёнининг умумий тенгласини ўрганиш натижасида масса алмашиниш жараёнини интенсификациялаш имкониятлари ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш мумкин [2].

$$\frac{dM}{d\tau} = k \cdot S_F \cdot \Delta C \quad (1)$$

Бу ерда M - бир фазадан иккинчи фазага ўтган модда миқдори; τ - жараёни бориш вақти; k - масса алмашиниш коэффициенти; S_F - фазалар орасидаги контакт юзаси майдони; ΔC - жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи.

Тенгламани чап томони масса алмашиниш жараёнини тезлигини белгилайди, ўнг томони эса жарёни тезлаштирувчи параметрлардан иборат. Тенгламани ўнг томонидаги уччала параметр ичида масса алмашиниш майдонини ортириш жараёнининг тезлашувига олиб келади. Тенгламадаги икки параметр моддаларнинг физик кимёвий хусусиятларига боғлиқ. Уччинчи параметр – фазаларнинг контакт юзаси бўлиб, у қанча катта бўлса, масса алмашиниш жараёни шунча тез боради. Амалда контакт юзаларни катталаштириш турли усуллар билан олиб борилади:

-контакт элементларни (насадкаларни) юзаларини ортириш ҳисобига;

- қурилмани интенсификациялашган кўпикли ёки томчи - оқимли (вертикаль контакт турли аппарат) иш режимларига ўтказиш орқали;

-қурилмада фазалар ўзаро таъсирини суюқлик ёки қаттиқ моддани контакт майдонини йириклаштириш учун майдаловчи механик аралаштирувчи мослама ўрнатиш ҳисобига.

Охирги усул шуниси билан яхшики, контактлар аро юзани ортириш билан бирга, тизимда жараён интенсификациясини ортирувчи марказдан қочма майдонни ҳосил қилади. Масса алмашинувчи техникаларда ушбу хусусиятлардан оқилана фойдаланиш кичик ҳажмдаги энергия сарфи кам бўлган юқори самарали аппаратларни яратиш имконини беради. Суюқлик ва газ ўртасида масса узатиш жараёнларини амалга ошириш учун

айланадиган роторли аппаратлар конструктив жихатдан оддий бўлиши, шунингдек тайёрлаш ва монтаж ишлари қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Мавжуд айланадиган масса узатиш мосламаларини марказдан қочирувчи куч ишлатиш усулидан фарқ қилувчи иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Сирт-плёнка қурилмалари;
2. Оқим томчи қурилмалари.

Биринчи гуруҳ қурилмаларида суюқликнинг плёнкали оқимини яратиш учун марказдан қочма кучи қўлланилади ва плёнка юзасида масса алмашинуви содир бўлади.

Иккинчи гуруҳ қурилмаларида марказдан қочма куч фазаларнинг йўналтирилган ҳаракатини ва суюқликнинг кичик томчиларга тарқалишини ташкил қилиш учун ишлатилади.

Биринчи гуруҳ қурилмаларида плёнкали оқим ҳосил бўлиб суюқликнинг газ фаза билан контакти суюқлик оқими плёнкасининг олди ва орқа қисмларида бўлади. Иккинчи гуруҳ қурилмаларида эса марказдан қочма куч таъсирида суюқлик томчиларга парчаланаяди, газ ва томчи контакти бутун томчи юзасида бўлади. Иккинчи гуруҳ қурилмаларида биринчи гуруҳ қурилмаларига нисбатан суюқлик – газ контакти юзаси катта бўлади ва масса алмашинуви жараёни маълум бир чегарада интенсивлашади.

Биринчи гуруҳ аппаратлари саноатда кенг қўлланилади [2,3]. Сирт плёнкали қурилмаларнинг кўп қирралилиги туфайли уларда буғланиш, дистиллаш, ректификация каби бир қатор технологик жараёнларни амалга оширишга имкон беради. Бундай қурилмаларнинг самарали ишлашининг асосий шартли контакт юзасида бир хил суюқлик плёнкасини яратишдир.

Ротор плёнкали ректификаторлар анча кенг тарқалган бўлиб, улар иситувчи кўйлаги билан жиҳозланган вертикал цилиндрсимон корпусдан иборат бўлади. Корпус ичида ташқи томондан пичоқлар билан жиҳозланган ичи бўш цилиндр шаклидаги ротор мавжуд. Бундай қурилмалар катта бўш қисмга эга ва бунинг натижасида паст гидравлик қаршилиқ мавжуд. Улар юқори самарадорликни талаб қилмайдиган ажратиш жараёнлари учун тавсия этилади.

Шунингдек, айланадиган сиртда бир хил суюқлик плёнкаси ҳосил қиладиган аппаратлар ҳам мавжуд. Ушбу қурилмалар маҳсулотнинг иш ҳудудида оз вақт бўлишига қарамай юқори солиштирма унумдорликка эга. Бундай аппаратларнинг асосий қачилиги катта ва мураккаб роторнинг мавжудлигидир.

Кўп цилиндрли колонналар, айланадиган алоқа юзасига эга бўлган аппаратларга туркумига киради. Бу аппаратларнинг бир қанча турлари мавжуд.

Контакт элементи концентрик (умумий марказга эга бўлган) тарзда жойлашган ўзгарувчан цилиндрлар ва конуслар бўлиб, уларнинг ҳар икки учиде катта юқори асоси ва тешиқлар очилган юзадан иборат.

Кўриб чиқиладиган турдаги қурилмаларнинг яна бир конструктив модификацияси - бу қопқоқли спирал лента шаклида тайёрланган роторли қурилмалардир. Кўриб чиқиладиган конструкцияларнинг бошқа модификацияси юза қопқоғи бўлган спирал лента туридаги ротори бўлган аппаратдир.

Юқорида келтирилган конструкцияларнинг афзалликлари - ўзаро таъсир қилувчи фазаларнинг қарши оқимида ишлаши бўлиб, бунинг натижасида бундай қурилмаларнинг юқори самарадорлигига эришилади. Шунга қарамай, улар ректификацион ва абсорбцион колонна сифатида кенг қўлланилмайди, бу қурилма конструкциясининг мураккаблиги, юқори нархи ва паст маҳсулдорлиги билан изоҳланади.

Оқим – томчили аппаратлар ҳам ректификацион ва абсорбцион колонна сифатида кенг қўлланилади. Ўз навбатида уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

-зарбали -чанглатувчи контакт қурилмали аппаратлар;

-барботажли – чанглатувчи контакт қурилмали аппаратлар.

-зарбали -чанглатувчи контакт қурилмали аппаратларда у ёки бу усул билан чанглатилган суюқлик контакт қурилманинг марказидан четки қисмга учаяди, деворга урилиб кейинги контакт поғонага оқиб тушади ва жараён қайтарилади. Суюқлик ва газ ўртасидаги

контакт газ потрубкадан ўтаётиб суюқлик томчиси пардасини қоплаб олади.

Юқоридаги қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, улар юқори ажратиш кучига эга. Бироқ, уларнинг маҳсулдорлиги паст, чунки контакт қурилмасининг кўндаланг кесими аппаратнинг умумий ишчи майдонининг атиги 5-7% ни ташкил қилади.

Ротор - импульсли аппаратларнинг камчиликлари контакт элемент бирлигига 500 Па гача бўлган нисбатан йирик гидравлик қаршилик ва ротор конструкциясининг катталиги. Бу камчиликлар аппаратдан фойдаланишда бир қатор чекловлар қўяди.

Шундай қилиб, айланиш мосламаларининг мавжуд конструкцияларини таҳлил қилишдан шундай хулосага келиш мумкинки, кўп миқдордаги назарий тарелкалар талаб қиладиган масса узатиш жараёнлари учун оқим-томчи контакт мосламалари бўлган қурилмалар мос келади, чунки уларда кўп сонли контакт поғоналарни ташкил қилиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, конструктив ечимларнинг хилма хиллигига қарамадан бу турдаги аппаратларнинг самарадорлиги деярли бир хил ва ҳар бир контакт элементи бирлиги учун 0,5-0,8 назарий тарелкалар оралиғида.

Шунинг учун ротори мураккаб бўлмаган контакт босқичининг баландлиги кичик бўлган конструкциядаги аппаратлар иқтисодий жиҳатдан қулайдир. Бундай аппаратларга контакт элементлари дискли бўлган аппаратларни мисол келтириш мумкин.

Мавжуд роторли аппаратларнинг асосий камчилиги уларнинг секциялардан иборатлигидир. Аппаратларни секцияларга бўлиш суюқ фазани аппарат атрофидан унинг марказига ва ундан контакт поғонага ўтказишдир. Секцияларнинг мавжудлиги қуйидагиларга сабаб бўлади:

- конструкцияни корпусини мураккаблашишига ва контакт қурилмаларни монтажини мураккаблашувига;


- контакт баландлигини ортиши, аппаратни тайёрлашга харажатларни кўпайишига олиб келади.

Шундай қилиб, суюқлик ва газ ўртасида масса алмашиниш жараёнларини амалга оширувчи аппарат уни тайёрлаш ва монтаж қилишни мураккаблаштирмайдиган оддий конструкцияга эга бўлиши керак.

Суюқликни контакт поғоналаридан ҳаракати ва уни аппарат атрофидан аппарат марказига қайтиши насадка элементларида амалга ошиб қўшимча секцияларни талаб қилмаслиги керак. Ана шундай қурилмалардан бири икки роторли пуркаш аппарат бўлиб, у масса алмашиниш жараёнида фазалар контакт юзасини ва натижада масса алмашиниш интенсивлигини ҳам оширади (1 расм).

Роторли масса алмашиниш аппаратларида газ-суюқлик тизимидаги масса алмашинувининг коэффиценти ва фазалар алоқа юзаси майдонини кўпайтиришга ва натижада масса алмашиниш жараёни тезлашувига ва энергия сарфини камайишига эришилади.

Қурилма қуйидагича ишлайди. Ўзаро таъсирланувчи фазалар аппаратга қарама- қарши йўналишдаги оқим билан узатилади. Суюқлик штуцер 4 орқали II ишчи худуднинг юқоридаги тешилган диски 8 га етказиб берилади ва марказдан қочма кучлар таъсирида юқори контакт элементидан қўшни валда жойлашган пастки қисмга ўтказилади ва шу билан суюқликнинг мажбурий оқимини перифериядан марказга ва аппаратнинг пастга йўналиши бўйича оқимини таъминлайди. Ишлаб чиққан суюқлик пастки зона I - куб худудида йиғилади ва кейин гидравлик затвор билан боғланган штуцер 5 орқали чиқарилади. Газ



1-расм. Роторли масса алмашиниш аппарати схемаси.
I - куб худуди; II - ишчи худуд;
III --сепарацион худуд;
1-корпус; 2,3 -газни келтириш ва олиб кетиш учун қувур;
4,5 - суюқликни олиб келиш ва олиб кетиш учун қувур; 6 – вал;
7-думаланиш подшипниклари;
8,9 -гофрирланган дисклар.

худудидаги штуцер 2 орқали берилади ва контакт элементлари 8, 9 тешикларидан газ ва юқоридан келаётган суюқлик ўтади. Газ тезлигини танлашда контакт элементлар ва корпус аппарати орасидаги тирқишдан суюқликни оқиб чиқиши ва уни тешиклардан тўқилмаслиги ҳисобга олинади. Газ аппаратдан корпус 1 нинг сепарацион худуди III қопқоғида жойлашган штуцер 3 орқали чиқарилади. Оқиб тушаётган суюқ фаза III сепарацион худуднинг перфорацияланган дискларида ажралади. Қурилмада турли гидродинамик режимларни олиш - валлар айланиш тезлигини, шунингдек, етказиб бериладиган фазаларнинг оқим тезлигини ўзгартириш орқали эришилади.

Ушбу қурилмадаги тешилган насадкалардан иборат бўлган контакт элементларда доимий аралашиб турадиган газ - суюқлик қатламида динамик кучайган ва доимий янгиланиб турувчи масса алмашинувчи юза ҳосил бўлади. Газ суюқлик қатламини интенсив аралаштириш, шунингдек суюқликни газ оқимиға қарши ҳаракатида одатдаги аппаратларға қараганда газ тезлигидан самарали фойдаланишға имкон беради. Шу билан бирға аппарат тузилиши оддий, масса алмашилиш аппаратлари габаритлари катта эмас.


Роторли масса алмашилиш аппаратида масса алмашилиш жараёни тахлил қилишдан олдин икки фазали системада масса алмашилиш жараёни меҳнзимини кўриб ўтамиз.

Иккита контактда бўлган аралашмайдиган фазаларда (газ-суюқлик; суюқлик – суюқлик) масса алмашилиш жараёни қуйидагича амалға ошади. Фазалар орасида тақсимланган модда молекуляр ва конвектив диффузия орқали ҳаракатланувчи оқимларға ўтказилади.

Ҳар бир фазада фазалар ажраладиган чегарада ядро (асосий масса) ва чегара қатлами мавжуд.

Ядрога тақсимланадиган моддаларнинг кўчиши асосан конвектив диффузия ҳисобига содир бўлади ва ядрогаги турбулентлик қанчалик юқори бўлса, конвектив диффузия туфайли материал миқдори шунчалик кўп ўтади ва молекуляр диффузиянинг ўтказишға таъсири шунчалик кам бўлади. Ядрога суюқлик (газ)нинг интенсив аралашилиши туфайли ҳар бир берилган кесимда стационар жараён давомида тарқалган модданинг концентрацияси доимий бўлади деб тахмин қилиш мумкин.

Чегаравий қатламда моддаларнинг кўчиши конвектив ва молекуляр диффузия туфайли содир бўлади ва фазалар чегарасига яқинлашганда конвектив оқимлар пасаяди, бунинг натижасида молекуляр диффузиянинг роли кучаяди ва кўп ҳолларда чегара қатламида моддаларнинг бутун кўчиши молекуляр диффузия ҳисобига амалға оширилади деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам чегара қатламда концентрациянинг бирдан ўзгариши амалға ошади.



2-расм. Икки фазада масса алмашилиш схемаси.

2-расмда иккита L ва G фазаларда масса алмашилишда концентрацияларнинг ўзгариши кўрсатилган.

Иккита туташ фазалар ўртасида масса алмашилиш жараёнида модданинг бир фазанинг ядросидан фазалар бўлиниши юзасига ва фазалар бўлиниш юзасидан бошқа фазанинг ядросига ўтиши содир бўлганлиги сабабли, бу жараёни икки босқичға: G ядродан бўлиниш юзасига ва бўлиниш юзасидан ядро L га бўлиш мумкин. Бундай ҳолда, ядрога вақт бирлигида узатиладиган модда миқдорини қуйидагича ифодаланиши мумкин:[3]

$$dM = \beta \cdot dF (C_{gp} - C_f) \quad (2)$$

бу ерда β - масса алмашилиш коэффициенти, dF - фазалар билан алоқа юзаси, C_{gp} , C_f - тақсимланган модданинг фазалар юзасидаги ва ичидаги концентрацияси.

Масса алмашилиш коэффициенти β вақт бирлигида фазалар бўлиниши бирлиги юзасидан фаза ядросига концентрациялар фарқи 1га тенг бўлган қанча модда ўтказилишини кўрсатади.

Тенглама (2) Шукарев қонуни бўлиб, унга кўра фазалар бўлиниш юзасидан фаза ядросига (ёки аксинча, тизимнинг мувозанат ҳолатига қараб) бир вақтнинг ўзида ўтказилган модданинг миқдори масса ўтказувчанлик коэффициентига, фазали алоқа юзаси ва концентрациялар фарқига пропорционалдир.

Модда алмашинув жараёнини фазалар тезлигига қандай боғлиқлигини кўриб ўтамиз: Фазалари жуда паст нисбий тезликда ҳаракатланадиган муҳитда модда кўчиши фақат молекуляр диффузия туфайли содир бўлади. Бундай ҳолда, диффузия молекулаларнинг хаотик ҳаракатининг натижасидир. Бу жараён биринчи яқинлашувда Фик қонуни билан тавсифланади [3].

$$j = -D \cdot \text{grad } C \quad (3)$$

Бу ерда D – молекуляр диффузия коэффициенти; G – кўчаётган моддалар оқими; $\text{grad } C$ – концентрациялар градиенти.

Бу ҳолда молекуляр диффузия коэффициенти модданинг стационар муҳитга кириш қобилиятини тавсифлайди [4] ва фақат термодинамик параметрларга боғлиқ. Уни аниқлаш учун [3,4] да таклиф қилинган ҳисоблаш усулларидадан фойдаланиш мумкин.

Ҳаракатланувчи муҳитда модданинг узатилиши ҳам молекуляр диффузия, ҳам муҳитнинг ўзи (конвектив диффузия) туфайли содир бўлиши мумкин. Умумий ҳолатда, сиқилмайдиган муҳитда доимий диффузия коэффициенти қуйидаги тенглама билан тавсифланади [3]

$$\frac{dC}{dt} = D \Delta^2 C - \bar{U} \text{grad } C - N_k \quad (4)$$

бу ерда C - мақсадли компонентнинг концентрацияси; U - ўртача оқим тезлиги; N_k – вақт бирлиги ичида реакция учун компонентнинг ҳажм бирлигидаги сарфи; Δ^2 -Лаплас оператори. Турбулент ҳаракат пайтида модданинг асосий оқимга перпендикуляр йўналишда ўтиши асосан турбулент пулсациялардан келиб чиққан макроскопик суюқлик элементларининг ҳаракати туфайли содир бўлади.

Ривожланган турбулент оқимлар учун конвектив ва турбулент диффузия туфайли моддаларнинг узатилиши интенсив амалга ошади, бу эса молекуляр диффузияни эътиборсиз қолдиришга имкон беради.

Адабиётлар

- [1]. Н.Р. Юсупбеков, Ҳ.С. Нурмухамедов, С.Г. Зокиров Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. Тошкент – 2003 644 бет
- [2]. Николаев Г.И. и др. Массообменные процессы. Учебное пособие. ВСГТУ -2005. 244 стр.
- [3]. Л.Д. Пляцук, В. П. Шапорев и др. Основы гидродинамики и массопереноса в роторных массообменных аппаратах. Монография Сумский государственный университет 2013. 173 стр.
- [4]. Г.И. Николаев, Ю.М. Ханхунов, С.С. Ямпиров и др. Массообменные процессы. Учебное пособие. Улан-Удэ. Издательство ВСГТУ 2005. 238 стр.

УДК 691.175.2

ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЎЛДИРУВЧИЛАРИНИ МЕХАНОКИМЁВИЙ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ МАТЕМАТИК АНАЛИЗИ

Ж.Ҳ. Нафасов¹, Ж.У. Зиямухамедов¹, А.Б. Джумабаев², Э.А. Рахматов³, Э.Т. Тургуналиев¹

¹Тошкент давлат транспорт университети, ²Беларус-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти, ³Қариши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
e-mail: nafasovz@mail.ru
(Қабул қилинди 5.09.2022 й.)

Today, one of the main requirements of modern materials science is the creation of new materials that work in extreme conditions and aggressive environments. Polymer composite materials can be the best solution to this problem. Improving the mechanical properties of polymer composite materials is achieved by introducing reinforcing additives, fillers, binders, accelerators and plasticizers into them.

This article discusses the mechanical, physicochemical properties of polymer composite

materials, the main factor affecting these properties are the processes occurring during the mechanochemical processing of filler materials..

Keywords: polymer, mechanoactivator, corrosion-resistant material, filler, kaolin, inertia force, grinding ball, coriolis acceleration.

Сегодня одним из основных требований современного материаловедения является создание новых материалов, работающих в экстремальных условиях и агрессивных средах. Полимерные композиционные материалы могут стать оптимальным решением этой проблемы. Улучшение механических свойств полимерных композиционных материалов достигается введением в них армирующих добавок, наполнителей, связующих, ускорителей и пластификаторов.

В данной статье рассматриваются механические, физико-химические свойства полимерных композиционных материалов, основным фактором, влияющим на эти свойства, являются процессы, происходящие при механохимической обработке материалов-наполнителей.

Ключевые слова: полимер, механоактиватор, коррозионно-стойкий материал, наполнитель, каолин, сила инерции, мелющих шар, кориолисово ускорение.

Бугунги кунда замонавий материалишуносликнинг асосий талабларидан бири бу экстремал шароитларда ва агрессив муҳитларда ишловчи янги материаллар яратишидир. Бу масалага полимер композицион материаллар оптимал ечим бўла олади. Полимер композицион материалларнинг механик хоссаларини яхшилашга, улар таркибига армирловчилар, тўлдирувчилар, боғловчилар, тезлатгичлар ҳамда пластифаторлар қўйиши орқали эришилади.

Ушбу мақолада полимер композицион материалларнинг механик, физик ва кимёвий хоссалари, бу хоссаларга таъсир этувчи асосий омил ҳисобланган материал тўлдирувчиларининг механохимёвий ишлов бериш жараёнида содир бўладиган жараёнлар ҳақида сўз боради.

Таянч сўзлар: полимер, механик фаоллаштиргич, коррозия бардош материал, тўлдирувчи, каолин, инерция кучи, майдаловчи шар, кориолис тезланиши.

Қириш. Механохимё - бу кимё ва механиканинг чеккасида ривожланаётган фан: у бошқа фан ва техника, физика, айниқса қаттиқ жисмлар физикаси, биофизика, физик кимё, полимер технологияси, ноорганик моддалар кимёси ва технологияси, биокимё, молекуляр биология, бионика билан чамбарчас боғлиқ [1-3]. Механохимё, ушбу барча фан соҳаларидан олинган баъзи фактлар ва қоидаларни танлаш ва қайта ишлаш, ўз навбатида туғилган фанларни ривожлантириш ва бойитишга ҳисса қўшадиган ўз қоидалари ва хулосаларини илгари суради. Энг умумий таърифда механохимёни жисмларда содир бўладиган механик ва кимёвий энергиянинг ўзаро ўзгаришини ўрганадиган фан деб аташ мумкин. Аммо механохимёвий жараённинг барча жиҳатларини ҳар томонлама акс эттирувчи ягона, вакилликни яратиш ўрганилаётган объектнинг мураккаб тузилишини билишга асосланиши керак, бу молекуляр даражалари сонидан келиб чиқади. Механохимёвий ҳодиса иккита асосий компонентни ўз ичига олади: механик энергиянинг кимёвий моддага айланишини белгиладиган механохимёвий ва кимёвий реакциялар жараёни туфайли механик энергияни чиқарадиган механохимёвий жараён.

Амалиётда кукун металлургиясида ишлов берилаётган материалларни тез ва сифатли ишлов бериш мақсадида вибрацион майдалагичлардан кенг фойдаланилади.

Механик фаоллаштириш жараёни кўплаб олимлар томонидан ўрганиб чиқилган, жумладан Рева В.П., Моисеенко Д.В., Воронов Б.А., Ягофаров В.Ю лар томонидан жараённи турларини заррачаларнинг улчамларига таъсири ўрганилган ва Европа олимлари Х. Фурукава, К.Э. Кордова, Ю.Р. Мяо, К.С. Суслик, Н.К. Сингх, М. Харди, В.П. Балема[4-7] кукун металлургиясида кукун заррачаларини бир ўлчамга келтириш мақсадида механик фаоллаштиргичларнинг турларида алоҳида вибрацион ва планетар механизмлар харакати мисолида ўрганилган. Механик фаоллаштириш жараёнини батафсил ўрганишдан мақсад материалларнинг структуравий модификацияси, ва айнан бу жараёнда кечадиган молекулалар аро содир бўладиган иккиламчи боғларнинг фаолланиши деб қараш мумкун [8]. Бундан хулоса қилиш мумкунки механик фаоллаштириш жараёнида ҳосил бўладиган манфий ва мусбат зарядлар структурани шакиллангишида қатламлар орасида содир бўлаётган физик ва кимёвий жараёнларда иштирок этиб материалнинг эксплуатацион параметрларига таъсир кўрсатади.

Аммо, шунни таъкидлаш лозимки бу ишларда механик фаоллаштириш жарайнининг параметрлари, айниқса механик ишлов бериш жараёнидаги, ишлов берилаётган заррачаларнинг тезликлари, тезланишлари ва заррачаларнинг ҳаракат траекторилари ўрганилмаган. Шу сабабли биз, олиб борилаётган тадқиқотларимизда механик фаоллаштириш жараёнида ҳосил бўлаётган зарядлар ва уларнинг структура ҳосил бўлишига таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Вибрацион майдалагичларда ишлов берилаётган материалга механокимёвий ишлов беришда фақат илгариланма-қайтма ҳаракатдан ҳосил бўлаётган кучлардан фойдаланган ҳолда ишлов берилса, вибро-планетар механизмларда эса бир вақтнинг ўзида илгариланма қайтма ҳаракатдан ташқари, айланма ҳаракат ҳам мавжуд бўлади [9-10]. Ишлов берилаётган тўлдирувчини бир вақтнинг ўзида икки хил, турли йўналишда таъсир этувчи кучлар билан ишланиши, тўлдирувчи сифатининг яхшиланишига сабаб бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда тадқиқотлар учун тўлдирувчиларга ишлов беришда, вибро-планетар майдалагичлардан фойдаланиш тавфсия этилган.

Тадқиқот методологияси.

Вибро-планетар механизмларда илгариланма қайтма ҳаракатни, таянчга маҳкамланган йўналтирувчи ричаг, айланма ҳаракатни эса электродвигвтель валига маҳкамланган айлантирувчи ричаг таъминлайди.

Кориолис тезланиши мураккаб ҳаракатдаги нуқтанинг кўчирма ҳаракат бурчак тезлиги билан нисбий ҳаракат тезлигининг векторли купайтмасининг иккиланганига тенг [14].

$$\vec{\omega}_k = 2 \cdot (\vec{\omega}_e \cdot \vec{\theta}_r) \tag{1}$$

Агар ω_e билан v_r орасидаги бурчак катталигини α билан белгиласак, Кориолис тезланишининг модули


$$\omega_k = 2 \cdot (\omega_e \cdot \theta_r) \cdot \sin \alpha \tag{2}$$

формуладан аниқланади.

Кориолис тезланишининг йўналишини куйидаги Жуковский қоидаси асосида аниқлаш қулайдир [14]. Унга асосан, Кориолис тезланишининг йўналишини аниқлаш учун нуқтанинг нисбий тезлигини кўчирма ҳаракат айланши ўқиға перпендикуляр текисликка проекциялаб, бу проекцияни мазкур текисликда, кўчирма ҳаракат айланши йўналишида 90° бурчакка буриш керак (1.а -расм).

Агар $\omega_e \perp \theta_r$ бўлса (1.в-расм), $\sin \alpha = 1$. У ҳолда

$$\omega_k = 2 \cdot (\omega_e \cdot \theta_r) \tag{3}$$



1-расм. Кориолис тезланишини вектори йўналиши:
 а) $\sin \alpha < 1$; в) $\sin \alpha = 1$.

(2) формулага кўра Кориолис тезланиши нолга тенг бўладиган ҳолларни кўриб чиқамиз:

1) юқорида кўрилганидек, $\omega_e = 0$, яъни, кўчирма ҳаракат илгариланма ҳаракатдан иборат бўлса, $\omega_k = 0$ бўлади;

2) нисбий ҳаракат тезлиги бнрор онда нолга тенг бўлса, шу

онда $\omega_k = 0$ бўлади;

3) $\alpha = 0$ ёки $\alpha = 180^\circ$ бўлса, яъни нисбий ҳаракат кучирма ҳаракат айланши ўқиға параллел равишда содир бўлса ёкн берилган онда нисбий ҳаракат тезлиги мазкур ўққа параллел бўлса, $\omega_k = 0$ бўлади [9].

Тадқиқот натижалари

Тадқиқотлар учун тўлдирувчиларни механокимёвий ишлов бериш учун кулисали механизм ёрдамида Кареолис тезланишини ҳисоблашга имкон берувчи қурилма ишлаб чиқилди (2-расм).

Механизмда айланма ҳаракат электродвигателдан эластик муфта ёрдамида кривошипга узатилади.

Айлантирувчи ричагнинг айланма ҳаракати йўналтирувчи ричагнинг тебраниа ҳаракатини таъминлайди, йўналтирувчи ричаг эса ўз навбатида механик фаоллаштиргич маҳкамланган тошнинг бир вақтнинг ўзида айланма ва илгариланма қайтма ҳаракатини вужудга келтиради. Айлантирувчи ричагнинг айланиш частотаси 750 мин^{-1} , тошнинг тебраниш амплитудаси эса 600 мм ни ташкил этади.

Майдалагич механик фаоллаштиргич деворларидан тез-тез импульслар қабул қилиб турувчи жисмлар мураккаб ҳаракатларни бажаради. Улар сакраб, тўкнашиб, механик фаоллаштиргич ички деворлари бўйлаб силжийди. Механик фаоллаштиргич ички деворларига ишқаланиш натижасида улар айлана бошлайди. Майдаланган материал зарраларига таъсир этувчи, сиқувчи ва ўзгарувчан катталиқдаги кесувчи кучлар таъсир этади. Шу билан бирга, майдалагич механик фаоллаштиргичнинг бирлик ҳажмига кўп миқдордаги майдалаш воситаси ва уларнинг тебранишларининг юқори частотаси қайта ишланган материалнинг интенсив майдаланишини таъминлайди.

Қуйида ишлов берилаётган тўлдирувчига таъсир этаётган кучни аниқлаймиз.

Тадқиқотлар учун айланишлар частотаси $n=1000$ айл/мин бўлган электродвигател танланган. Электродвигател ҳаракатни муфта орқали айлантирувчи ричагнингга узатади, айлантирувчи ричагнинг ва йўналтирувчи ричаглар бир вақтда тош билан бешинчи синф кинематик жуфт ҳосил қилади. Ичида ишлов берилаётган тўлдирувчилар ва майдалагичлар солинган герметик механик фаоллаштиргич тошга маҳкамланган. Тўлдирувчини майдаловчи кучини аниқлаш учун, дастлаб механизмнинг кинематик таҳлини қилиш талаб этилади. Механизмнинг кинематик таҳлилидан фойдаланиб, унинг тезлик ва тезланинг режаларини ҳосил қиламиз. Тезланишлар режасидан фойдаланиб аниқланган кориолис тезланишнинг скаляр қийматини, майдаловчи шар массасига кўпайтириб, тўлдирувчига таъсир этувчи механокимёвий кучни аниқлаш мумкин. Механик фаоллаштиргичнинг тезлигини аниқлаш учун, унинг кинематик схемасини чизиб олиш талаб этилади.

Механизмнинг В нуктасининг тезлигини аниқлаш:

$$V_B = \omega_1 \cdot l_{AB} = \frac{\pi \cdot n}{30} \cdot l_{AB} = \frac{3,14 \cdot 1000}{30} \cdot 0,3 = 31,4 \text{ м/с} \quad (4)$$

бу ерда, ω_1 -кривошипнинг бурчак тезлиги, рад/с

n- электродвигател валининг айланишлар сони, $n=1000$ айл/мин


l_{AB} -кривошипнинг ҳақиқий узунлиги, $l_{AB} = 0,3 \text{ м}$

(4) формуладан фойдаланиб тезлик режасининг масштаб коэффициентини аниқлаш:

$$\mu_v = \frac{V_B}{(Pb)} = \frac{31,4}{50} = 0,628 \frac{\text{м/с}}{\text{мм}} \quad (5)$$



бу ерда: $[Pb]$ - В нуктанинг тезлигини ифодаловчи кесма узунлиги бўлиб, ихтиёрий равишда қабул қилинади, $[Pb]=50 \text{ мм}$.

Кулисанинг В* нуктасининг тезлигини аниқлаш:



2 - расм. Механик фаоллаштиргич схемаси: 1 - электродвигатель; 2 - боғловчи муфта; 3- айлантирувчи ричаг; 4- тош; 5 - механик фаоллаштиргич; 6 - йўналтирувчи ричаг; 7 - корпус; 8 – майдаловчи жисм.

Текис паралел ҳаракат теоримасидан фойдаланиб қуйидаги вектор тенгламани ҳосил қиламиз:



$$\overline{V_{B^*}} = \overline{V_B} + \overline{V_{BB^*}} \quad (6)$$

$$\overline{V_{B^*}} = \overline{V_E} + \overline{V_{EB^*}} \quad (7)$$

Бу ерда: V_{BB^*} - тош ва кулисанинг мос равишда тушувчи нуқталарнинг релятив тезлиги. Ушбу тезликнинг сон қиймати номалум бўлиб, йўналиши эса EB кесмага паралел йўналган бўлади.

V_E - E нуқтанинг абсолют тезлиги бўлиб, E нуқта ҳаракати қўзғалмас таянч

3 – расм. Механик фаоллаштиригич бўғинларининг тезликлар режаси.

бўлганлиги сабабли унинг тезлиги нолга тенг бўлади.

V_{EB^*} - Кулисани B^* нуқтасининг E нуқтасига нисбатан нисбий тезлиги бўлиб, сон қиймати номалум, йўналиши эса EB звенога перпендикуляр бўлади.

(6) ва (7) вектор тенгламадан номалумларни аниқлаш мақсадида тезлик режаси курилади.

$$V_{BB^*} = [bb^*] \cdot \mu_v = 42,44 \cdot 0,628 = 26,65 \text{ м/с} \quad (8)$$

$$V_{B^*} = V_{EB^*} = [pb^*] \cdot \mu_v = 26,44 \cdot 0,628 = 16,6 \text{ м/с} \quad (9)$$

Механизм звеноларининг бурчак тезликларини аниқлаш:

$$\omega_1 = \frac{\pi \cdot n}{30} = \frac{3,14 \cdot 1000}{30} = 104,67 \text{ рад/сек}; \quad (10)$$

$$\omega_2 = \omega_3 = \frac{V_{B^*}}{l_{EB^*}} = \frac{16,6}{0,316} = 52,53 \text{ рад/сек}. \quad (11)$$

Механизмнинг B нуқтасининг тезланишини аниқлаш:

$$\overline{a_B} = \overline{a_B^n} + \overline{a_B^t}; \quad (12)$$

бу ерда: a_B^n - B нуқтанинг нормал тезланиши бўлиб, унинг сон қиймати қуйидагига тенг.

$$a_B^n = \omega_1^2 \cdot l_{AB} = (104,67)^2 \cdot 0,3 = 3286,74 \text{ м/с}^2 \quad (13)$$

бу ерда: ω_1 – кривошипнинг бурчак тезлиги, рад/с

l_{AB} – кривошипнинг ҳақиқий узунлиги, м

a_B^t – B нуқтанинг уринма тезланиши бўлиб, унинг қиймати қуйидагича аниқланади.

$$a_B^t = \varepsilon_1 \cdot l_{AB} = 0 \quad (14)$$

бу ерда, ε_1 - кривошипнинг бурчак тезланиши, рад/с²

Ушбу механизмда кривошип ўзгармас бурчак тезлик билан ҳаракатланганлиги сабабли қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$\varepsilon_1 = \frac{d\omega_1}{dt} = 0, \text{ чунки } \omega_1 = \text{const}$$

Натижада B нуқтанинг тезланиши қуйидагига тенг бўлади.

$$a_B^n = \omega_1^2 \cdot l_{AB} = 104,67^2 \cdot 0,3 = 3286,74 \text{ м/с}^2 \quad (15)$$

Тезланиш масштаб коэффициентини аниқлаш:

$$\mu_a = \frac{a_B^n}{(PP)} = \frac{3286,74}{100} = 32,87 \frac{\text{м/с}^2}{\text{мм}} \quad (16)$$

бу ерда, (pp) - ихтиёрий кесма узунлиги бўлиб, $(pp) = 100$ мм қабул қилинади.

Кулиса B^* нуқтасининг тезланишини аниқлаш.

Текис параллел ҳаракат теоремасидан фойдаланиб, қуйидаги вектор тенгламаларни ҳосил қиламиз:

$$\overline{a_{B^*}} = \overline{a_B^n} + \overline{a_{BB^*}^k} + \overline{a_{BB^*}^r}; \quad (17)$$

$$\overline{a_{B^*}} = \overline{a_E} + \overline{a_{EB^*}^n} + \overline{a_{EB^*}^r}; \quad (18)$$

бу ерда, $a_{BB^*}^k$ - кулиса ва тошнинг каролис тезланиши бўлиб, унинг қиймати қуйидагича аниқланади.

$$a_{BB^*}^k = 2 \cdot \omega_2 \cdot V_{BB^*} = 2 \cdot 52,53 \cdot 26,65 = 2799,85 \text{ м/с}^2 \quad (19)$$

бу ерда, $\omega_2 = \omega_3$ – механизмнинг кулиса звеносининг бурчак тезлиги, rad/s

$a_{BB^*}^k$ - каролис тезланишини йўналиши, кулисанинг бурчак тезлиги йўналиши бўйича V_{BB^*} тезликни 90° бурилган йўналиши бўйича йўналган бўлади.

$a_{BB^*}^r$ - кулиса ва тошнинг мос равишда устма-уст тушувчи В ва В* нуқталарининг релятив тезланишилари бўлиб, механизмнинг ЕВ звеносига параллел равишда йўналган бўлади. Бу векторларнинг сон қиймати нўмалум.

a_E - механизм Е нуқтасининг абсолют тезланиши бўлиб, унинг қиймати Е нуқта кўзгалмас таянч бўлганлиги сабабли нолга тенг.

$a_{EB^*}^n$ - В* нуқтанинг Е нуқтасига нисбатан нормал тезланиши бўлиб, унинг йўналиши В* нуқтадан Е нуқтага қараб йўналган ва ЕВ* звенога параллел йўналган бўлади. Сон қиймати еса қуйидагига тенг бўлади.

$$a_{EB^*}^n = \omega_3^2 \times l_{EB^*} = 52,53^2 \cdot 0,316 = 872 \text{ м/с}^2 \quad (20)$$

бу ерда, ω_3 - механизмнинг кулиса звеносининг бурчак тезлиги, rad/s

l_{EB^*} - механизм ЕВ* кесмасининг ҳақиқий узунлиги, мм

$a_{EB^*}^r$ - механизмнинг В* нуқтасининг Е нуқтасига нисбатан уринма тезланиши, m/s²


Ушбу

тезланишнинг сон қиймати нўмалум, йўналиши еса ЕВ* звенога перпендикуляр йўналган бўлади.

Юқоридаги

вектор тенгламалардаги номалум векторларни аниқлаш мақсадида тезланиш режаси курилади.

Тезланиш масштаб коэффиценти ёрдамида қуйидагиларни аниқлаймиз:



4 – расм. Механик фаоллаштиргич бўғинларининг тезланишлар режаси.

$$a_{B^*} = (pb^*) \cdot \mu_a = 50,34 \cdot 32,87 = 1654,7 \text{ м/с}^2 \quad (21)$$

$$a_{BB^*} = (bb^*) \cdot \mu_a = 72,79 \cdot 32,87 = 2392,6 \text{ м/с}^2 \quad (22)$$

$$a_{BB^*}^r = (nb^*) \cdot \mu_a = 63,45 \cdot 32,87 = 2085,6 \text{ м/с}^2 \quad (23)$$

$$a_{EB^*}^n = (mb^*) \cdot \mu_a = 49,22 \cdot 32,87 = 1617,9 \text{ м/с}^2 \quad (24)$$

Демак, (22) формуладан маълумки, механик фаоллаштиргич $a_{BB^*} = 2392,6 \text{ м/с}^2$ кариолис тезланиш билан ҳаракат қилади. Механик фаоллаштиргич ичидаги шарларнинг олган тезланиши механик фаоллаштиргичнинг кориолис тезланиши билан бир хил деб қаралиб, тўлдирувчига таъсир этувчи инерция кучини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$F_{\text{ин}} = m_{\text{шар}} \cdot a_{BB^*} = \frac{4}{3} \cdot \pi \cdot R^2 \cdot a_{BB^*} = \frac{4}{3} \cdot 3,14 \cdot (0,5 \cdot 10^{-3})^2 \cdot 2392,6 = 2,5 \cdot 10^{-3} \text{ Н} \quad (25)$$

бу ерда, $m_{\text{шар}}$ – майдаловчи пўлат шарнинг массаси;

R – пўлат шар радиуси.

Хулоса. Маҳаллий минирал (каолин) тўлдирувчи гетерокомполит полимер материалларда фаол фазалараро структураларишни амалга оширадиган, кориолис кучини мақсадли бошқариб қўллаш билан янги усул таклиф этилган.

Кориолис кучини ташкил қилувчи кулисали механизмни ротацион ҳаракат берувчи планетар механизмлардан афзал жиҳатлари, омил ва факторлари тавфсия этилди.

Тадқиқотларда инерция кучини таъминловчи майдалагич сифатида зичлиги юқори бўлган пулат шарлардан фойдаланиш, ишлов берилаётган тўлдирувчиларнинг таркибида пайдо бўладиган зарарли қўшимчаларнинг микдорини сезиларли даражада камайтиради, майдаланган тўлдирувчининг сифатини оширади.

Адабиётлар

- [1]. ZIYAMUKHAMEDOVA, U., MIRADULLAYEVA, G., RAKHMATOV, E., NAFASOV, J., & INOGAMOVA, M. (2021). Development of The Composition of a Composite Material Based On Thermoreactive Binder Ed-20. Chemistry And Chemical Engineering, 2021(3), 6.
- [2]. Ziyamukhamedova, U., Rakhmatov, E., & Nafasov, J. (2021, April). Optimization of the composition and properties of heterocomposite materials for coatings obtained by the activation-heliotechnological method. In Journal of Physics: Conference Series (Vol. 1889, No. 2, p. 022056). IOP Publishing.
- [3]. Ziyamukhamedova, U. A., Miradullaeva, G. B., & Nafasov, J. H. (2022). STUDY OF THE PHASE COMPOSITION OF PRODUCTS OF MECHANOCHEMICAL INTERACTION IN Ta+ C SYSTEMS. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 3(06), 61-67.
- [4]. Рева В.П., Онищенко Д.В., Чаков В.В., Воронов Б.А. Механохимические процессы, сопровождающие диспергирование металла в присутствии высокомолекулярного соединения // Доклады Академии наук. 2012 Т. 445 № 6 С. 653
- [5]. Рева В.П., Моисеенко Д.В., Онищенко Д.В. Влияние полиметилметакрилата на диспергирование металл-полимерной системы //Неорганические материалы. 2012 Т. 48 № 11 С. 1227
- [6]. H. Furukawa, K.E. Cordova, M. O’Keeffe, O.M. Yaghi. The chemistry and applications of metal-organic frameworks, Science, 341 (2013), pp. 974-986
- [7]. Y.R. Miao, K.S. Suslick. Mechanochemical reactions of metal-organic frameworks, Adv. Inorg. Chem., 71 (2018), pp. 403-434
- [8]. Nurkulov, F., Ziyamukhamedova, U., Rakhmatov, E., & Nafasov, J. (2021). Slowing down the corrosion of metal structures using polymeric materials. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 02055). EDP Sciences.
- [9]. Тарг С.М. Краткий курс теоретической механики: Учеб. Для втузов/С.М. Тарг. — 20-е изд., стер. — М.: Высш. шк., 2010. — 416 с.
- [10]. № DGU 17730, Ikki komponentli kompozit materiallarning Yung modulini aniqlash, 18.07.2022 y.

УДК 519.71(575.1)

АРИЛАР КОЛОНИЯСИ АЛГОРИТМИ АСОСИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Д.Т. Мухамедиева¹, Д. Сотволдиев²

¹Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», dilnoz134@rambler.ru

²Фискальный институт при Государственном налоговом комитете

Республики Узбекистан, sotvoldiyev@umail.uz

(Получена 14.09.2022 г.)

Прогнозли транспорт моделининг асосий вазифаси транспорт оқимларини моделлаштириши ёки транспорт тармогининг юкланишини моделлаштиришидир. Йўл ҳаракати шиширокчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ҳаракатлардан транспорт оқимлари шаклланади. Умуман олганда, транспорт оқими тушунчасини индивидуал транспорт оқимлари, йўловчилар оқими, пиёдалар оқими, юк оқимлари ва ҳатто ахборот оқимлари деб тушуниши мумкин. Транспортни моделлаштириши методологияси транспорт тизимини транспорт талаби ва транспорт таклифи баланси нуқтаи назаридан ифодалашга асосланади. Транспорт тизимини аниқ шаклда моделлаштириши босқичлари муайян ҳудудга нисбатан батафсил шаклда транспорт талаби

ва транспорт таклифи моделларини қуришни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: алгоритмлар, сунъий нейрон тўрлар, арилар колонияси алгоритми, чумоли алгоритми, интеллектуал тизим, кўп агентли тизим.

Основой предикативного моделирования трафика является моделирование транспортных процессов или моделирование загрузки трафика. Форма транспортных потоков формируется от всех совокупных действий, совершаемых участниками дорожного движения. В целом транспортный поток можно классифицировать как отдельные транспортные потоки, пассажиропотоки, пешеходные потоки, грузовые потоки и даже информационные потоки. Методология транспортного моделирования основана на выражении транспортной системы в терминах спроса на транспорт и баланса предложения транспорта. Этапы моделирования транспортной системы в точной форме включают в себя построение моделей транспортного спроса и транспортного предложения в детализированном виде для конкретной местности.

Ключевые слова: алгоритмы, искусственные нейронные сети, алгоритм пчелиной семьи, муравьиный алгоритм, интеллектуальная система, многоагентная система.

The basis of predictive traffic modeling is transport process modeling or traffic loading modeling. The form of traffic flows is formed from all the cumulative actions performed by road users. In general, the traffic flow can be classified as individual traffic flows, passenger flows, pedestrian flows, freight flows and even information flows. The transport modeling methodology is based on expressing the transport system in terms of transport demand and transport supply balance. The stages of modeling the transport system in a precise form include building models of transport demand and transport supply in a detailed form for a specific area.

Keywords: algorithms, artificial neural networks, bee family algorithm, ant algorithm, intelligent system, multi-agent system.

1. Кириш. Оптималлаштириш масалаларини жумладан, комбинаторли оптималлаштириш масалаларини ечишда кўпгина ҳолларда катта ҳажмли ҳисоблаш жараёнлари, ресурслар ва ҳисоблаш вақти талаб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда интуитив тарзда масала ечимини баҳолаш билан ҳар доим ҳам самарали натижаларга эришиб бўлмайди [1,2]. Ушбу масалани ечишда параллел ҳисоблаш технологиясидан фойдаланиб глобал ечимга яқин ечимга эришиш мумкин.

Қўйилган масалани ечиш учун параллел ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш асосида самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунда бир нечта процессорлар ҳисоблаш жараёнида иштирок этиши мумкин. Аниқ бир оптималлаштириш масаласи учун бош процессорда нейрон тўрли тизим яратилади ва у қолган процессорларга параллел тарзда жўнатилади. Барча процессорларда олинган натижалар яна қайтадан бош процессорда тўплангани ва улар орасидан энг оптимал қийматга эга бўлгани ечим сифатида танланади. Кўриниб турибдики, процессорлар сони қанча кўп бўлса оптимал ечимга эришиш эҳтимоллиги юқори бўлиши мумкин. Аммо процессорлар сонини асосиз орттириб бориш ҳар доим ҳам самарали қарор ҳисобланавермайди [3].

Бугунги кунда параллел ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш учун бир қатор дастурлар ва библиотекабар ишлаб чиқилган. Ушбу воситаларда нарх/самарадорлик муносабатлари оптимал даражада йўлга қўйилган. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида дастурий восита ишлаб чиқилган ва унда MPI кутубхонасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида бир қатор ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, таклиф этилаётган сунъий нейрон тўрли алгоритмларимиз натижалари Хопфилд нейрон тўри асосида қурилган алгоритмларитми натижаларига нисбатан ишлаш тезлиги ва кам ҳисоблаш ресурсларини талаб қилиш хусусиятлари бўйича самаралироқ экан. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, масаланинг ҳажми жуда катта бўлган ҳолларда нейрон тўрли алгоритмлар самараси кўп ҳисоблашлар эвазига пасайиши мумкин. Одатда бундай ҳолларда кўп агентли эвристик алгоритмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ечиш усуллари

Бугунги кунда фан ва техникада табиий тизимлар хусусиятларига асосланган

алгоритмлар кенг доирада қўлланилмоқда. Булар сирасига генетик алгоритмлар, эволюцион алгоритмлар, сунъий нейрон тўрлар, арилар колонияси алгоритми, чумоли алгоритми ва шу каби бошқа алгоритмларни қўшишимиз мумкин [4-5].

Классик маълумотларни интеллектуал тахлил қилиш назариясига кўра аниқ бир масала учун тизим қуриш деганда ушбу масала учун шундай интеллектуал тизим қуриш талаб этиладики, қурилатган тизим масалани ечиш учун бевосита зарур бўлган барча ресурсларга эга бўлсин. Кўп агентли тизимлар назариясида ушбу ҳолатга қарама-қарши тамойил амал қилади. Бундай тизимларда бир агент ҳеч қачон глобал ечимни бера олмайди, шунинг учун бир нечта агентлар тўплами ташкил қилинади ва улар орасида самарали муносабат, боғланиш ўрнатилади. Демакки, ихтиёрий масаланинг ечими кўп агентли тизимдаги бир қатор оддий агентларнинг ўзаро ҳамкорликдаги “хизматлари” самараси сифатида олинади. Кўпгина олимлар, жумладан, Р.Брукс, Ж.Денебург, Л.Стиле ва бошқалар ушбу йўналишда қуйидаги ҳолатларга таянганлар [6]:

- Кўп агентли тизим – бу оддий ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлган агентлар жамоасидир;
- Ҳар бир агент локал соҳада ўзининг мустақил ечимларини аниқлайди ва бошқа агентлар билан натижаларни алмашинади;
- Агентлар ўртасидаги алоқалар горизонтал тарзда ташкил этилади, яъни бошқа агентларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган етакчи-агент мавжуд бўлмайди;
- Агентнинг глобал хусусиятини аниқловчи аниқ бир қоида мавжуд эмас.

Бугунги кунда амалиётда жамоавий, кўп агентли тизимлар хусусиятларига асосланган алгоритмлар кенг қўлланилмоқда ва самарали натижалар бериб келмоқда. Бундай алгоритмлар сирасига «чумоли» алгоритмлари, «арилар колонияси» алгоритмлари, ва бошқаларни олишимиз мумкин.

Ҳаётнинг турли соҳаларида кўплаб оптималлаштириш масалаларини ечишга дуч келиш мумкин. Аксарият ҳолларда бирор бир қидирув соҳаси доирасида ўзгарувчиларнинг ўрнини алмаштириш, аниқ бир метрика ёки қоидалар тўплами киритиш асосида оптимал ечимга эришиш ҳолларини кузатиш мумкин. Яна шундай бир оптимал ечимни қидириш усули борки, унда ечим чекли тўплалардан олинган уникал компоненталар комбинациясидан танланади. Бунда асосий мақсад компоненталарнинг оптимал комбинациясини қидиришдан иборатдир. Одатда бундай оптималлаштириш масалалари комбинаторли оптимизация масалалари деб аталади.

Комбинаторли оптималлаштириш – бу, амалий математикадаги оптималлаш назариясининг бир қисми ҳисобланади. У амалларни тадқиқ қилиш, алгоритмлар назарияси ва мураккаб ҳисоблашлар назариялари билан узвий боғлиқдир. Комбинаторли оптималлаштириш масаласининг асосий вазифаси чекли сондаги объектлар тўплами орасидан оптимал объектни қидиришдан иборатдир.

Комбинаторли оптималлаштириш масалалари XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадқиқ этила бошланган. Комбинаторли оптималлаштириш масалалари сифатида интеллектуал транспорт тизими масаласини, графлар қуриш масаласини, транспорт масаласи каби масалаларни олишимиз мумкин. Одатда бундай масалаларни аниқ ёки тахминий ечимини топиш учун мураккаб алгоритм ишлаб чиқишга тўғри келади.

Шундай мураккабликка эга бўлган масалани ечишда эвристик усуллардан бири бўлган, кўп агентли алгоритмлар сирасига кирувчи – арилар колонияси алгоритмидан фойдаланиш жараёнини кўриб ўтамиз. Ушбу масаласини арилар колонияси алгоритми ёрдамида ечишда глобал оптимум ечимни олиш жараёнини тезлаштириш мақсадида параллел дастурлаш технологиясидан фойдаланилди.

Интеллектуал транспорт тизими масаласи мураккаб, қийин ечилувчи комбинаторли оптималлаштириш масалаларидан бири ҳисобланади. Умумий ҳолда интеллектуал транспорт тизими масаласи (traveling salesman problem, TSP) [7] қуйидагича таснифланиши мумкин: аниқ бир ҳудудда бир нечта (n та) тугунлар ва уларни боғлаб турувчи йўллар берилган. Шу йўллар орқали барча тугунга бориш кетма-катлиги шундай

ташқил этилсинки, босиб ўтилган йўл бошқа вариантдаги кетма-кетликда босиб ўтилган йўлларга нисбатан энг қисқа масофани ташқил этсин. Бутун йўналиш мобайнида ҳар бир тугунга фақат ва фақат бир марта кириш мумкин. Йўналиш якуни албатта дастлабки тугунга қайтиш билан тугалланиши керак.

Интеллектуал транспорт тизими масаласини ечишни арилар колонияси алгоритми асосида ечиш масаласини кўриб ўтамиз. Таъкидлаш жоизки ушбу алгоритм оптимал ечимга эришиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради. Масалани ечиш натижасида борилиши керак бўлган тугунларнинг кетма-кетлигини тузиш талаб этилади, шунингдек якуний функция эса улар орасидаги масофа, йўлларнинг умумий йиғиндисини ифодаласин.

Одатда арилар колониясида (масалан: *Apis mellifera* маҳаллий асалари) арилар ўз ҳаёти мобайнида турли вазифаларни бижарадилар [8]. Хусусий ҳолда бир ари инида 5000 тадан 20000 тагача ари бўлиши мумкин. Қоидага кўра катта ёшли арилар (20 кунликдан 40 кунлик ёшга эга бўлган) асосий ишчи, захира ғамловчи (фуражирлар – foragers) арилар ҳисобланади. Ушбу ишчи арилар вақти-вақти билан қуйидаги уч вазифадан бирини бажарадилар: фаол ишчилар, кузатувчи ишчилар ва фаол бўлмаган ишчилар. Арилар инидаги умумий ариларнинг фаол, кузатувчи ва фаол бўлмаган ариларнинг миқдори тахминан 75% фаол, 10% фаол бўлмаган ва 15% кузатувчи арилар каби тарзда тақсимланади.

Маълумки арилар колониясида арилар уч гуруҳга бўлинади: фаол арилар, кузатувчи арилар ва фаол бўлмаган арилар. Дастлаб кузатувчи арилар атрофни кузатган ҳолда яқин атрофда жойлашган нектарлар ва уларнинг сифати ҳақидаги маълумотларни фаол ариларга етказилади. Фаол ишчи арилар нектар тўплаш учун манбаъгача учиб борадилар, ён атрофдаги нектарларни ўрганадилар, нектар тўплайдилар ва уяга қайтадилар. Кузатувчилар уя атрофидаги (50 квадрат миль гача ёки 80 км квадратгача бўлган худудни) янги нектарлар манбаини қидириш билан шуғулланадилар.

Исталган вақтда бир қанча ишчи арилар фаол бўлмаслиги мумкин. Улар ин кириши атрофида кутиб турадилар. Сифатли нектар олдида келаётган фаол ёки кузатувчи арилар шу кутиб турган фаол бўлмаган арилар олдида махсус рақсга (waggle dance) тушадилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, арилар шу махсус рақси ёрдамида нектар манбаи ва унинг сифати ҳақида фаол бўлмаган арилар билан маълумот алмашинар экан. Фаол бўлмаган арилар шу рақс асосида нектар ҳақида маълумотларни олади ва фаол бўлмаганлик ҳолатини фаоллик ҳолати билан алмаштириши мумкин. Ўз навбатида бир нечта фаол ишчи арилар фаол бўлмаган арилар билан ўрин алмашини мумкин. Махсус рақснинг давомийлигини D_i куйидаги формула асосида ифодалаш мумкин [9]:

$$D_i = d_i A,$$

бу ерда A - масштаблаштириш коэффициентини; d_i - рақс тушаётган i – агент томонидан топилган нектарнинг нисбий фойдалилиги, сифати ва миқдорини кўрсатувчи катталиқ.

Умумий ҳолда интеллектуал транспорт тизими масаласида i – агент томонидан топилган нектарнинг абсолют фойдалилик миқдорини, коэффициентини куйидаги $PA_i = \frac{1}{F_i}$

ифода орқали ҳисоблаш мумкин, бу ерда F_i - i – агент йўлидаги мақсад функцияси.

Арилар инидаги барча ариларнинг абсолют фойдалилик миқдорини билган ҳолда умумий колониянинг ўртача фойдалилик коэффициентини PA_{col} ҳисоблаб топиш мумкин:

$$PA_{col} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n PA_i,$$

бунда n – айна вақтда рақс тушаётган арилар сони.

Рақс тушаётган арилар сони бир нечта бўлиб, улардан ихтиёрий бири бераётган маълумот асосида бошқа ишчи арилар навбатдаги янги йўналишини танлайдилар. i – агент томонидан берилаётган маълумотни бошқа ишчи арилар танлаш эҳтимоллигини куйидагича формула асосида ифодалаш мумкин [10]:

$$P_i = \begin{cases} 0.6, & \text{агар } PA_i < 0.9 \cdot PA_{col}; \\ 0.2, & \text{агар } 0.9 \cdot PA_{col} \leq PA_i < 0.95 \cdot PA_{col}; \\ 0.02, & \text{агар } 0.95 \cdot PA_{col} \leq PA_i < 1.15 \cdot PA_{col}; \\ 0, & \text{агар } 1.15 \cdot PA_{col} \leq PA_i. \end{cases}$$

Керакли нектар танлаб бўлингач, ишчи ари шу нектар тононга учишни бошлайди. Бунда, нектарга олиб борувчи йўл бир нечта ўзелларни ўз ичига олади. i – ўзелда турган фаол арини j – ўзелни танлаш эҳтимоллиги қуйидаги формула асосида ҳисобланади [9]:

$$P_{ij} = \frac{\rho_{ij}^\alpha d_{ij}^{-\beta}}{\sum_{j \in J^k} \rho_{ij}^\alpha d_{ij}^{-\beta}}, \quad (1)$$

бу ерда ρ_{ij} - i ва j ўзеллар орасидаги йўлнинг баҳоси, нархи; d_{ij} - i ва j ўзеллар орасидаги йўлнинг эвристик масофаси; $\alpha, \beta \in [0;1]$ экспериментал танланувчи коэффициентлар; J^k - i ўзелдан ўтилиши мумкин бўлган барча ўзеллар тўплами.

(1) формуладаги ρ_{ij} параметр қийматини қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\rho_{ij} = \frac{1 - m\alpha}{k - m},$$

бу ерда k – i ўзелдан ўтилиши мумкин бўлган барча ўзеллар сони; m – йўлнинг афзаллик, қулайлик коэффициенти бўлиб, унинг қиймати 0 ёки 1 бўлиши мумкин. Дастлабки итерацияда барча йўллар учун $m=0$ бўлади.

Умуман, фаол ишчи арилар аниқ бир нектар манбаидан токи нектар тамом бўлгунигача қадар нектар ташийди. Шундан сўнг ушбу ари фаол бўлмаган арига айланади.

Арилар колониясидаги арилар ҳаракати хусусиятлари асосида интеллектуал транспорт тизими масаласини ечиш учун “Арилар колонияси” алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмни қуйидаги кетма-кетликлар асосида ифодалаш мумкин.

1-қадам. Инициализациялаш. `totalNumberBees` – арилар сони, `numberInactive` – фаол бўлмаган арилар сони, `numberScout` – кузатувчи арилар сони, `maxNumberVisits` – ҳар бир тугунга киришлар сони, `maxNumberCycles` – такрорланишлар сони.

2-қадам. Кузатувчи арилар томонидан дастлабки яқин атрофдаги нектарларни қидириб топиш. Бунда яқин атрофдаги тугунларнинг координаталари аниқланади ва топилган натижалар BS матрицага сақланади.

3-қадам. `Waggle dance` – кузатувчи ариларнинг рақси. Бунда аниқланган тугунлар орасидан энг оптималлари (ёки энг яқин масофадагилари) BS матрицадан `WG` матрицага ўтказилади.

`Waggle dance` давомийлиги $D_i = d_i A$ формула асосида ҳисобланади. Бу ерда A – масштаблаштириш коэффициенти; d_i - рақс тушаётган i – кузатувчи ари томонидан топилган нектарнинг нисбий фойдалилиги, сифати ва миқдорини кўрсатувчи катталиқ.

Ушбу масалада i –кузатувчи ари томонидан топилган тугуннинг абсолют фойдалилик миқдори коэффициенти $PA_i = \frac{1}{F_i}$ ифода орқали ҳисобланади, бу ерда F_i - i – ари йўлидаги мақсад функцияси.

Арилар инидаги барча рақс тушаётган ариларнинг абсолют фойдалилик миқдорини билган ҳолда умумий колониянинг ўртача фойдалилик коэффициенти PA_{col} ҳисобланади:

$$PA_{col} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n PA_j,$$

бунда n – айни вақтда рақс тушаётган арилар сони.

4-қадам. i – кузатувчи ари бераётган маълумотни бошқа ишчи арилар томонидан танланиш эҳтимоллигини қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$P_i = \begin{cases} 0.6, & \text{агар } PA_i < 0.9 \cdot PA_{col}; \\ 0.2, & \text{агар } 0.9 \cdot PA_{col} \leq PA_i < 0.95 \cdot PA_{col}; \\ 0.02, & \text{агар } 0.95 \cdot PA_{col} \leq PA_i < 1.15 \cdot PA_{col}; \\ 0, & \text{агар } 1.15 \cdot PA_{col} \leq PA_i. \end{cases}$$

Керакли тугун танлаб бўлингач, ишчи ари шу тугун томонга учишни бошлайди. Бунда, тугунга олиб борувчи йўл бир нечта тугунлардан ўтишни тақозо этади. i – тугунда турган фаол арини j – тугунга ўтиш йўлини танлаш эҳтимоллиги қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$P_{ij} = \frac{\rho_{ij}^\alpha d_{ij}^{-\beta}}{\sum_{j \in J^k} \rho_{ij}^\alpha d_{ij}^{-\beta}},$$

шакиллантирилди: тизимнинг ўрнатилиши жараёни, дастурни бошқариши қулайлиги, йўриқномаси мавжудлиги, қурулмаларни хавф туғулганда блоклаш, тармоқ каналларини блоклаш, модуллар сони, маълумотларни нухасини сақлаш, ахрив модули, қурилмаларни блоклаш, пассив ва актив кузатув ва ҳ.к. Таҳлил натижалари орқали ташилотлар ўзларига мос DLP тизимини танлашлари мумкин.

Калит сўзлар: *Конфиденциал маълумот, ички хужум, қиёсий таҳлил, хавф, тармоқ каналлари, пассив ва актив кузатув, модуллар, антивирус, тизим мониторинги.*

В данной статье представлен сравнительный анализ программ, предотвращающих утечку конфиденциальной информации. Сравнительный анализ был сформирован по следующим требованиям: процесс установки системы, простота управления программой, наличие инструкций, блокировка установок в случае опасности, блокировка сетевых каналов, количество модулей, резервное копирование данных, модуль архив, блокировка устройств, пассивный и активный мониторинг и т.д. По результатам анализ, организации могут выбрать подходящую им DLP-систему.

Ключевые слова: *конфиденциальная информация, внутренняя атака, сравнительный анализ, риск, сетевые каналы, пассивное и активное наблюдение, модули, антивирус, системный мониторинг.*

This article presents a comparative analysis of programs that prevent the leakage of confidential information. The comparative analysis was accelerated according to the following requirements: system

installation process, ease of program management, availability of instructions, blocking of installations in case of danger, blocking of network channels, number of modules, data backup, akhriv module, blocking of devices, passive and active monitoring, etc. Through the results of the analysis, organizations can choose the DLP system that suits them.

Keywords: Confidential information, internal attack, comparative analysis, risk, network channels, passive and active surveillance, modules, antivirus, system monitoring.

Ахборот технологияларининг жаъдал суратлар билан ўсиши, билан бир қаторда, уларнинг хавфсизлигига бўлган таълаб ҳам ошиб бормоқда. Зарарли дастурларнинг муракаблашиб бориши ҳамоя тизимларининг ҳам сифат жиҳатидан ўсишига туртки бўлмоқда. Бунинг натижасида ташкилотлар ташқи ва ички хужумлардан ҳамоя қилинади. Ташқи ҳамоя учун дастурий таъминотлар йилдан йилга ўсиб бормоқда ва янги алгоритмлар яратилмоқда. Ички ҳамоя учун асосан DLP тизимларидан фойдаланилади. Ҳозирги DLP тизимлари архитектураси объектни ички хужумдан тўлиқ ҳамоя қилишга йўналтирилган [1,2]. Мазкур мақолада ҳозирги кунда долзарб ҳисобланган бир қанча DLP тизимлар тадқиқ қилинди. Уларни йўриқномасида келтириган вазибалар қай ҳолатда бажарилиши текшириб кўрилди.

Таҳлил натижалари жадвал кўринишида шакиллантирилди. Қиёсий таҳлил жараёнида тизимлар қуйидаги талаблар бўйича тадқиқ қилинди: тизимни кросплатформалиги (турли операцион тизимларга ўрнатилиши), ўрнатилиш жараёни, дастурни бошқариш қулайлиги, йўриқномаси мавжудлиги, қурулмаларни хавф туғулганда блоклаш, тармоқ каналларини блоклаш, модулар сони, маълумотларни нусхасини сақлаш, архив модули, қурилмаларни блоклаш, пассив ва актив кузатув ва х.к. Дастурларни ишлатиб кўриш, интернет тармоғида улар ҳақидаги изоҳлар (фойдаланувчи ва ташкилотларнинг дастурлар бўйича берган фикрлари), вебинарлар, экспертлар берган хулосалар, шунингдек сўровномалар хулосалари асосида натижалар шакиллантирилди. Шунингдек, дастурлар (тизимлар) қуйидаги асосий талаблар бўйича текширилди: шубҳали фойдаланувчилар фойдаланадиган қурулма ва тармоқ каналларини блоклаш; [3] OCR модулининг мавжудлиги; узатилаётган маълумотларнинг захира нусхасини базада сақлаш; ножўя ҳаракатлар топилганда ахборот хавфсизлиги ходимларини огоҳлантириш.

Айрим қийинчиликлар ёки дастурлар бўйича маълумотлар очик ҳолда мавжуд бўлмаганлиги сабабли қуйидаги DLP тизимларини тест қилиб кўришни имкони бўлмади.

1. **Solar Dozor.** Тизим ишлатиш учун жуда мураккаб ҳисобланади. Тизимни ишга тушуриш учун катта ҳажмдаги ресурслар талаб қилинади. Хусусан, йўриқномада келтирилишича, тизимни минимал модуллари билан ишга тушуриш учун 8 оқимли просесорлар, камида 16 ГБ тезкор хотирадан фойдаланиш лозим бўлади. Тизимнинг бошқа модуллари ҳам ишга тушириш учун компютерни ресурсларини янада ошириш зарур.

2. **Simantec DLP.** Дастурнинг веб саҳифасига кирилганда юклаб олиш учун фойдаланувчи тизимнинг бир қанча саволларига жавоб бериш керак бўлади. Натижада айрим саволлар бўйича фойдаланувчиларда эътирозлар пайдо бўлиши мумкин [4].

3. **Forcepoint DLP.** Ушбу дастурнинг ҳам триал версияси мавжуд эмас, лекин унинг веб саҳифасида тизимнинг қандай имкониятларга эга эканлиги тўғрисида яхши тушунтирилган видео ролик мавжуд.

4. **Zecurion DLP.** Ушбу дастурда ҳам демо (триал) версияси мавжуд эмас. Бу тизим бўйича интернетда экспертлар томонидан берилган баҳолар ҳам унчалик кўп эмас.

5. **Digital DLP.** Дастурнинг триал версияси мавжуд, аммо уни олишни имкони бўлмади.

Юқорида текшириш учун қўйилган таълаблар қуйидаги оддий кичик қисмларга бўлинди:

- флеш-дискга ёзиш;
- ҳужжатларни принтерда чоп этиш;
- SMTP ва MAPI га юбориш;
- веб-почтага юбориш;

- ижтимоий тармоқларга юбориш;
- булутли тизимларга юклаш;
- HTTP форма орқали файлларни юбориш;
- FTP серверига юклаш;
- терминал сеансида назорат қилиш.

Тизимлар юқоридаги параметрлар бўйича текширгандан сўнг, яна бир кичик текширув ўтказилди:

1. Жуда катта матнлардан иборат архив файл танлаб олинди. Ушбу файл ичида конфиденциал маълумотлар яширилди. Архив файл формати ўзгартирилиб, текширилган канал орқали ушбу файл ташқарига чиқиб кетиш учун (чиқиб кетишнинг турли усулларида бири орқали) жўнатилади.

2. Тескари ҳолатда конфиденциал маълумотларни ўз ичида сақлаган скан файл ташқарига чиқиб кетиш учун текширилган канал орқали жўнатилади.

3. Белгиси бор конфиденциал файл канал орқали ташқарига чиқиб кетиш учун жўнатилади.

Қиёсий таҳлил учун қуйидаги DLP тизимлари танлаб олинди: McAfee DLP, Sophos Endpoint Protection, InfoWatch Traffic Monitor, DeviceLock DLP, SyorchInform, Falcongaze SecureTower.

McAfee DLP

Дастурни юклаб олишда муаммолар мавжуд, шу боис, юклаб олиш бирмунча қийинроқ кечади [5]. Тизимни ўрнатиш ва керакли созуламаларини тўғрилаш учун ҳам вақт талаб этилади. Дастурни ўрнатишдан олдин McAfee ePolicy Orchestrator номли бошқариш платформасини ўрнатиш зарур. Ўрнатиш давомида йўриқномадан фойдаланиш мумкин [6]. Йўриқнома тушунадиган қилиб, содда тилда шакиллантирилган, ўрнатиш кетма-кетлиги кўрсатилган. Инсталлятор зарурий ташқи компоненталарни ўзи ўрнатади (1-расм).

Ижобий томони: фойдаланувчилар ўртасида ваколатларни белгилаш қондасини яратишда тизимни ўзи белгилаши, яни қондани яратаётганда нималарга этибор бериш керак ёки нималарга этибор бермаслик кераклигини дастурни ўзи белгилайди. Шунингдек, ушбу ваколатлардан ходисаларни филтрлашда параметр сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Филтрлаш жараёни ҳам анча тушунарли ва қулай қилинган. Файлни жўнатишга таъқиқ бор фойдаланувчиларга файлни жўнатишга рухсат бериш мавжуд. Фақат жўнатишдан олдин фойдаланувчи жўнатилиш мақсадини ифодалаб бериши керак. Ушбу хусусият *user-justification* дейилади.

Салбий томони: тизимда Active Directory вазифасини бажарувчи ўзининг шахсий McAfee ePolicy Orchestrator платформасини ўрнатиш талаб этилади. Дастурда OCR (яъни, расмлар, сканер қилинган ҳужжатларда конфиденциал маълумотларни излаш) модули мавжуд эмас. Ушбу тизим почта агентларидан фақатгина Microsoft Outlook орқали жўнатилган хабарларни назорат қилади, қолганларини назорат қила олмайди.

Хулоса. Юқоридаги камчиликларга қарамадан, McAfee DLP тизими қўйилган талабларга қисман мос келади. Лекин, ушбу тизимдаги энг асосий муаммо деярли барча назоратлар тизим модуллари орқали дастурларни назорат қилиш билан боғлиқ. Асосан бу турдаги тизимларда назорат драйвер ёки протокол даражасида амалга оширилиши зарур.


Sophos Endpoint Protection

Синаб кўриш учун ушбу тизимнинг Sophos Endpoint Protection 10 талқини танлаб олинди. Ушбу дастур вазифаси DLP тизимидан кўра антивирус вазифасини кўпроқ бажаради. Ўрнатиш учун кўпроқ вақт талаб этилади. Ўрнатиш бўйича йўриқнома мавжуд, лекин уни тушуниш бироз қийинлик қилади [7]. Дастур ишга тушиши учун минимал талаблар ҳам кўрсатилмаган.

Ижобий томони: Худди McAfee сингари тақиқ қўйилган фойдаланувчи ҳам айрим ҳолларда файл жўнатиши учун тизимда файл жўнатиш функцияси мавжуд.


Салбий томони: Ўрнатилган тақиқларни айнаиб ўтиш, яни тақиқларни четлаб ўтиш учун имкониятлар кўп. Масалан, агент томонидан Sophos дастурини ўчириб, сўнгра Device Manager га кириб, қурилма драйверини ёқиш етарли. Маълумотларни таҳлил қилиш яхши шакиллантирилмаган. Маълумотларни архивда сақлаш модули мавжуд эмас. Фойдаланувчига

огохлантиришлар юбориш антивирус дастури ичида «созламалар» қисмида амалга оширилади (масалан, e-mail alerting ёки SNMP messaging хабарлари учун). Назорат қилинадиган ташқи курилмалар сони чегараланган. Веб сайтлар назорати тармоқлар аро экран каби назорат қилинади. Бунда ҳам OCR модул мавжуд эмас.



1-расм. DLP Incident Manager интерфейси.

Хулоса. Юқорида таъкидланганидек, ушбу тизим DLP дан кўра антивирус дастурига яқинроқ (2-расм). Архив модулининг мавжуд эмаслиги маълумотларни чиқиб кетиши билан боғлиқ жиноятларни исботлаш имконини камайтиради. Шунингдек, хавфсизлик сиёсати фойдаланувчиларга нисбатан эмас, балки ишчи станциялар, яъни компьютерларга қўлланилади.



2-расм. Sophos Endpoint Protection дастури кўринишлари.

InfoWatch Traffic Monitor

InfoWatch Traffic Monitor тизими Россия федерациясида энг машхур DLP тизимлардан бири ҳисобланади. Айнан ушбу дастур давлат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу дастурнинг демо версиясини олиш имкони мавжуд, бироқ бунинг учун фойдаланувчи бир қанча маълумотларни тақдим этиши зарур. Маслаҳат олиш учун, албатта фойдаланувчи ройхатдан ўтган бўлиши лозим. Ушбу тизимни кўплаб соҳаларга қўллаш мумкин. Лекин,

унда асосий эътибор банк соҳасига қаратилган. Ишлатиб кўриш ва созламаларини амалга ошириш учун йўриқнома мавжуд [8].

Ижобий томони. Сифатли, структураланган интерфейсга эга. Дашбордлар келтирилган ва улар орқали керакли трафикни сўров бериш орқали олиш ва уни таҳлил қилиш мумкин. Агент модулидан туриб, қурилмани ўқиш учун рухсат сўраш мумкин. Фойдаланувчиларни группаларга қўшиш ва шу орқали уларни бошқариш, уларга ўзларига тегишли бўлган маълумотларни жўнатиш, ишчи станциялардан скриинлар олиш имконияти мавжуд. Архив модули мавжуд ва архивдаги маълумотлар билан ишлаш учун бир қанча қулай имкониятлар келтирилган. Дастур хулосаларни қулай ҳисобот кўринишида тақдим этади.


Салбий томони. Ушбу DLP тизими комплекс ҳолатда ишлаши учун Infowatch Traffic Monitor, Infowatch Vision, Infowatch Prediction ва Infowatch Person Monitor дастурларини ўрнатиш зарур. Тизим кросплатформали эмас, яъни фақат Windows ва Linux нинг Red Hat дистрибутивларига мос келади. Қурулмалар ичидаги маълумотларни таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас, «оқ» рўйхатга қурилмаларни кўшимча тарзда қўшиш мумкин, лекин уларнинг ичида қанақа маълумотлар сақланаётганлиги қоронғу бўлиб қолади. Ушбу тизим тармоқ протоколларидан фақат HTTP ва SMTP билан ишлай олади. Бу эса ҳозирги давр учун етарли эмас, чунки месенжерларнинг ривожланиб бориши ахборот бозорида маълумот алмашишни янада қулай йўллари тақдир қилмоқда.

Хулоса. Тизимнинг интерфейси жуда зўр. Қурулмаларни назорат қилиш, тармоқ каналларини мониторинг қилиш имкони яхши, лекин канални блоклаш бўйича камчиликлар мавжуд.

Cyber Protego

Синов учун тизимнинг Cyber Protego 9.3 версияси олинди. Ушбу тизим топ қамровли тизим бўлиб, фақат конфиденциал маълумотларни чиқиб кетишини назорат қилишга мўлжалланган. Тизимни ўрнатиш осон. Ёриқномада жуда кенг тушунтириш берилган, унинг ҳажми 952 бетни ташкил қилади [9]. Дастур билан ишлашда фойдаланувчи тизим ва тармоқ администратори вазибалари билан яхши таниш бўлиш зарур. Улар билан таниш бўлмаган фойдаланувчилар тизимдан фойдаланиши бир мунча қийин бўлади.

Ижобий томони. Тизимдаги бошқарув созламалари деталлаштирилган, яъни, масалан, Skype дастури учун ҳодиса, бошқарув, маълумотларни захира нусхаси, алертлар, маълумотни таҳлил қилишлар алоҳида қисмларга бўлинган. Бошқариладиган қурилмалар ва



3-расм. Cyber Protego дастури марказий бошқариш панели интерфейси.

каналлар билан ишлаш имконияти кенг. Дастурда OCR модули мавжуд. Агентлар тўлик серверга боғланиб қолмаган, ўзлари ҳам мустақил ишлаши мумкин. Алертлар компьютер экранда дарҳол пайдо бўлади. Агентлар бир нечта режимда ишлаш имконияти мавжуд, бу жуда яхши, хусусан, фойдаланувчи ноутбуки билан уйда ҳам ушби тизимдан фойдаланиб, ишлаши мумкин. Режимлар ўзгариши автоматик равишда амалга оширилади. Мониторинг ва блоклаш алоҳида ойналарда кўрсатилади (3-расм).

Салбий томони. Тизим бўйича сиёсатни белгилаш учун алоҳида ойналарга ўтиб, ҳар бир фойдаланувчи учун керакли қоидани танлаш керак, бунақа қоидалар эса жуда кўп. Сиёсатни мукамал даражада белгилаш учун, албатта йўриқнома бўйича ишлаш зарур. Архивда керакли файлни кидириш аъло даражада эмас, масалан, шаблон ёки луғат бўйича кидириш имкони йўқ.

Хулоса. Cyber Protego тизими конфиденциал маълумотларни чиқиб кетишини олдини олиш учун имкониятларга жуда бой ва фойдаланишга жуда қулай. Тизимда ҳар бир фойдаланувчи учун алоҳида сиёсат юритилади. Янги фойдаланувчиларни ажратилган группаларга қўшиш мумкин. Консол режимида ишлаганда фойдаланувчида фақат ўқиш ҳуқуқи берилган. Буферда жойлашган маълумотларни қурилмаларга жўнатиш таҳлили мавжуд. Архивлаш модули ҳам мавжуд.

Searchinform

Searchinform тизимини расмий веб сайтдан тўлик функциялари билан юклаб олиб, 30 кун ичида фойдаланиш мумкин. Тизимни яхлит бир тизим дейиш мушкул, чунки у 5 та кичик алоҳида тизимлардан иборат ва улар ичида энг асосийси searchinform КІВ тизими ҳисобланади. Веб саҳифада таъкидланишича, Searchinform дастури жамиятнинг турли соҳаларига мос келадиган хавфсизлик тизимларини таклиф қилади. Йўриқномасиз тизимни ўрнатиш ва унинг соғламаларини амалга ошириш амалда жуда мушкул [10]. Ҳар бир модул алоҳида консолларда (ойналарда) кўрсатилган. Каналлардан узатилаётган маълумотларни таҳлил қилиш уларнинг нусхалари орқали амалга оширилади.



4-расм. SearchInform дастури интерфейси.

Ижобий томони. Searchinform тизимини архив билан ишлаш имконияти кенг. Барча маълумотни топса бўлади. Қидирув тизими ҳам яхши шакиллантирилган, масалан, луғат бўйича, иборалар бўйича ва ҳ.к. кидириш (4-расм). Танишилган маълумотга “кўрилган” ёрлигини қўйиш мумкин.

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Салбий томони. Консоллар сони кўп. Тармоқ каналларини блоклаш хусусияти мавжуд эмас.

Хулоса. Юқорида таъкидланганидек, Searchinform тизимига блоклаш масаласи устида тузатишлар ва қўшимча имкониятлар киритиш зарур. Умуман ушбу тизим олдинроқ бўлиб ўтган ҳодисаларни қидиришга мўлжалланган. Шунинг учун мониторинг ва архивлар билан ишлашга катта урғу берилган.

Юқорида келтирилган DLP тизимларини бир-бири билан яққол қиёслаш мақсадида таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда жамланган.

1-жадвал

Таҳлил қилинган дастурлар натижалари.

	McAfee DLP	Sophos Endpoint Protection	InfoWatch Traffic Monitor	Kiber Protego	Searchinform
Ўрнатилиш жараёни	Қониқарли	Қониқарли	Қониқарли	Яхши	Қониқарсиз
Бошқариш қулайлиги	Яхши	Қониқарли	Яхши	Қониқарли	Қониқарли
Йўриқнома	Яхши	Қониқарсиз	Яхши	Яхши	Қониқарсиз
Нусхалар билан ишлаш	Қурилмалар учун: яхши тармоқ каналлари учун: фақат маълум бир браузер ва почта клиентлари учун	Йўқ	Қониқарли, фақат мессенджерлар учун мавжуд эмас	Қониқарли, фақат мессенджерлар учун мавжуд эмас	Қониқарли, бир оз камчиликлари мавжуд
Қурилмаларни блоклаш	Яхши	Қисман, ҳар бир ПК га алоҳида	Яхши	Яхши	Яхши
Тармоқ каналларини блоклаш	Қониқарли, дастур назорати орқали	Қониқарсиз	Қисман	Яхши, агент орқали	Йетарлича мукамал эмас
Сканланган ҳужжатни блоклаш	ОСР модули мавжуд эмас	ОСР модули мавжуд эмас	Фақат SMTP НТТР бўйича контент филтратсия мавжуд	Яхши	Фақат SMTP НТТР бўйича контент филтратсия мавжуд
Архив билан ишлаш	Қисман	Қисман	Яхши	Қисман	Яхши
Ҳисобот ва статистика	Қисман	Қисман	Яхши	Қисман	Яхши
Катта ҳажмдаги архивларни блоклаш	Яхши	Контентни филтрлаш фақат қурилмалар ва айрим дастурлар учун	Контентни филтрлаш фақат SMTP ва НТТР учун	Яхши	Контентни филтрлаш фақат SMTP ва НТТР учун

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир дастур ўзининг камчилик ва афзалликларига эга. Дастурлар ичидан яққол биттасини энг зўр дейиш бироз мушкул. Чунки, ривожланиб

бораётган ахборот технологиялари даврида янги хавф хатарларнинг пайдо бўлиш натижасида бугун яхши деб ҳисобланган дастурлар эртага маълум бир камчиликларга эга бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли, ташкилот ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўзига қулай DLP тизимини танлагани мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

- [1]. Bozorov O.N. Problems of ensuring the confidentiality of data objects of informatization // Abstracts of the Uzbekistan-Malaysia international online conference Computational models and technologies. –Т., -2020. p.104.
- [2]. Bozorov O.N., Sharofov D.O. Protection of System from an Unauthorized Leak of Confidential Information. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6 November 2019. R.11795- 11798.
- [3]. Bozorov O.N. Chastotali tahlil usulidan foydalangan holda ochiq matnlarning o‘xshashligini tahlil qilish // Ilm sarchashmalari. 2021. Vol. 8, № 1. P. 12–17.
- [4]. <https://www.softwaretestinghelp.com/data-loss-prevention-software/>
- [5]. <https://www.anti-malware.ru/reviews/McAfee-DLP>
- [6]. <https://www.mcafee.com/enterprise/en-us/assets/data-sheets/ds-dlp-endpoint.pdf>
- [7]. <https://www.sophos.com/en-us/support/documentation/>
- [8]. [https://www.infowatch.ru/sites/default/files/partners_docs/infowatch_traffic_monitor_enterprise_3_5_release_no
tes.pdf](https://www.infowatch.ru/sites/default/files/partners_docs/infowatch_traffic_monitor_enterprise_3_5_release_notes.pdf)
- [9]. <https://cyberprotect.ru/documentation>
- [10]. <https://searchinform.ru/practice-and-analytics/>
- [11]. <https://habr.com/ru/post/479068/>

KUCHLI TA'SIR ETUVCHI ZAHARLI MODDALARNING XUSUSIYATLARI VA SHAXSIY MUHOFAZA VOSITALARINI QO'LLASH TARTIBI

R.S. Razikov, N.A. Erxonboyev, M.U. Amirov, B.M. Gafurov

Toshkent davlat transport universiteti
nodirbekerxonboyev@gmail.com tel: 93-401-14-32
(Qabul qilindi 25.11.2022 y.)

Ushbu maqola kuchli ta'sir etuvchi zaharli moddalar hamda ba'zi suyuqliklarning xususiyatlari, reaksiyaga kirishish qobiliyatlari, xossalari, inson organizmiga ta'siri hamda shaxsiy muhofaza vositalaridan foydalanishga bag'ishlanadi.

Kalit so'zlar: *Kuchli ta'sir etuvchi zaharli modda, xavf, avariya, muhofaza, ishchilarni himoya qilish.*

Данная статья посвящена характеристике, реакционной способности, свойствам, воздействию на организм человека и использованию средств индивидуальной защиты сильно действующих ядовитых веществ и некоторых жидкостей.

Ключевые слова: *высокоэффективное отравляющее вещество, опасность, авария, защита, защита работающих.*

This article is devoted to the characteristics, reactivity, properties, effects on the human body and the use of personal protective equipment of strongly acting toxic substances and some liquids.

Key words: *highly effective toxic substance, danger, accident, protection, protection of workers.*

KIRISH.

Texnogen favqulodda vaziyatlar ichida kimyoviy xavfli obyektlardagi avariya o'zining keltiradigan talofatlari yuqoriligi bilan ajralib turadi. Bunday obyektlarda avariya sodir bo'lgan taqdirda, faqat obyekt ishchilarining salomatligiga xavf tug'dirmasdan, balki uning atrofida joylashgan hudud aholisiga, toifalangan obyektlarning xavfi doirasiga tushadigan yashash sektori aholisiga qo'shni obyekt ishchilarining salomatligiga ham xavf soladi.

Kuchli ta'sir etuvchi zaharli moddalarning ko'pchiligi avtotransportlar yordamida korxonalariga tashib yetkaziladi. Tashish jarayonida ularning to'kilishi kuzatilsa yoki kimyoviy xavfli obyektlarda avariya sodir bo'lgan taqdirda zudlik bilan tarqalgan moddaning qanday modda ekanligi, uning xususiyatlarini aniqlash, shunga asosan muhofazalanish usullarini qo'llash muhim ahamiyatga ega [4].

MUHOQAMA.

Hozirgi kunda respublikamizda ko'plab kimyoviy xavfli obyektlar mavjudligi sababli, kuchli ta'sir etuvchi zaharli moddalar ishlab chiqariladi, tashiladi va saqlanadi. Shunday obyektlarda ishlayotgan ishchi xodimlar, obyekt atrofida yashaydigan barcha aholi, Fuqaro muhofazasi tuzilma a'zolari zaharli moddalarning xususiyatlari, ta'siri va ulardan muhofazalanish usullari haqida tushunchaga ega bo'lishlari zarur.

Shu maqsadda ushbu maqolada kuchli ta'sir etuvchi zaharli moddalar hamda ba'zi suyuqliklarning xususiyatlari, reaksiyaga kirishish qobiliyatlari, xossalari, inson organizmiga ta'siri ochib berilmoqda.

Ishchi xodimlarni kimyoviy zaharlanishdan muhofaza tadbirlari korxonadagi xizmat tuzilmalari, qutqaruv tuzilmalariga kiruvchi qutqaruvchilar tomonidan amalga oshiriladi. Shu sababli har bir qutqaruvchi zaharli moddalarning xossalari xabardor bo'lishi kerak. Bundan tashqari zaharli moddalar bilan ishlaydigan ishchi va xodimlar ham zaharli moddalarning inson organizmiga ko'rsatadigan ta'sirini, ulardan muhofazalanish usullarini bilishlari lozim. Ushbu maqolada ba'zi zaharli moddalarning xossalari ochib berilmoqda. Misol uchun bir necha moddalarni keltirib o'tamiz:

Ammiak. *Fizikaviy xossalari.* Ammiak NH_3 –rangsiz bo'g'uvchi xususiyatga ega bo'lgan, o'tkir hidli (nashatir spirti hidini eslatuvchi) zaharli gazdir. Oddiy bosimda $-78\text{ }^\circ\text{C}$ da qattiq holatga, $-34\text{ }^\circ\text{C}$ da esa suyuq holatga o'tadi. Gaz ko'rinishidagi ammiakning normal sharoitda zichligi

taxminan 0,6 ga teng bo'lib, havodan yengil hisoblanadi. Havo bilan esa 15-28 hajmiy nisbatlarda portlovchi aralashma hosil qiladi.

Boshqa gazlarga nisbatan suvda juda yaxshi eriydi, 20 °C haroratda bir hajm suvda 700 hajm ammiak yutiladi. Uning 10% li suvdagi eritmasi "nashatir spirti" deb ataladi, tibbiyotda, oqartiruvchi modda sifatida xonadonlarda ishlatiladi. 18-20 % li eritmasi ammiakli suv deb nomlanib, qishloq xo'jaligida mineral o'g'it sifatida foydalaniladi [3].

Suyuq ammiak organik va noorganik birikmalarning yaxshi erituvchisi hisoblanadi. Ammiak tabiatda azot saqlovchi organik birikmalarning parchalanishi natijasida hosil bo'ladi. Sanoatda esa azot va vodorodning katalizatorlar ishtirokida yuqori bosim va harorat ostida ta'sirlashi natijasi olinadi.

Dunyo bo'yicha ammiak 90 mln. tonnaga yaqin miqdorda ishlab chiqariladi.

U sinil va azot kislotalari, soda, mochevina, o'g'itlar ishlab chiqarishda ishlatiladi. Suyuq ammiak sovutkichlarda sovutuvchi agent sifatida ham ishlatiladi.

Odatda ammiak suyultirilgan holda tashiladi va saqlanadi. Shu sababli atmosferaga tarqala boshlaganda tutun hosil qiladi, suv manbalariga tushsa, tezda suvni zaharlaydi.

Ishlab chiqarish korxonalarida havodagi chegaraviy yo'l qo'yiladigan konsentratsiyasi 20 mg/m³ ga teng. 40 mg/m³ konsentratsiyasida insonlar hididan sezishlari mumkin. Agar havodagi miqdori 500 mg/m³ ni tashkil qilsa, insonlarda nafas olgan zaxoti o'lim holati kuzatiladi [3].

Zaharlanish belgilari. Ammiak avvalo nafas olish a'zolariga ta'sir etib, burun bitishi, yo'tal, nafas olishning qiyinlashishi, bo'g'ilish, yurakning tez-tez urishi, puls urishining tezlashishi kuzatiladi. Ammiakning bug'i terini va shilliq qavatlarining ta'sirchangligini oshishiga, qichishish, terining qizarishi, ko'zning achishishi va yoshlanishiga olib keladi. Agar suyuq ammiak teriga to'kilsa, achishish, kuyish belgilari kuzatiladi.

Shaxsiy muhofaza vositalari. Nafas olish a'zolarini muhofaza qilishda sanoat gazniqoblaridan KD (kul rang rangli korobkasidan), K (och yashil rangli karobkasidan) rusumlilaridan foydalanishimiz mumkin. Sanoat filtrlovchi gazniqoblari 750 PDK miqdorgacha muhofaza qila oladi, agar konsentratsiya undan yuqori bo'ladigan bo'lsa, faqat izolyatsiyalovchi gazniqoblardan foydalanish lozim. Terini ammiakdan muhofazalash maqsadida rezina qoplangan kostyum, rezina qo'lqop va etiklardan foydalanish zarur.

Havodagi ammiak gazining miqdorini kamaytirishda suv to'siqlaridan foydalaniladi. Suyuq holdagi ammiak to'kilgan taqdirda shu joy tuproq bilan o'raladi (to'siladi) va 10% li sulfat kislota yoki xlorid kislotasi yordamida neytrallanadi. So'ngra esa ko'p miqdorda suv bilan yuviladi.

Xlor. *Fizikaviy hossalari.* Xlor - Cl₂ yashil- sariq tusli o'tkir bo'g'uvchi hidli zaharli gaz hisoblanadi. Oddiy bosimda -34 °C da suyuladi va 101 °C da qotadi. Normal sharoitda gaz holatida zichligi 3,21 kg/m³ ga teng bo'lib, havodan 2,5 marta og'irligi sababli havoga tarqalganda yerto'lalarda, tonnelerde, quduqlarda to'planib qoladi.

Xlor bir hajm suvda ikki hajm miqdorda eriydi. Hosil bo'lgan sarg'ish eritma "xlorli suv" deb yuritilib, kimyoviy aktivligi yuqori bo'lganligi sababli, deyarli barcha kimyoviy elementlar bilan reaksiyaga kirishadi.

Dunyo bo'yicha xlor moddasi bir yilda o'n million tonnaga yaqin ishlab chiqariladi.

Xlor dixloretnan, vinilxlorid, kauchuklar kabi xlororganik moddalar, su'niy plenklar, matolarni, qog'ozni oqartirish jarayonida, suvni zararsizlantirish, dezinfeksiyalovchi modda sifatida ishlatib kelinmoqda.

Xlor oddiy haroratda yuqori bosim ostida suyultiriladi va po'lat ballonlarda, temir yo'l sisternalarida tashiladi va saqlanadi. Shu sababli atrof muxitga tarqalganda tez bug'lanadi, suv xavzalarini ham zaharlaydi.

Zaharlanish belgilari. Xlor bilan zaharlanish sodir bo'lgandagi birinchi belgilari- ko'krakda og'riq paydo bo'lishi, ko'z yoshlanishi, quruq yo'tal, ko'ngil aynash, qayt qilish, muvozanatni yo'qotish, nafas yetishmaslik holatlari kuzatiladi. Xlorning bug'lari bilan ta'sirlanganda ko'zning, nafas olish a'zolarining shilliq qavatlari va terining kuyishi kuzatiladi.

Xlorning *ishlab chiqarish korxonalarida havodagi chegaraviy yo'l qo'yiladigan konsentratsiyasi 1mg/m³ ga teng. Xlorning minimal seziladigan miqdori 2mg/m³, 10 mg/m³*

konsentratsiyasi esa inson organizmiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Agar uning havodagi miqdori 100-200 mg/m³ ga teng bo'lsa 30-60 daqiqa shu joyda bo'lgan inson uchun xavfli hisoblanadi, konsentratsiya undan ortsa, keskin o'lim sodir bo'ladi.

Shaxsiy muhofaza vositalari. Xloridan muhofazalanishda filtlovchi va izolyatsiyalovchi gazniqoblardan foydalaniladi. Sanoat gazniqoblaridan A markali (jigarrang rangli korobka), BKF va MKF larning (himoyaviy), V (sariq), E (qora), G (qora va sariq) va fuqaro gazniqoblari GP-5, GP-7 lardan foydalaniladi.

Agar obyektida xlor moddasi tarqalgan va konsentratsiyasi noma'lum bo'lib, yuqori deb hisoblanayotgan bo'lsa, faqat izolyatsiyalovchi gazniqoblardan IP-4, IP-5 foydalaniladi. Terini himoyalash maqsadida rezina qoplangan kostyumlar, rezina qo'lqop va etiklardan foydalaniladi. Shuni ham unutmaslik kerakki suyuq xlor rezina qoplangan matolarni, gazniqobning rezina qismini shikastlanishiga olib keladi, shu sababli unga tegish mumkin emas.

Agar xlor moddasi katta miqdorda atrofga tarqalayotgan bo'lsa, uning konsentratsiyasini kamaytirish uchun kalsiylangan sodaning eritmasi yoki suv sepiladi. Agar suyuq holdagi xlor biror joyga to'kilgan bo'lsa, to'kilgan yuzaning ustiga ammiakli suv, oxaktosh eritmasi, kalsinatsiyalangan soda yoki kaustik sodaning eritmalari quyib neytrallanadi [4].

MUAMMOLAR.

Ilmiy izlanishlarimiz natijasida KTEZM ishlab chiqarishda foydalanish, tashilishi, saqlanishida ko'plab muammoli masalalar mavjudligini aniqladik.

Birinchiidan, KTEZM bilan ishlaydigan ishchi hodimlar tashilishiga ma'sul hodimlar (xaydovchilar, mashinist birigadalar) muntazam ravishda KTEZM bilan ishlash chog'ida xavfsizlik choralari, keltiradigan xavfli omillari, avariya sodir bo'lganda harakatlanish tartibi kabi oddiy masalalarda yetarli bilimga ega emasligi.

Ikkinchiidan, bu moddalarni tashishda yuklash va tushirishda turli xavf xatarlar mavjud. Bu xavflar ko'pincha inson omili bilan bog'liq bazida esa moddalarning xavfli ekanligiga ham bog'liq holda avariyalarga sabab bo'lmoqda. Avariya sodir bo'lganda issonlar hayoti sog'ligi asrab qolish bazida kuch vositalar yetishmasligi mumkin.

Avariya va halokatlar sodir bo'lganda zararli moddalar xavfini kamaytirish maqsadida turli tadbirlar o'tkaziladi. Masalan: hududni lokalizatsiya qilish, turli moddalar bilan neytrallash, suv bilan yuvish vahokazo.


KTEZM larni neytrallashda foydalaniladigan moddalar va ularning miqdori

№	KTEZM nomi	Neytrallovchi eritma	1 tonna KTEZM uchun ishlatiladigan modda miqdori	Yordamchi neytrallovchi modda
1	Xlor CL ₂	Suv to'sig'i Ishqoriy eritmalar	10% li eritmadan 10 t.	1-20 % li ishlatib bo'lingan ishqorlar, gips va oxak ishlab chiqarish chiqindilari
2	Ammiak NH ₃	Suv to'sig'i Xlorid va sulfat kislota eritmasi	10 % li eritmadan 20 (30) t;	1-20 % li shavel kislota-si eritmasi, Shavel kislota-si ishlab chiqarishdagi kimyoviy chiqindilar
3	Sinil kislotasi HCN	Gipoxlorit eritmasi Ishqor va temir sulfat aralashmasi Formaldegid eritmasi	10% lidan 45t 10% lidan 10t 40% lidan 3 t.	Temir sulfat eritmalari 1-20%; titan ikki oksidlari chiqindilari

4	Fosgen $COCl_2$	Suv to'sig'i Ammiakli suv Ishqor eritmalari	25% lidan 3 t. 10% lidan 10t.	Gips va oxaklarning ishqoriy chiqindilari
5	Nitril akril kislotalasi	Ishqor eritmalari (soda) Ammiakli suv	10% lidan 8 t. 25% lidan 3 t	Temir sulfat eritmalari 1-20%
6	Sulfid angidrid	Suv Ishqor eritmalari (soda)	10t 10% lidan 13 t	Ishlatilgan ishqor
7	Ftorid kislotalasi	Ishqor eritmalari (soda)	10% li eritmasidan 20 t	Ishlatilgan ishqor
8	Aktilonitril	Ishqor eritmalari (soda)	10 % li eritmasidan 8 tonna	Ishlatilgan ishqor
9	Azot to'rt oksidi	Ishqor eritmalari (soda)	10 % li eritmasidan 10 tonna	Ishlatilgan ishqor
10	Etilen oksidi	Ammiakli suv suv	25% e-ma 1,6 tonna 2 tonna	

Degazatsiya qilish jarayonida o't o'chirish mashinalaridan, motopompalardan foydalanish mumkin.

KTEZM atrof muhitga tarqalishi kuzatilsa, uning tarqalishi shamolning tezligiga bog'liq bo'ladi. Agar shamolning tezligi 0,5 m/s dan kam bo'lsa doira ko'rinishida, agar 0,6-1 m/s tashkil etsa yarim doira shaklida, 1,1-2 m/s tezlikda 90 gradus burchak ostida, agar 2 m/s dan ortiq bo'lsa 45 gradus burchak ostida tarqalishi kuzatiladi.



1-rasm. Zaxarli gazlarning tarqalish yo'nalishi.

Qutqaruvchilar uchun sisternalarda taxminan qancha miqdorda modda borligini bilish ham muxim ahamiyatga ega. Temir yo'ldagi sisternalarda xlor 47, 55, 57 tonna, ammiak-30,45 tonna, xlorid kislotalasi 52, 59 tonna, ftor-20, 25 tonna miqdorda tashiladi. Avtomobillarda kislotalar tashish uchun ingibirlangan "kamaz" shassisida 8,10 metr kub, benzin, dizel, moy tashashda "isuzu", "kamaz" shassisida 4-12 metr kub miqdorda tashiladi.



2-rasm. KTEZM to'kilganda avariyanı bartarak qilish.

ТАКЛИФ ВА МУЛОHAZALAR.

KTEZM bilan ishlaydigan ishchi hodimlar tashilishiga ma'sul hodimlar (xaydovchilar, mashinist birigadalar) muntazam ravishda KTEZM bilan ishlash chog'ida xavfsizlik choralari, keltiradigan xavfli omillari, avariya sodir bo'lganda harakatlanish tartibi kabi mavzularda muntazam yo'riqnomalardan o'tkazilishini yo'lga qo'yish, ish joylarida moddalarning xavflilik darajalari avariya sodir bo'lganda harakatlanish tartiblari berilgan plakatlar osib qo'yish, ishchi va xizmatchilarga himoya vositalaridan to'g'ri foydalanishni o'rgatish.

O'quv mashqi o'tkazilganda aholini ham KTEZM bilan bog'liq avariyalarda harakat qilish tartibini o'rgatish.

Bu turdagi favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda zamonaviy vosita va usullardan foydalanish dronlardan atmosferaga ko'tarilgan xavfli moddalarni suv bilan yerga tushirish va yuvishda foydalanishni taklif etamiz.

Adabiyotlar

- [1]. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011 yil 16 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida xavfli yuklarni avtomobil transportida tashish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida" gi 35 sonli Qarori.
- [2]. 2.Silnodeystvuyushchiye yadovitye veshchestva. Texnicheskiye jidkosti. Rtut. Moskva. 1997 g.
- [3]. Gigiyenicheskiye normativy. Predelno-dopustimyye konsentratsii (PDK) vrednykh veshchestv v vozduxe rabochey zony. SanPiN № 0046-95.
- [4]. F.A. Abidova A.B. Abidov "Kuchli ta'sir etuvchi zaharli moddalarning xususiyatlari" uslubiy qo'llanma Toshkent-2018.
- [5]. Nabiyev A.B., & Abdullajonov O.S. (2022). FAVQULODDA VAZIYATLARDI ZAHARLI MODDALAR TA'SIRIDA JABRLANGANLARGA TIBBIY YORDAM KO'RSATISH. ISSN: 2181-3337 SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL, 46-49
- [6]. 1.Butunov, D. B., & Uktamovich, A. M. (2021). POYEZDLAR HARAKATI XAVFSIZLIGI BUZILISHLARINI TADQIQ ETISH. Academic research in educational sciences, 2(11), 339-347.
- [7]. Gafurov, N. N., Erxonboyev, N. A. O. G. L., & Payzullayev, U. P. O. G. L. (2022). AHOLI ORASIDA TABIIY GAZ SIZIB CHIQISHI VA IS GAZI HOSIL BO'LISHI BILAN BOG'LIQ FAVQULODDA VAZIYATLARNING OLDINI OLIHNING ZAMONAVIY USULLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 1018-1023.

УДК 665.765

ОПРЕДЕЛЕНИЕ СРАВНИТЕЛЬНЫХ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РАЗЛИЧНЫХ КОМПОЗИЦИЙ РЕДУКТОРНЫХ СМАЗОК

С.Х. Ганиева

Институт общей и неорганической химии Академии Наук Республики Узбекистан

e-mail: khimiyanefti@mail.ru

(Получена 25.11.2022 г.)

В статье приведены сравнительные результаты физико-химических и эксплуатационных характеристик полученных редукторных смазок (ОСп-Уз-И и ОСп-Уз-КП) на основе регенерированных отработанных масел.

Установлено, что экспериментальный образец редукторной смазки ОСп-Уз-И по своим эксплуатационным характеристикам не уступает смазке ОСп-Уз и товарной смазке Нигрол, а в некоторых случаях превосходит. Это свидетельствует о том, что опытный образец способен более рационально удерживаться в узле трения, имея более длительный срок службы и способен снижать износ поверхностей трения.

Ключевые слова. *Редукторная смазка, регенерация, адсорбент, очищенное масло, смазочный материал, адгезия, теплоемкость, сельскохозяйственная техника.*

Мақолада регенерацияланган чиқинди мойлари асосида олинган тишли мойлаш материалларининг (Осп-Уз-И ва Осп-Уз-КП) физик-кимёвий ва эксплуатацион тавсифларининг қиёсий натижалари келтирилган.

Таянч so'zlar. *Tishli moylash, regeneratsiya, adsorbent, tozalangan moy, moylash, yopishish, issiqlik sig'imi, qishloq xo'jaligi mashinalari.*

Осп-Уз-И тишли мойлаш материалларининг экспериментал намунаси унинг ишлаш хусусиятлари бўйича Осп-Уз мойлаш ва Нигрол тижорат мойлаш материалларидан кам эмаслиги ва

баъзи ҳолларда ошиб кетиши аниқланди. Бу прототипи узоқ хизмат муддатига эга, ишқаланиши бирлиги янада оқилона бўлиб ва ишқаланиши юзалар кийиши камайтираши имкониятига эга бўлиши мумкин эканлигини кўрсатади.

The article presents comparative results of the physicochemical and operational characteristics of the obtained gear lubricants (OSp-Uz-I and OSp-Uz-KP) based on regenerated waste oils.

It has been established that the experimental sample of the OSp-Uz-I gear lubricant is not inferior to the OSp-Uz lubricant and Nigrol commercial lubricant in terms of its performance characteristics, and in some cases surpasses it. This indicates that the prototype is able to be more rationally retained in the friction unit, having a longer service life and is able to reduce the wear of friction surfaces.

Keywords. Gear lubrication, regeneration, adsorbent, purified oil, lubricant, adhesion, heat capacity, agricultural machinery.

Введение. В настоящее время рациональное использование вторичных ресурсов совместно с новыми синтезируемыми материалами с целью получения нефтепродуктов - дизельных топлив и смазочных материалов с улучшенными эксплуатационными характеристиками и решение при этом проблем импортозамещения определяет эффективность разрабатываемых новых инновационных технологий.

31.01.2020г. Президентом Республики Узбекистан Мирзиёевым Ш.М. на встрече с учеными, молодыми исследователями, руководителями научных учреждений и представителей производства обсудил важнейшие задачи, стоящие перед отечественной наукой, где подчеркнута важность повышения практической эффективности научных разработок, адаптации исследований под нужды предприятий отрасли.

По итогам встречи составлена дорожная карта по поддержке со стороны потребителей-предприятий Института общей и неорганической химии при АН РУз (ИОНХ АН РУз), в которой определено обеспечение развития научно, практической и инновационной деятельности, а также проектов коммерциализации между предприятиями АО «Узбекнефтегаз» и ИОНХ АН РУз. При этом в разделе I подпунктом 6 определена тема “Разработка рецептуры высококачественных смазочных материалов на основе синтетических и минеральных базовых масел на нефтеперерабатывающих заводах республики”, а также внесена в пункт 9 Дорожной карты приложения 1 к протоколу выездной встречи Академии наук и ИОНХ АНРУз по “Развитию повышения эффективности научной деятельности и перспективному осуществлению совместного сотрудничества Министерства инновационного развития РУз и ИОНХ АНРУз” от 16 марта 2022года под названием “Разработка технологии получения нового состава модифицированной редукторной смазки ОСп-Уз-Э”.

Материалы и методики исследования. На основании этого с использованием коллоидно-химических подходов к решению вопросов и использования принципов нанотехнологий, нами проведены работы по разработке и внедрению различных составов модифицированной редукторной смазки ОСп-Уз-Э для сельскохозяйственной технике.

В последнее десятилетие в плане решения вопросов ресурсосбережения (нефти) все больший научный интерес вызывает использование в качестве дисперсионной среды отработанных масел.

Все виды загрязнений присутствующие в отработанных маслах в конечном результате оказывают отрицательное влияние на свойства смазки, её работоспособность и увеличение износа поверхностей трения, поэтому нами была проведена регенерация объектов исследования. Регенерация отработанного компрессорного (КП-8С) и индустриального масла (И-50) отходов АО «Навоийазот» производилась в лабораторных условиях ИОНХ АН РУз с помощью местного адсорбента опоквидных глин Кермининского месторождения находящегося в пределах Навоийского района Бухарской области [2].

Масла И-50 и КП-8С в лабораторных условиях исследовались на предмет их очистки и регенерации несколькими физико-химическими методами [3].

Изучение возможности модификации редукторной смазки ОСп-Уз TSh 39.3-225:2012, проводилось добавлением регенерированных отработанных масел в состав смазки.

Для этого были приготовлены два образца композиции редукторной смазки ОСп-Уз на основе нефтяного гудрона с добавлением депарафинизированного масла, очищенных отработанных масел и функциональных присадок (ОСП-Уз-И, ОСп-Уз-КП) [2].

Результаты исследования и обсуждение. Были проведены лабораторные испытания опытных образцов модифицированной редукторной смазки (ОСП-Уз-И, ОСп-Уз-КП) по определению их физико-химических характеристик с целью выбора оптимального варианта по составу редукторной смазки и износостойкость по диаметру пятна износа определялась на четырехшариковой машине трения при нагрузках 392Н и времени испытаний 30 мин. Результаты сравнительных испытаний сведены в таблицу 2.

Таблица 2

Сравнительные физико-химические показатели опытной композиции редукторной смазки (относительно ОСп-Уз)

№	Наименование показателя	Смазка ОСп-Уз	Опытный образец №1	Опытный образец №2	Метод испытания
1	Внешний вид	Однородная мазь от темно-коричневого до темного цвета	Однородная мазь темного цвета		
2	Коррозионное воздействие на медную пластинку	Выдерж.	Выдерж.	Выдерж.	ГОСТ 9.080
3	Массовая доля воды, не более %	0,5	0,1	0,2	ГОСТ 2477
4	Массовая доля мех. примесей, %	0,1	0,1	0,1	ГОСТ 6370
5	Массовая доля свободной щелочи в пересчете на NaOH, не более %	0,3	Отс.	Отс.	ГОСТ 6707-76
6	Вязкость условная при 100°С, условных градусах	7-12	8,60	9,0	ГОСТ 6558
7	Температура застывания, не выше °С	0	-9	-5	ГОСТ 20287
8	Диаметр пятна износа при осевой нагрузке 392 Н на 4-х шариковой машине трения, мм	0,70	0,55	0,60	ГОСТ 9490-75

В результате испытаний установлено, что опытные образцы нового состава экологически модифицированной редукторной смазки, разработанные ИОНХ АН РУз соответствует требованиям технических условий ОСп-Уз TSh 39.3-225:2012 и при определении эксплуатационных характеристик, по диаметру пятна износа, на 4-х шариковой машине трения показали лучший результат, чем у редукторной смазки ОСп, и составили соответственно 0,60 и 0,55 мм.

Установлено, что опытные образцы №1 и №2 композиции редукторной смазки по сравнению со смазкой ОСп-Уз, обладает высокими физико-химическими и трибологическими характеристиками, показатель условной вязкости составили 8,60 и 9,0 мм²/с при 100°С, более высокая температура застывания – минус 9°С и 5°С, меньше диаметр

пятна износа – 0,55 и 0,65 мм соответственно и выдерживают коррозионное воздействие на металл.

Таким образом, разработанные композиции редукторной смазки на основе гудрона добавлением присадок, особенно образец №1 обеспечивает эффективное их использование в более широком интервале температур (-9 – +100°C) при обеспечении надежной работы узлов трения машин и механизмов сельскохозяйственной техники.

Основные показатели смазок, по которым судят об эксплуатационных показателях при выборе для конкретных условий или узлов, устанавливаются ГОСТом 4.23-71. Выделяют следующие основные характеристики смазок: предел прочности, коррозионная стойкость, температура каплепадения, коллоидная стабильность, адгезия, теплоемкость, сдвиг, испаряемость, противоизносные и противозадирные показатели, внешний вид [1].

Исследования контактного взаимодействия тех или иных поверхностей трения всегда связаны с выбором определенной модели. Наиболее распространенное моделирование в виде тел правильной геометрической формы. Распределение может быть подобрано с помощью детерминированных или эмпирических функций, или на основе законов теории вероятности [4].

Кроме механического сопротивления в процессе трения необходимо преодолеть молекулярное взаимодействие между участками поверхностей. То есть, фрикционная связь имеет молекулярно-механическую природу [4].

При статическом контакте двух твердых тел адгезия обычно невелика, а на поверхностях практически всегда имеется адсорбированная пленка, уменьшающая адгезию.

Адгезионные свойства пластичных смазок зависят от ряда известных факторов, это в первую очередь их состав (дисперсная фаза) и условия использования.

Эксплуатационные испытания опытных образцов редукторной смазки (ОСп-Уз-И, ОСп-Уз-КП) проводились в узле редуктора заднего моста трактора ЮМЗ-6. Испытания проводились в течение всего периода работы агрегата. Результаты замеров анализа смазок заносились в журнал наблюдений. В ходе испытаний контролировалась температура узлов трения, содержание железа в смазке, содержание примесей.

Исследования проводились по специально разработанной методике. В процессе проведения исследования оценивалось усилие отделения «отрыва» поверхностей металлов соприкасаемых между собой через слой смазки.

Как установлено исследованиями, усилие на разрыв P пластин с нанесением на них редукторной смазкой ОСп-Уз толщиной 1 мм составляло 0,39 кН, что соответствует высоким адгезионным свойствам смазочного материала.

Аналог ОСп-Уз-И, приготовленного на основе индустриального очищенного отработанного масла с вышеуказанной дисперсной фазой, имел значение на разрыв равное 0,26 кН, а ОСп-Уз-КП, приготовленный на основе очищенного отработанного компрессорного масла с той же дисперсной фазой, 0,3 кН.

Увеличение толщины слоя смазки до 2 мм снизило адгезионные характеристики испытуемых смазок на 3-6 %, что в принципе закономерно, так как процесс «склеивания», липкости в целом не изменяется, а большая толщина слоя смазки только незначительно снижает усилие на разрыв.

При этом следует отметить, что в условиях работы подшипников толщина смазки между трущимися поверхностями редко когда превышает 1 мм.

Среди исследованных опытных образцов смазок более высокими адгезионными свойствами обладали смазки аналоги ОСп-Уз, приготовленные на основе дисперсионной среды, состоящей из отработанного очищенного индустриального масла.

Данный факт можно объяснить, прежде всего, свойством основы - индустриального масла обеспечивающего более эффективные связи.

Исследования адгезионных свойств пластичных смазок аналогов ОСп-Уз на индустриальной и компрессорной основе (отработанных моторных индустриальных и компрессорных маслах) показали, что смазки аналог ОСп-Уз-И на индустриальной основе

имели нагрузку на отрыв на 10 % больше, чем у смазки аналога ОСп-Уз-КП на компрессорной основе.

В данном случае имеет место разница дисперсионных сред смазок аналогов ОСп-Уз-И и ОСп-Уз-КП.

Как и в случае испытания аналогов смазок ОСп-Уз-И при испытаниях смазок аналогов ОСп-Уз-КП на индустриальной и компрессорной основе отмечается снижение усилия отрыва пластин при увеличении слоя смазки между ними.

В процессе испытания контролировалась температура нагрева подшипников, потеря массы смазки за период испытаний, износ дорожек качения - под микроскопом, содержание железа в смазке, в зависимости от нагрузки на подшипниках.

В результате стендовых испытаний установлено, что в зависимости от времени работы температура нагрева обоих подшипников увеличивалась. Анализируя характер изменения температуры, установлено, что все исследуемые образцы смазок в зависимости от времени работы имели температуру на подшипниках не превышающую 50 °С.

Исследования проводились в режиме сравнительных испытаний товарной смазки Нигрол и их аналогов на компрессорной и индустриальной основе, в качестве которой использовалось очищенное отработанное масло.

Лучшее значение имела товарная смазка Нигрол по сравнению с экспериментальными аналогами, образец смазки на индустриальной основе показал более низкую температуру нагрева обоймы подшипника после 3 часов испытаний по сравнению с товарной смазкой. Увеличение нагрузки на подшипниках привело к значительному изменению температуры нагрева обоймы подшипников.

Следует отметить, что увеличение нагрузки с 10 Н до 20 Н, привело к резкому росту температуры во времени. А смазка на компрессорной основе после 2 часов работы привела к нагреву обоймы подшипника до 120 °С.

Повышение нагрузки до критических значений 30 Н делает смазки Нигрол практически малопригодными к использованию и в случае со смазкой ОСп-Э-КП произошло заклинивание подшипников. Подшипник, работающий на смазке ОСп-Э-И (на индустриальной основе) продолжал вращение, т.е. оставался работоспособным.

Исследования свойств Нигрола и экспериментальных аналогов показали, что данные смазки, имеющие более высокие трибологические характеристики и эксплуатационные свойства, в подшипниках, работающих под нагрузкой, обеспечивают более высокую работоспособность узлов трения.

Установлено, что экспериментальные смазки способны более длительно работать при высоких нагрузках. При этом температура нагрева подшипника при максимальной нагрузке 30 Нм не превышала 100 °С, за исключением образца ОСп-Э-КП, а экспериментальный образец ОСп-Э-И на 5... 10 °С снижает нагрев, соответственно изменяет характер трения и износа деталей подшипников по сравнению с товарным Нигролом.

При температурах 20-30°С и незначительных нагрузках смазки сохраняют приданную им «форму», не выбрасываются при вращении подшипников из открытых узлов трения и не сползают с наклонных и вертикальных поверхностей. При повышении нагрузки, и увеличении температуры, смазки деформируются, могут становиться текучими. При этом естественным образом изменяется толщина пленки между объектами трения, что приводит к повышенному износу трущихся деталей [5].

В результате проведенных исследований на стенде моделирующим работу подшипника, частота вращения подшипников на валу составила 1380 об/мин, что создает условия к центробежному уносу смазки при повышении температуры.

Для установления эффективности работы смазок и определения структурных изменений определялись потери массы смазки во времени в зависимости от температуры нагрева смазки при постоянной частоте вращения подшипника и постоянной нагрузке.

Установлено, что потеря масс смазки в подшипниках зависит от температуры нагрева смазки, обеспечиваемой увеличением нагрузки на подшипник и увеличением времени

испытаний (работы подшипника).

Наименьшие потери в процессе вращения подшипников зафиксированы при испытании смазки ОСп-Э-И и товарного Нигрола -1,2г. Данные факты можно объяснить более высокими вязкостно - температурными характеристиками смазки ОСп-Э-И по сравнению с ОСп-Э-КП.

Полученные результаты коррелируются и с более высокими адгезионными свойствами Нигрола.

В процессе проведения стендовых испытаний наиболее важной и информативной характеристикой работы смазки является способность смазки снижать износ. Для наших условий износ определялся по характеру изменения поверхностей дорожек качения контролируемых под микроскопом с проведением микрофотосъемки. На рисунке 1 а, б, в, г, д, е показаны следы износа дорожек качения неподвижных обойм подшипников до и после их испытаний в течение 3 часов.




Отделочные плиты на основе композиционного гипса рекомендуется использовать в энергоэффективном строительстве в виде плит для отделки внутренних стен зданий, с целью обеспечения теплоизоляции внутри помещения, а также при обработке водостойкими составами и для внешней отделки фасадов.

Список литературы

- [1]. Melg'nichenko L.G., Saxarov B.P., Sidorov N.A. *Texnologiya silikatov /Pod red. Matveeva M.A.-M.:Vqsshaya shkola, 1969.-360 s.*
- [2]. Mirzajanov Mimirjon Alimovich, Otakulov Bakhromjon Adhamovich, Kuziboev Shoirjon Shavkat O'Gli, & Khamidov Adkhamjon Inomjonovich (2022). Importance of sulphate-resistant Portland cement in construction. *Ta'lim fidoyilari, 22 (7), 65-68.*

- [3]. Mirzajanov Mampirjon Alimovich, Otakulov Bakhromjon Adhamovich, Kuziboev Shoirjon Shavkat O'Gli, & Khamidov Adkhamjon Inomjonovich (2022). The effect of high temperatures on Portland cement stone. Ta'lim fidoyilari, 22 (7), 62-64.
- [4]. Mirzajanov Mampirjon Alimovich, Khamidov Adkhamjon Inomjonovich, Otakulov Bakhromjon Adhamovich, Kuziboev Shoirjon Shavkat O'Gli (2022). Use of plasticized Portland cement. Ta'lim fidoyilari, 22 (7), 69-72
- [5]. Voljenskiy A.V. Mineralgpnqe vyajuopie veshstva. M., Stroyizdat. 1979.

УДК 728.6.697.5

**ҚУЁШ ИСИТИШ ТИЗИМИНИ ҚУРИЛИШ-ИҚЛИМИЙ ЗОНАЛАРГА МОС
ТАРЗДА ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ
ЭНЕРГИЯСАМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Н.Н. Норов¹, А.Х. Мингяшаров², Ю.Ж. Худайназарова²

¹Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги

²Тошкент архитектура-қурилиш институти

(тел.90-320-46-46, e-mail.: n.norov@mail.ru)

(Қабул қилинди 24.09.2022 й.)

Мақолада Ўзбекистоннинг қурилиш-иқлимий зоналарини инобатга олиб турар-жой биноларини қуёш нури билан иситишда пассив тизимлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашнинг ечими бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: қуёш иситиш тизими, пассив тизимлар, актив тизимлар, қурилиш-иқлимий зоналар, иссиқлик изоляцияси, энергиясамарадорлик, қайта тикланувчи энергия манбаи, қуёш радиацияси, қуёш батареялари, ланшафт, яшил зона.

В статье представлены рекомендации по решению проблемы обеспечения эффективности использования пассивных систем солнечного отопления жилых домов с учетом строительно-климатических зон Узбекистана.

Ключевые слова: солнечная система отопления, пассивные системы, активные системы, строительные и климатические зоны, теплоизоляция, накопление энергии, возобновляемые источники энергии, солнечное излучение, солнечные батареи, ландшафт, зеленая зона.

The article presents recommendations for solving the problem of ensuring the efficiency of using passive solar heating systems for residential buildings, taking into account the building and climatic zones of Uzbekistan.

Keywords: solar heating system, passive systems, active systems, building and climatic zones, thermal insulation, energy storage, renewable energy sources, solar radiation, solar batteries, landscape, green area.

Қуёш иситиш тизимини қурилиш-иқлимий зоналарга мос тарзда қўллаш орқали турар-жой биноларининг энергия самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик ўтказишга келтирилган қаршилиги, ҳаво ўтказувчанлиги ва иссиқбардошлиги ШНҚ 2.01.04 норматив ҳужжат билан ўрнатилгандан паст бўлмаслигини;

иситиш, вентиляция, ҳавони кондиционерлаш ва иссиқ сув таъминоти муҳандислик тизимлари ва ускунаси энергия тежамкор, автоматик ва қўл билан бошқарилишга эга, ҳамда ШНҚ 2.04.05 ва ШНҚ 2.04.16 норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини.

Бинонинг оптимал техник-иқтисодий кўрсаткичларига эришиш ҳамда иситиш ва кондиционерлашга нисбий солиштирма энергия сарфларини қискартириш мақсадида қуйидагиларни қўллаш тавсия этилади:

қурилиш ҳажми бирлигига тўғри келадиган ташқи тўсиқ конструкцияларининг мумкин бўлган энг кам юзасига эга биноларнинг энг ихчам ҳажмий-тарҳий ечимини. Бинолар ихчамлиги йўл қўйилган даражада корпус кенглигини ошириш ва қаватлар сонини

кўпайтириш ҳисобига, табиий ёритиш ва шамоллатиш талабларидан келиб чиқиб, хоналарни мақсадга мувофиқ блокировка қилиш ҳисобига эришилади;

бино ва унинг хоналарини совуқ шамол ва қуёш радиацияси оқимларининг афзалроқ йўналишларини ҳисобга олиб, қутб томонларига нисбатан ориентацияни;

чиқиб кетаётган ҳаво ва оқова сувларни утилизация қилиш (қайта қўллаш), энергиянинг қайта тикланувчан манбаларидан (қуёш, шамол ва бошқалар) фойдаланиш лозим[3].


Қуёш энергиясидан фойдаланиб пассив тизимларда биноларни иситишда илм-фан тараққиёти илғор усулларни тақдим этмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган қурилиш технологиялари биноларни лойиҳалаштиришда бино барпо этилаётган жойнинг иқлим шароити, фойдаланилаётган қурилиш материаллари ҳисобга олинишини назарда тутати. Бу қурилиш ниҳоясига етгач, бинони ёритиш, иситиш ёки совутиш учун қуёш энергиясидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишда зарур. Қурилишни лойиҳалаштиришда бино тузилиши ўзида қуёш энергиясини тўплайдиган 1-расмда келтирилган коллектор вазифасини ўтайди. Хусусан, турар-жой биноларини лойиҳалаштириш ва қуришда жануб томонга қараган деразалар кўп бўлиши кўзда тутилади. Шундагина қишда дераза орқали қуёш нури кўпроқ тушиб, уйга илқик киради. Ёзда эса қуёш нури тушишини камайтириш мақсадида бинонинг шарқий ва ғарбий томонларида деразалар кам бўлиши керак.



1-расм. Пассив қуёш иситиш тизимли лойиҳа.

Мана шундай лойиҳа асосида қурилган уйлар қишда ёруғ ва иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бундай биноларни лойиҳалаштиришда деразаларнинг жойлашуви, кираётган иссиқлик ва иссиқлик изоляцияси ягона конструкторлик тизимини ташкил қилади. Экологик тоза, ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиган шинам биноларда табиий ёруғлик кўп бўлади ва натижада иссиқлик энергияси анча тежалади. Деворлар, шифт ва полнинг иссиқлик изоляцияси материаллари билан қопланиши бундай биноларда иссиқликнинг кўпроқ вақт сақланиб туришини таъминлайди. Сўнгги вақтларда экологик мусоффоликка интилиш кучайиб бораётгани боис қайта тикланадиган энергетика тизимларига эга бу каби “яшил” лойиҳалар сони ортмоқда [4].

Қуёш энергиясидан фойдаланиб актив тизимларни биноларни иситишда қўллаш учун олимларнинг таъкидлашича, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича актив тизимлар асосини 2-расмда келтирилган қуёш батареялари – қуёш энергиясини қабул қилиб, ўзгартирадиган модуллар тўплами ташкил қилади. Аксарият ҳолларда қуёш



2-расм. Актив қуёш иситиш тизимли лойиҳа.

батареялари ҳақида сўз борганда, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган мослама назарда тутилади. Қуёш батареялари электр энергиясини мунтазам ишлаб чиқариш ёки кейинчалик фойдаланиш учун уни тўплаш имкониятига эга. Бундай батареялар илк бор фазо йўлдошларида фойдаланилган.

Қуёш батареялари тузилишининг оддийлиги, ўрнатишнинг осонлиги, кўп хизмат талаб этмаслиги ва узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Ўрнатиш учун қўшимча жой талаб қилмайди. Сояда узоқ вақт қолдирмаслик ва юзасидаги чангни ўз вақтида артиб туриш ундан фойдаланишнинг ягона шартидир. Бундай батареялар нафақат қуёшли кун, ҳатто булутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади. Замонавий қуёш батареялари ўн йиллар давомида ишлаш қобилиятини сақлаб қолади. Хавфсизлиги, самарадорлиги ва узоқ муддат ишлаши билан ажралиб турадиган бундай тизим камдан-кам учрайди. Бугунги кунда қуёш энергиясини ўзида тўплайдиган аккумулятор манбалари ўрнатилган бинолар кўплаб қурилмоқда. Қуёш батареялари бинолар томи ёки махсус таянчларга ўрнатилади[5].

Қуёш энергияси, шубҳасиз, келажак энергиясидир. Бугунги кунда дунё мамлакатлари газ ва нефть нархининг ошиши сабабли анъанавий ёқилғи турларидан воз кечмоқда. Аксарият мамлакатларда қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармонида “Ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш” Миллий дастурини ишлаб чиқиш, бунда:

«Янги Ўзбекистон массивлари» давлат дастурлари доирасида қуриладиган уй-жой, ижтимоий ва тижорат объектларини қуришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи қурилмалардан кенг фойдаланиш;

хусусий сектор, ижтимоий соҳа ва маҳаллий бошқарув органлари объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш; ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишини рағбатлантириш чораларини кўллаш;

камбағал аҳоли қатламларига қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш борасида давлат томонидан рағбатлантириш ва молиялаштириш механизмларини белгилаш вазифалари белгилаб берилган [2].

Ўзбекистон шароитида турар-жой биноларини лойиҳалаш СанПиН 0146-04 ва ШНҚ 2.01.01 норматив ҳужжатларга мувофиқ қурилиш-иқлимий зоналарига мос равишда, зоналар ва зона остилар асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак:

I зона - саҳро иқлими таъсирида бўлган, ўта ноқулай ёзги шароитга эга ҳудудлардан иборат. I зонада айниқса юқори давомли жазирама даврли IA ва IB зона остилар, ҳавоси юқори даражада чангли IA, IB ва IG зона остилар ажратилган, IG зона ости совуқ қиши билан ажралиб туради.

II зона - тоғолди воҳалар, табиий-иқлимий ва ландшафт шароитлари нисбатан яхши бўлган водийлар ва ясситоғли туманлар.

III зона - тоғли ҳудудлар — ўта ноқулай экстремал қишги шароитлари билан ажралиб туради.

I қурилиш-иқлимий зонада турар-жой биноларининг архитектура-тарҳий ечимлари истиқоматгоҳни ёзги жазирама, шунингдек шамол ва чангдан ҳимоялашни таъминлаши керак. Яшаш хоналарини чанг-тўзон таъсиридан ҳимояланган ҳовли бўшлиқларига очилишини таъминлайдиган, максимал кенг корпусли турар-жой уйларнинг ихчам қурилган ёки ярим қурилган композицион-тарҳий ечимларини қўллаш тавсия қилинади;

кўпқаватли уйларда уй структураси ичига «чукур киритилган» ойнаванд пешайвонлар, камқаватли уйларда эса ёпиқ ҳовлилар қўллаш мақсадга мувофиқдир.

II қурилиш-иқлимий зонада архитектура-тархйй ечимлар иқлимнинг оромбахш шароитларидан максимал фойдаланишга, шу билан бир вақтда истиқоматгоҳни ортикча жазирамадан ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Жазирамадан ҳимоялаш соябонлаш, истиқоматгоҳни ташқи кўкаламзор муҳитга очиш, оромбахш салқин шамоллар йўналишини ҳисобга олган ҳолда шамоллатиш ҳисобига таъминланади.

III қурилиш-иқлимий зонада архитектура-тархйй ечимни танлашда етакчи омил, бу истиқоматгоҳни қиш даврида ўта ноқулай иқлим таъсиридан ҳимоялашдир. Истиқоматгоҳ ва пешайвонлар асосан жанубий (жануби-шарқ, жануби-ғарб) уфққа қаратилган, ихчам композицион-тархйй ечимлар қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Турар-жой биноларини планировкаси, жойланиши ва уфққа нисбатан ўрни яшаш хоналарининг 22 март - 2 сентябр даврида узлуксиз давом этадиган инсоляцияси 2,5 соатдан кам бўлмаслигини таъминлаши керак; кун давомида инсоляциянинг умумий вақти 0,5 соатга ошганда яшаш хоналарини инсоляцияси бир марта узилишига йўл қўйилади.

Турар-жой бинолари уфққа нисбатан ноқулай жойлашганда яшаш хоналарини ортикча қуёш радиацияси ва исиб кетишдан сақлаш кўзда тутилиши керак. I ва II зоналарда яшаш хоналари деразалари уфқнинг ғарбий қисмига 200 - 290° оралиғида қаратилмаслиги керак. Уфқнинг кўрсатилган қисмига: иккихонали квартирада — битта хонани, учхоналикда-иккитагача, ётоқхоналарда — офтобдан соябон қурилмаси бўлганда ёки махсус ойнакланган бўлса, кўпи билан 25% яшаш хоналари қаратилишига йўл қўйилади.

I ва II зоналарда яшаш хоналари уфқнинг 200 - 290° секторига қаратилганда офтобдан ташқи соябон қурилмалари қўлланилиши керак; турар жой қулайлиги «яхшилланган» ва «юқори» классида офтобдан соябон қурилмаси: I зонада — 70 - 290° оралиғида, II зонада — 180 - 290° оралиғида қўлланилиши тавсия этилади.

II зонада 1 - 4 қаватли биноларда офтобдан соябон кўкаламзорлаш воситаси билан таъминланади. I зонада кўкаламзорлаш ҳисобига эришиладиган офтобдан соябон 2-қаватгача бўлган биноларда самаралидир. IA ва II остзоналарда сидирға (ёриқларсиз) соябон тавақалари қўллаш тавсия этилади[3].

Бугун иқлим ўзгариши инсоният олдида турган энг жиддий муаммо экани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Иқлим ўзгариши инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини олдини олиш ҳамда янги ҳаёт шароитларига мослашиш бўйича кечиктирилмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда[1].

Иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- иссиқхона газларини камайтириш. Бунинг учун биринчи навбатда ишлаб чиқариш корхоналари, Иссиқлик электр станциялари ва бошқа атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи ташкилотларда экологик тоза технологияларни жорий этиш орқали атмосферага ташланаётган иссиқхона газлари миқдорини камайтириш зарур;

- ёкилгилар сифатини янада яхшилаш. Экологик тоза транспорт воситаларини кўпайтириш, шу жумладан кенг жамоатчилик учун қулай бўлган велойўлакчалар ташкил этиш ўз навбатида иссиқхона газлари миқдорини камайтиради;

- кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш. Табиий дренаж ҳисобланган кўп йиллик дарахтларнинг экилиши ҳудуддаги микроиқлимни юмшатишга сабаб бўлади. Шунингдек, Кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни, айниқса шаҳар ва автомобил йўллари четида яшил ҳудудларни кенгайтириш зарарли моддалар миқдорини камайишига хизмат қилади;

- сувдан оқилона фойдаланиш. Томчилаб суғоришни ташкил этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам ўз навбатида иқлим ўзгаришларига мослашиш учун хизмат қилади;

- яшил иқтисодиётни ривожлантириш, яъни чиқиндисиз технологиялар. Энергиятежамкор, ресурстежамкор, чиқиндисиз, кам чиқиндили технологиялардан

фойдаланишни жорий этиш ёки бошқачароқ қилиб айтганда мамлакатда яшил иктисодиётни жорий этиш зарур;

- қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш. Куёш, шамол энергияларидан фойдаланиш билан биргаликда атом энергетикасини ривожлантириш орқали атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини олдини олиш орқали иқлим ўзгаришлари оқибатларини маълум бир даражада камайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда:

1. Ўзбекистоннинг географик ва иқлим шароити учун кўп кунлик об-ҳаво яхши бўлган куёш иситиш тизимлари орасида пассив куёш иситиш тизимларига устунлик берилди. Уйларни шундай лойиҳалаш керакки, махсус жиҳозлардан фойдаланмасдан бинонинг ўзи унга келадиган куёш энергиясидан максимал даражада фойдаланади.

2. Пассив куёш иситиш тизими технологиясини амалий қўллаш учун зарур ҳарорат режимини таъминлаш мақсадида бинонинг иссиқлик барқарорлигини хоналарнинг ички микроиқлимнинг ҳарорат параметрларига таъсирини ўрганиш керак.

3. Тенг шароитларда пассив куёш иситиш тизими актив тизимдан икки баравар самаралидир, чунки у нисбатан паст ҳароратда ишлайди, бу хона ҳароратидан атиги 5 ... 15°C га ошади. Пассив тизимнинг афзалликлари, шунингдек, ярим очиқ об-ҳавода узлуксиз кирувчи куёш энергиясидан фойдаланишда ҳам намоён бўлади. Бундай ҳолларда, куёшни қабул қилувчининг инерцияси туфайли, актив тизим фойдали иссиқлик ҳосил қила олмайди. Пассив тизимларнинг иссиқлик баланси, ҳатто тўлиқ булут қопламаси бўлган баъзи ҳолатларда ҳам ижобийдир.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги № 305 F-сонли фармойишининг “Иқлим ўзгаришининг Ўзбекистондаги оқибатларини юмшатиш бўйича қисқа ва ўрта муддатли чора-тадбирлар режаси”.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури.
- [3]. ШНҚ 2.08.01-19 “Турар жой бинолари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.
- [4]. Норов Н.Н. “Энергиясамарадор ва энергиятежамкор биноларни қуриш, табиат ва атроф муҳитга етадиган зарарни камайтиради. Мақола, “Ўзбекстон Бунёдкори” газетаси 2022 йил 18 мартдаги № 20-21-сон.
- [5]. Жук П.М. Значение материалов для повышения энергоэффективности зданий // Энергоснабжение. 2016. № 4. С. 46–53. Режим доступа: http://abok.ru/for_spec/articles/32/6426/6426.pdf.

UO*К 656.25

МИКРОELEKTRON IMPULS VA KOD UZATGICHLARNI YARATISH HAMDA ULARNING FUNKSIONAL SXEMASINI ISHLAB CHIQUISH

N.M. Aripov, Z.F. Mirzaraxmedov, Sh.B. Djabbarov, B.B. Rahmonov

Toshkent davlat transport universiteti

Toshkent davlat transport texnikumi, Mashinistlar tayyorlov markazi

aripov_nm@mail.ru, zafar3086@mail.ru, shuhratassistant@gmail.com, rahmonov1991@mail.ru.

(Qabul qilindi 25.07.2022y.)

This article will focus on the construction of functional circuits that guarantee the most convenient support in the Proteus program—a combined microelectronic code transmitter that performs the functions of a TSH-65 and TSH-2000 relay, serving to transmit codes in areas equipped with auto-locking and automatic locomotive signaling.

Keywords: *transmission codes, microelectronic devices, software program, relay, transmitter, automatic locomotive alarm, auto-lock.*

В данной статье речь пойдет о построении функциональных схем, гарантирующих наиболее удобное обеспечение в программе Proteusi комбинированном микроэлектронном кодовом

передачке, выполняющей функции реле ТШ-65 и ТШ-2000, служащим для передачи кодов на участках, оборудованных автоблокировкой и автоматической локомотивной сигнализацией.

Ключевые слова: кодовый передатчик, микроэлектронное устройство, программа обеспечения, реле, трансмиттер, автоматическая локомотивная сигнализация, автоблокировка.

Ushbu maqolada, avtoblokirovka va avtomatik lokomotiv signallashtirish bilan jixozlangan uchastkalrda kodlarni jo'natish uchun xizmat qiladigan TSH-65 va TSH-2000 rele si vazifasini bajaradigan birlashtirilgan mikroelektron kod uzatgich qurilmasi Proteus dasturida eng qulay dasturiy ta'minot bilan ta'minlash va funksional sxemalarni tuzish haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: kod uzatgich, mikroelektron qurilma, dasturiy ta'minot, rele, transmitter, avtomatik lokomotiv signalizatsiyasi, avtoblokirovka.

Yo'l transmitter relolarining kontaktlari dinamik ravishda uzluksiz ishlaish oqibatida tez emiriladi. Avtoblokirovka va avtomatik lokomotiv signallashtirish vositalarini ishlash ishonchlilik darajasini yuqori qatlamda ushlab turish uchun har yili kontaktli transmitterlarni profilaktik ko'zdan kechirish va ta'mirlash, shu jumladan ishqalanish orqali tashkil qilinadigan qismlarini moylash, emirilgan kontaktlarni esa yangilariga almashtiriladi [1, 2].

Chet davlatlarda ishlab chiqarilayotgan zamonaviy kod uzatgichlarni "O'zbekiston temir yo'llari" AJ tasarufidagi avtomatika va telemexanika qurilmalarida foydalanishda ularni sotib olish va olib kelish muammolariga ucharalmoqda. Bu muammolarni bartaraf etish chorasi esa birlashtirilgan mikroelektron kod uzatgich (BMKU) larni ishlab chiqarish hisoblanadi.

Микроelektron kod uzatgich yo'l transmitterining funksional sxemasi ishlab chiqish

Микроelektron kod uzatgichning quyidagilar qulayliklarga ega:

- ishlash jarayonida xatoliklarga yo'l qo'yilganda ushbu jihozlarni o'z-o'zini nazorat qilish imkoniyati;

- mikroelektron mayatnikli jihozning kichik o'lchamdaligi;
- kontaktsiz elementlardan foydalanilganligi sababli kontakt emirilishi muammosi yo'qligi;
- xizmat ko'rsatish davrining uzoqligi va osonligi;
- tannarxining arzonligi;
- energiyatejamkorligi.

Quyida BMKU qurilmasining funksional sxemasi 1-rasmda tasvirlangan. BMKU funksional sxema MKXM, TaB, MK1, MK2, DSH bloklaridan tashkil topgan.


Ularning yonishi fotodiod orqali amalga oshiriladi, bu esa tok oqimini hosil bo'lishiga xizmat qiladi. Buning natijasida yoqilgan qurilmani boshqarish uchun mo'ljallangan simistor ishga tushadi.

Bundan tashqari qurilmani ishlab chiqish jarayonida opto – va fotosimistor kabi maxsus optoelektronik qurilmalardan foydalanish imkoniyatini beradi [3].

Qurilmada 11-12, 11-13, 21-23, 31-32, 41-42, 41-43, 51-53, 61-62, 61-63, 71-72, 71-73 va 81-83 kontaktsiz kalitlari o'natilgan.

Mikroprotessor blokining asosini ATMEGA328P sinfidagi mikrokontroler tashkil etadi. Mikrokontroler KPTSH yo'l kod transmitterida hosil bo'lgan impuls va kodlarni qabul qilib kontaktsiz kalitlarga uzatib berish vazifasini bajaradi.

MKXM – ma'lumotlarni xavfsiz kiritish moduli KPTSH bilan mikrokontrollerni xavfsiz bog'lab berish uchun kerak. TaB – ta'minot bloki mikrokontrollerni kerakli bo'lgan kuchlanish bilan




1-rasm. Mikroelektron kod uzatgich yo'l transmitterining funksional sxemasi.

ta'minlab berish uchun xizmat qiladi. MK1 – 1-mikrokontroller, MK2 – 2-mikrokontroller MK1 va MK2 larga ta'minot dasturi yozilgan bo'lib kodlarga mutonosib ma'lumotlarni taqqoslash blokiga jo'natadi. DSH –dishefrator ikkita MK1 va MK2 lar to'g'ri ishlayotganligini nazorat qilish uchun kerak . IM – indeksiyalash moduli dishefratorida qanaday kod borligiga qarab indeksiya chiroqlarini yoqib berish uchun xizmat qiladi, masalan “KJ” kodida “KJ” chirog'ini va hakazo, agarda kod kelmasa “B” chirog'ini yoqib beradi. TB – taqqoslash bloki MK1 va MK2 dan kelayotgan ma'lumotlarni o'zaro taqqoslab MK1 va MK2 dan kelayotgan ma'lumotlar mos kelagandan so'ng, kelayotgan impulslarga mos ravishda kontaktsiz kalitlarga o'tkazadi va shu kod mutonosib ravishda ularni ochib yopib beradi. KKB – kontaktsiz kalitlar bloki TB dan kelayotgan mal'lumotlar asosida shu kodlarga mos ravishda ochilib – yopilib impuls va inervallarni jo'natish uchun mo'ljallangan.

Микроэлектрон код узатгичning sxemasini ishlab chiqish

Yuqorida ko'rsatilgan funksional sxema asosida mikroelektron kod uzatgichning prinsipial sxemasi ishlab chiqildi va uning ishlashini Proteus dasturi orqali ko'rib chiqildi 2-rasm.



2-rasm. Mikroelektron kod uzatgichning Proteus dasturida sxemasi.

Proteus dasturida BMKU prinsipial sxemasi quyidagi bir nechta funksional qismlarni o'z ichiga olgan: 1. Mikroprotessor bloki. 2. Indikatsiyalash sxemasi 3. Kontaktsiz kalitlar hamda TSHning ishlashini tekshirish uchun KPTSH dan tashkil topgan.

Kontaktsiz kalitlar optron hamda simistorlardan tashkil topgan bo‘lib, boshqaradigan va boshqariladigan signallari mavjud, bu ikki signal galvanik izolyasiya hisobiga ta‘minlanadi [4].

Galvanik izolyasiya vazifasini bajaruvchi element sifatida optronlardan foydalanilgan. Bu qurilmani ishlatish uchun beriladigan kuchlanish bir vaqtning o‘zida optrondagi svetodiodga ham ta‘minot sifatida uzatiladi.

Proteus dasturi orqali mikroelektron kod uzatgichni ishlashini tekshirish maqsadida qo‘shimcha ravishda kod shakillantirgich (KPTSH) o‘rnatilgan. KPTSH qurilmasi har bir kod uchun alohida 3 ta “KJ”, “J” va “Z” tugmalari bilan jixozlangan [5].

Agarda “KJ” tugmasi bosilsa, KPTSH qurilmasining 27 blokida kuchlanish paydo bo‘lib, RS6 kirishi ishga tushadi va qurilma KJ kodini ishlab chiqib, RV0 chiqishi orqali 12-29 tarmog‘idan BMKU qurilmasining RS6 kirishga KJ kodi shaklida impulslar keladi. BMKU normal holatida PB1, PB2, PB5, PD0, PD2, PD4 hamda PD5 chiqishlaridan mantiqiy 1 (5V kuchlanish) mavjud edi.


Impuls kelgach mikroelektron qurilma o‘zining RV0, RV3, RV4 va RD1 chiqishlariga ta‘minot beradi. Buning natijasida qurilmaning R1, R13, R17 va R29 chegaralovchi qarshiliklaridan o‘tib, optronga keladi.

Optronga kelgan signalga nisbatan “Boshqaradigan” termini ishlatiladi, bunga sabab esa optron tizimni ikki qismga bo‘lib turgan bir vaqtda mikrokontrollerdan kelgan boshqaradigan (5 V) signal fotodoidni yoqadi va optronning ichidagi simistor ochiladi.

Endi esa boshqariladigan signal R2, R14, R18 va R30 cheklovchi qarshilikdan o‘tib, ochilgan optron orqali simistorning boshqaradigan elementiga keladi. Buning natijasida simistor ochiladi va 11-12, 31-32, 41-42 va 61-62 kontaktsiz kalitlarini o‘zaro tutashadi. “KJ” vaqt diyagrammasiga asosan (3-rasm) 11-12, 31-32, 41-42 va 61-62 kontaktsiz kalitlarini 230 ms davomida uzluksiz tarzda impuls etkazib berish uchun ulangan holatda qoladi.

Vaqt taymerida 230 ms o‘z nihoyasiga etgach 11-12, 31-32, 41-42 va 61-62 kontaktsiz kalitlarini uzilishi uchun ketadigan 70 ms kechikish vaqti boshlanadi. Bu kechikish vaqtlari tugagandan so‘ng mikroelektron kod uzatgichning PD3 chiqishida 5 V kuchlanish paydo bo‘ladi. 2-blok orqali R37 chegaralovchi qarshiliklaridan o‘tib, optronga keladi. Optronga kelgan boshqaradigan signal fotodoidni yoqadi va optronning ichidagi simistor ochiladi. Boshqariladigan signal esa R37 cheklovchi qarshilikdan o‘tib, ochilgan optron orqali simistorning boshqaradigan elementiga keladi va simistor ochiladi va 71-73 kontaktsiz kalitlarini tutashtiradi, bu tutashuv 570 ms davom etadi. Vaqt taymerida intervalning tugashini 80 ms kechikish tugashi bilan 2-impuls kelishi boshlanadi va yuqoridagi tartibda 11-12, 31-32, 41-42 va 61-62 kontaktsiz kalitlari ulanadi. Bu kontaktsiz kalitlarning uzilishi 71-72 kontaktsiz kalitlarini tutashtiradi. 71-73 kalitlar 570 ms tutashgan holatda qoladi vaqt taymer esa 570 ms sanagach kalitlar uziladi.

Shu bilan birinchi aylanma jaryon o‘z nihoyasiga etadi va interval tugashining kechikish vaqti hisoblangan 80 ms tugamasdan ikkinchi aylanma jarayon boshlanadi va mikrokontroller yuqoridagi jarayonlarni yana boshidan boshlaydi. Indikatsiya blokida esa “KJ” kodi kelayotganligini bildiradigan chiroq yonib turadi. Bu jarayon rels zanjirlarida kod almashgunicha (KPTSH qurilmasidagi boshqa tugma bosilmagunicha) davom etadi.



3-rasm. TSH-65 va TSH-2000 transmitter relolari uchun “KJ” kodida impuls vv intervallarining vaqt tavsiflari diagrammasi.

Qurilmaning ishlash prinsipi hamma kodlar uchun bir hildir, ammo 3-rasmdagi ko'rsatgichlar bo'yicha impulslar va intervallar sonlari va davomiyligi bo'yicha farqlanadi. Indikatsiya blokida esa "KJ" chiroq o'rniga mos ravishda "J" va "Z" chiroqlari yonib turadi.

Boshlang'ich tekshiruv jarayonida takt generatori, vaqt hisoblash taymeri, indekatsiyalarni yoqish va qayta ishga tushirish sxemalari va ta'minot dasturining quyidagi rejimlarga qayilishini amalga oshiriladi:

Boshlang'ich sozlash amallari:

- mikrokontroller turini o'rnatish;
- himoya biti o'chirilgan, WDT o'chirilgan;
- standart XT - generator.
- maxsus maqsadlardagi registrlarning holatini aniqlash;
- chiqish uchun B portni sozlash;
- chiqish uchun D portni sozlash;
- kirish uchun C portni sozlash;
- maxsus maqsadlardagi registrlarning holatini aniqlash;
- 1, 2 va 3-registrlarni yarim davrli vaqt hisoblagichi sifatida sozlash;
- PC6 ni 1 ga tekshirish;
- agar 0 bo'lsa, PB1, PB2, PB5, PD0, PD2, PD3, PD4, PD5 chiqishlarni 1 ga qo'yish;
- agar 1 bo'lsa, RV0, RV3, RV4 va RD1 chiqishlarini 1 ga qo'yish;
- dasturning boshlanishiga qaytish;

So'ngra dastur o'z-o'zidan sikllanadi va port signalining potensialini o'zgartirish uchun uzilish bo'lguncha shunday holatda qoladi.

Xulosa

Yuqorida birlashtirilgan mikroelektron kod uzatgich qurilmasining Proteus dasturida asosida foydalanilganda dasturiy ta'minotni ishlash algoritmi ko'rsatilgan. Bu algoritmda bir impuls va interval ko'rsatilgan bo'lib hamma kodlar uchun portlarning normal holati bir xil bo'ladi. Faqatgina kelayotgan kodga mutonosib ravishda portlarning ishlab turish vaqti va kod mos imuls va intervallar soni o'zgaradi. Masalan "KJ" kodi uchun yuitta imuls va bitta interval bo'lsa "J" kodi uchun ikkita impuls va ikkita interval bo'ladi. Dasturiy ta'minotda hamma kirish va chiqishlar "KJ", "J" va "Z" kodlari uchun bir tartibda ishlaydi, ammo impulslar va interval davomiyligi bir – biridan farq qiladi.

Adabiyotlar

- [1]. Сапожников Вал. В. Применение кодов с суммированием при синтезе систем железнодорожной автоматики и телемеханики на программируемых логических интегральных схемах / Вал. В. Сапожников, Вл. В. Сапожников, Д. В. Ефанов // Автоматика на транспорте. – 2015. – Т. 1. – № 1. – С. 84–107.
- [2]. Автоматика и телемеханика на железнодорожном транспорте: учеб. пособие / Вал. В. Сапожников, Л. И. Борисенко, В. В. Лыков, В. П. Молодцов; под ред. Вал. В. Сапожникова. – ФГБОУ «Учебно-методический центр по образованию на железнодорожном транспорте», 2011. – 288 с.
- [3]. Методы построения безопасных микроэлектронных систем железнодорожной автоматики / Вал. В. Сапожников, Вл. В. Сапожников, Х. А. Христов, Д. В. Гавзов; под ред. Вл. В. Сапожникова. – М.: Транспорт. – 1995. – 272 с
- [4]. Арипов Н.М., Рихсиев Д.Х. Микропроцессорные технологии в системах железнодорожной автоматики и телемеханики // Международная научно-практическая конференция «Наука Евразии». Москва, 31 октября 2018 г.
- [5]. Арипов Н.М., Шакирова Ф.Ф. Развитие и современное состояние кодогенераторов железнодорожной автоматики и телемеханики // Академические исследования в области образования, №2 (1), 750-755. 2021.

КАТТА ТОКЛАРНИ ВА КУЧЛИ МАГНИТ МАЙДОНЛАРИНИ ОПТОЭЛЕКТРОН
УСУЛДА ЎЛЧАШ

О.С. Райимжонова

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
Фаргона филиали
(Қабул қилинди 24.08.2022 й.)*

Мақолада Метрология соҳасини замонавий қурилма ва асбоблар билан уйғунлигини таъминлаш учун, яримўтказгич материаллар, эффектлар ва хусусиятларни топиб соҳага жалб этиш усуллари ва Яримўтказгич юпқа пардалари, диэлектрик тагликка анизатроп буғлатиш (молекуляр тагликка қиялатиб ўтказилади) йўли билан олинган намуналарда ҳам аномал юқори фотокучланиш генерацияси кузатилади (АФК-эффект).

Калим сўзлар: АФК-эффект, p-n-ўтиш, ФМЭ-эффекти, микрокристалчалар.

В целях обеспечения гармонии области метрологии с современными приборами и приборами, методами поиска и притяжения полупроводниковых материалов, эффектов и свойств поля и полупроводниковых тонких пленок, в образцах, полученных анизотропным методом, также наблюдается генерация аномально высокого фото напряжения. испарение на диэлектрическую подложку (проходит наискось к молекулярной подложке) (АФК-эффект).

Ключевые слова: АФК-эффект, p-n-переход, ФМЭ-эффект, микрокристаллы.

In order to ensure the harmony of the field of Metrology with modern devices and instruments, methods of finding and attracting semiconductor materials, effects and properties to the field and semiconductor thin films, anomalous high photovoltage generation are also observed in samples obtained by anisotropic evaporation on a dielectric substrate (passed obliquely to a molecular substrate). (AFK-effect).

Key words: AFK-effect, p-n-junction, FME-effect, microcrystals.

Кириш. Маълумки, ҳозирги фан-техниканинг жадал ривожланиш даврида ўлчаш ва назорат қилиш каби метрологик хизматлар зарурияти мавжуд бўлмаган халқ хўжалигининг ҳеч бир соҳаси фаолият олиб бормайди. Метрология соҳасини замонавий қурилма ва асбоблар билан уйғунлигини таъминлаш учун, яримўтказгич материаллар, эффектлар ва хусусиятларни топиб соҳага жалб этиш ва юқори самарадор, функционал имкониятлари кенг оптоэлектрон тизимлар яратиш имкониятини ошириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва суратини жадаллаштириш, натижада метрологияда оптоэлектрон (оптик) усулда катта тоқларни (магнит майдонини) ўлчаш, масофадан назорат қилиш катта муаммо ҳисобланади. Мазкур ишда бу муаммони ҳал қилишни баъзи ечимлари устида олиб борилган илмий тадқиқотнинг дастлабки олинган натижаларини келтирилган. Маълумки [1] қаттиқ жисмларни баъзи яримўтказгич ва диэлектрик материаллар кристалл (квазимоно, поликристал) аморф тузилмаларни анизотроп ёритиш натижасида ҳам уларда аномал юқори оптокучланишнинг генерацияси ($V_{AFK} > E_g$) кузатилади. Яримўтказгич юпқа пардалари, диэлектрик тагликка анизатроп буғлатиш (молекуляр тагликка қиялатиб ўтказилади) йўли билан олинган намуналарда ҳам аномал юқори фотокучланиш генерацияси кузатилади (АФК-эффект). Зона назариясига мувофиқ фотокучланиш катталиги тақиқланган зона кенглигидан (Δ_d) кичик бўлиши керак. Амалда баъзи намуналарда аномаль юқори фотокучланишни бир неча юзлаб вольтгача олишга эришилган [2]. Яримўтказгичларнинг квазимонокристалл ва поликристалл структуралари бир жинсли эмас (БЖЭ) гетероген тузилишга эга бўлиб, улар чизикли ўлчамлари ўртача 10^{-5} - 10^{-1} смга тенг бўлган микрокристалчалардан ташкил топган кўшни микрокристалчалар оралиғида алоҳида хусусиятли қатламчалар вужудга келади. Тадқиқ қилинаётган материал микрокристалчаларнинг оралиқ кўшни соҳаларни электрўтказувчанлиги қаршиликлари ва бошқа хусусиятлари билан ҳам бошқа яримўтказгичли материаллардан фарқ қилади. Агар микрокристалчалар ва улардаги оралиқ қатламчаларнинг электрўтказувчанлиги ҳар хил типли бўлса, чегара (микроразрарчалар) соҳаларида гамо ёки бета типдаги ўтишлар

жойлашади. Оралик қатлам ва микро заррачалар бир хил ўтказувчанлик типиди бўлса қотиш гитеропереход ёки Шоттки потенциал тўлқинлари вужудга келади. Аномаль юқори фотокучланиш бериладиган структуралар супер кўп сондаги қатламларнинг мавжуд кетма-кет қаторларидан иборат бўлиб, унинг ҳар бир элементи микрофотоэлемент вазифасини бажаради. Бундай структуравий р-п-ўтишларнинг ҳар бир сантиметрида 10^5 микрофотоэлемент бўлади [3,4]. Бундай супер қатламли структуралардаги ҳар бир микрофотоэлементда қатор/қатлам (кТ/қ) да ҳосил бўлган фотокучланишлар кўшилиб аномаль юқори фотокучланишни ҳосил қилади [5]. Табиийки, ҳар бир элементдаги элементар фотокучланишнинг ҳосил бўлиш табиати ҳар хил бўлиб, модель ёки вентиль (р-п-ўтиш) характерида бўлиши мумкин.

Бир жинсли яримўтказгичлар ва моно р-п-у ўтишларда орада кузатиладиган фотокучланиш $1 \div 10$ мкВ/э лардан ошмайди. Бир жинсли супер кўп қатламли яримўтказгични структураларда масалан, АФК-элементларда, фотомагнит элементларда ФМЭ-эффект воситаларида ҳосил бўладиган фотомагнит кучланишнинг кескин ортиши кузатилади. [6,7,8]. Муаллифлар ФМЭ-эффектни кузатиш учун яримўтказгичлардан (CdTe ва $Sb_2 Se_3$) 0,7-2 мкм қалинликдаги супер кўп сонли р-п-ўтишлардан иборат АФК- парабола тайёрлашган. Махсус технология билан вакуумда олинган АФК-зарралар [7,8] оқ ёки монохроматик нурлар билан ёритилганда ҳосил бўлган фотокучланиш парданинг 1 см узунлигидан 600 вольтга етган.


1-расмда АФК-парда намуналаридаги фотомагнит ўтказгичлар келтирилган. Ёруғлик манбаси сифатида ОН-24 лампада магнит майдони манбаси ўзгармас ток электромагнитидан фойдаланилган. Фотомагнит кучланиш В2-5 типда электрометрик кучайтиргич воситаси ёрдамида қайд қилинган. Манфий майдон йўналишида ёруғлик йўналиши ва намуна электродларини тутатувчи вектор йўналишидаги ўзаро перпендикуляр бўлган вазиятларида аномаль фотомагнит кучланиш ҳосил бўлган. Аномаль фотомагнит ва фотоэлектрик эффектлар намунада биргаликда содир бўлгани сабабли, ўлчашда фотоэлектрик кучланишни компенсация қилинади ва ундан сўнг фотомагнит кучланиш ўлчанади. Бу жараён икки хил йўл билан амалга оширилади. Агар электрик йўл билан амалга оширилса, ташқи манба воситасида фотоэлектрик кучланишни махсус электр занжири ёрдамида мувозанатлаш керак болади [9]. Бу ишни технологик усулда ҳам амалга ошириш мумкин. Маълумки, аномаль фотокучланиш яримўтказгич зарралари молекуляр оқимини тагликка нормал (тик) тушган ҳолатда олинса, бундай намуна (АФК-элемент)ларда ҳосил бўлмайди [10]. Ўрганилган CdTe, Sb_2Se_3 АФК-элементларида (парда) аномаль фотомагнит кучланиш мос равишда 55 В ҳамда 70 В тартибда кузатилган. Фотомагнит эффектнинг люкс-вольт характеристикалари $V_{фмэ}$ (В) ёруғлик интенсивлигини кичик қийматларида чизиқли бўлиб, катта интенсивликларда ($V \geq 10^5$ лк) тўйинишга эришилади. (2-расм). Намуналарда (CdTe, Sb_2Se_3) аномаль фотомагнит кучланиш билан магнит майдони кучланганлиги $V_{фмэ}$ 1-расмдаги боғланиш $N = \frac{n}{c} \ll 1$ муносабатнинг амал қилишини сақланган соҳадаги чизиқли боғланишдан четга чиқмаган (3-расм).

Эксперимент натижалари фотовольтаик (р-п-ўтиш) модель учун фотомагнит эффект назариясига мос келиб, тўйиниш соҳаси учун

$$V_{фмэ} = N \frac{kt}{q} \frac{2}{\pi} \mu \frac{H}{C}$$

муносабатга тўғри келади. Унга мувофиқ топилган фототок томчиларнинг эффектив ҳаракатчанлиги $\mu_v = 10$ см²/В·секунд Sb_2Se_3 учун CdTe учун эса $\sim 3 \cdot 10^2$ см²/В·секундга тенг бўлган. АФК, АФМК- эффектлар соҳасида олиб борилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар натижасида АФК-элементларининг модели ва назарияси яратилди. Натижада, АФК-элементлар оптикиси ва метрологиясида янги саҳифалар очилди, ҳамда баъзи микропараметрик ўлчашнинг самарали усуллари яратилди. АФК-элементлардаги фотоэлектрик, фотомагнит тадқиқотлар негизида қатор микропараметрлар топилди.

Масалан, АФК-элементлардаги микроэлементлар сони $N=10^5$ дона 1 смда, дифференциал йўл узунлиги $L=10^{-6}$ см, дифференциал коэффициент $D=0,3 \text{ см}^2 / \text{В} \cdot \text{см}$ ва яшаш вақти $\tau=4 \cdot 10^{-11}$




1-расм. Фотомагнит кучланишни қайд қилиш курилмасининг блок схемаси.

секунд ва бошқалар ўлчанади. Шу билан бирга баъзи бир қатор катталикларни оптоэлектрон усулда аниқлаш имконияти туғилди. АФК-элементларда оптоанизатроплар мавжудлиги кутбланган ёруғликда тадқиқотлар олиб бориш билан тасдиқлади [11], тажрибаларнинг кўрсатишича магнит майдонида жойлашган АФК-элементдан яъни кутбланган ёруғлик дастаси ўтганда ёки қайтганда магнит майдони индукциясига ($B=\mu H$) боғлиқ равишда кутбланиш текислигининг бурилиши кузатилади (Фарадей эффеќти).


$$\alpha = \frac{\omega \omega_0}{2c} \frac{dn}{d\omega} \quad \text{ёки} \quad \alpha = \frac{Ve}{2m \cdot c} \frac{a}{d\lambda} \quad \text{Рад/м}$$

Тенгламадаги ҳамма параметрлар маълум, $\frac{dn}{d\lambda}$ синдирилиш кўрсаткичи спектрдан топилади (масалан, $\lambda=0,589$ мкм учун $\frac{dn}{d\lambda}=0,38$ бўлади). Демак, кутбланиш текислигининг бўлиниш бурчагини ўлчаб, магнит майдонини (ёки токни) юқори аниқликда оптоэлектрон усул билан масофадан аниқлаш мумкин ($2=kB$).

1-магнит майдон манбаси (электромагнит), 2-АФК-элементи, 3-ёруғлик манбаси (ОН-24), 4-фотокучланишни компенсация блоки, 5-фотомагнит кучланишни ўлчаш блоки (В2-5).



2-расм. Ҳар хил магнит майдон кучланганлигида $H(\text{э})$ CdTe, АФК-қатламларидаги фотомагнит кучланишининг люкс-вольт боғланишлари. 1-Н-22 Э; 2-43; 3-65; 4-87; 5-108; 6-130; 7- $V_{\text{АФК}}(B)$ боғлиқлик графиги; 8-1030; 9-2210; 10-3460.



3-расм. Фотомагнит кучланишининг ўзгарувчан (а) ва доимий (б) магнит майдонним кучланганлигига боғлиқлиги: 1- $B \geq 80000$ лк; 2-17000 лк; 3-6000 лк; 4,5- $B=10^{-5}$ лк да, мос равишда 7 ва 8 намуналар учун.

Хулоса

АФК-элементларда аномаль фотоэлектрик, фотомагнит ва магнито-оптик ҳодисалар ўрганилган. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, микропараметрларни, кучли магнит майдонлар (тоқлар)ни оптоэлектрон усул ёрдамида масофадан ўлчаш мумкинлиги асосланган.

Адабиётлар

- [1]. Фотоэлектрические явления в полупроводниках и оптоэлектроника, сборник статей под редакцией Э.И. Адировича, Ташкент, изд-во “ФАН”, 1971г.
- [2]. Нурдинова Р.А., Алимжанова А. Новые аспекты применение элементов с аномальными фотовольтаическими напряжениями, Научно-технический журнал «Физика полупроводников и микроэлектроника», №4, 2019, стр. 49-55
- [3]. Орешкин П.Т. Физика полупроводников и диэлектриков, Москва, “Высшая школа” 1977, стр. 278
- [4]. Арипов Д.А. Заитова Б. Фотомагнитный эффект фотопроводимость полупроводниках при высоком уровне возбуждения, Ташкент, из-во “ФАН”, 1987
- [5]. Стафеев В.И. Термоэлектрические явления при инжекции неосновных носителей заряда. Прикладная физика № 5, 2007, с.29-32.
- [6]. Касимахунова А.М., Нурдинова Р.А. АФН-элементы с двойным лучепреломлением // Uzbek Journal of Physics, 2017. Vol. 19, № 5. PP. 302–306
- [7]. Найманбоев Р. Изв. АН УзССР. Сер.: Физ.-мат. Науки, № 6.
- [8]. Адирович Э., Матов Э. Юабов Ю. ДАН СССР, 1969, стр.1254
- [9]. Найманбоев Р, Ирматов С Яримўтказгичли фотоприёмниклар, Фарғона, 2011й., ФарПИ “Тахририй нашрлик” бўлими
- [10]. Мирзамахмудов Т. Юпқа яримўтказгич қатламларни олиш ва улардаги баъзи бир фотоэлектрик ҳодисалар, Ташкент “ФАН” нашриёти, 1976 й.
- [11]. Найманбоев Р, Юлдашев Н. Исследование оптической анизотропии в АФН-пленках трехслойной сурьмы Исследование оптической анизотропии в АФК пленках трехселекитовой серми “Твердотельная эминики” Намашие 1994 стр 40
- [12]. Мосс Оптические свойства полупроводников изд. ИЛ Москва 1961 стр 241

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ

И.З. Зокирова

Андижон машинасозлик институти,
i.zokirova @ mail.ru +99 890 541 32 55

(Қабул қилинди 24.08.2022 й.)

Саноат корхонаси истеъмол қилаётган электр энергиянинг деярли 5 – 10 % ёритиш қурилмаларида сарф бўлади. Ёритиш қурилмаларида электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш деганида, электр энергияни минимал миқдорда сарф қилган ҳолда ёритиш қурилмаларини тўғри лойиҳалаб ва уни оқилона ишлатиб, хона ва ишчи ўринларида оптимал ёритилганликка эришиш ва юқори сифатли ёритилганлик ҳисобига ишчи ва хизматчиларнинг иш унумдорлигини кўтаришга эришиш тушинилади. Ёритиш қурилмаларида сарф бўлаётган электр энергия, лампаларнинг қуввати ва сонига, ишга тушириш ва ростлаш қурилмалари ва ёритиш тармоқларидаги қувват исрофларига ва ёритиш қурилмаларининг қанча вақт ишлаши каби бир қанча энергетик ва эксплуатацион кўрсаткичларга боғлиқдир.

Калит сўзлар: электр энергия, ёритиш қурилмаси, қувват исрофи, ёритилганлик даражаси, ёруғлик манбаси, люминесцент лампа.

Pочти 5-10% электроэнергии, потребляемой промышленным предприятием, расходуется на осветительное оборудование. Энергоэффективное использование освещения означает правильное проектирование и рациональное использование освещения с минимальными энергозатратами, достижение оптимального освещения в помещении и на рабочем месте, повышение производительности труда рабочих и служащих за счет качественного освещения. Потребляемая электроэнергия в осветительных приборах зависит от ряда энергетических и эксплуатационных параметров, таких как мощность и количество ламп, потери мощности в пуско-регулирующих светильниках и сетях освещения, продолжительности работы светильников.

Ключевые слова: электричество, осветительное устройство, рассеиваемая мощность, освещение, уровень, источник света, люминесцентная лампа.

Almost 5-10% of the electricity consumed by an industrial enterprise is spent on lighting equipment. Energy efficient use of lighting means the correct design and rational use of lighting with minimal energy consumption, achieving optimal lighting in the room and at the workplace, increasing the productivity of workers and employees through high-quality lighting. The consumed electricity in lighting devices depends on a number of energy and operational parameters, such as the power and number of lamps, power losses in control lamps and lighting networks, and the duration of the lamps.

Key words: electricity, lighting device, power dissipation, lighting level, light source, fluorescent lamp

Саноат корхонаси истеъмол қилаётган электр энергиянинг деярли 5 – 10 % ёритиш қурилмаларида сарф бўлади. Ёритиш қурилмаларида электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш деганида, электр энергияни минимал миқдорда сарф қилган ҳолда ёритиш қурилмаларини тўғри лойиҳалаб ва уни оқилона ишлатиб, хона ва ишчи ўринларида оптимал ёритилганликка эришиш ва юқори сифатли ёритилганлик ҳисобига ишчи ва хизматчиларнинг иш унумдорлигини кўтаришга эришиш тушинилади. Ёритиш қурилмаларида сарф бўлаётган электр энергия, лампаларнинг қуввати ва сонига, ишга тушириш ва ростлаш қурилмалари ва ёритиш тармоқларидаги қувват исрофларига ва ёритиш қурилмаларининг қанча вақт ишлаши каби бир қанча энергетик ва эксплуатацион кўрсаткичларга боғлиқдир.

Иш жойининг қандай ёритилганлиги бажарилаётган ишнинг унумли бўлишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сони ва сифатига ва иш жараёнида машина механизмларнинг бузилиши ва шунингдек бахтсиз ходисаларнинг содир бўлиши мумкинлиги эҳтимолига таъсир этади. Иш жойларида ёриткичларнинг иш вақтининг қанча қисмида ишлаб туриши, табиий ёруғликдан қанчалик унумли фойдалана олинаётганлик даражасини билдириши сабабли корхоналарни лойиҳалашдаёқ бу факторларни ҳисобга олиш керак бўлади. Ёритилганликнинг ёмонлашуви ҳисобига электр энергияни тежаш (ёритилганлик даражаси ва ёритувчи қурилмаларнинг сифат кўрсаткичларини пасайтириш) ҳеч асосланмаган тадбир бўлиб, пиравардида кўпгина ҳолларда кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Халқаро амалиётда қайд қилинганидек, йўллар ёритилишининг меърий нормаларга мос бўлиши, йўл ҳаракатида содир бўладиган бахтсиз ходисаларнинг деярли 30% га камайишига олиб келар экан. Ёритиш қурилмалари техник ва иқтисодий кўрсаткичларининг юқори бўлиши учун бу қурилмаларни лойиҳалаш босқичидаёқ элементларининг оптимал вариантлари танланиши зарур. Ҳозирги пайтда ёритиш жараёнини автоматик бошқариш ва

ростлаш тизимларисиз ёриткичлардан фойдаланишда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиб бўлмайди.

Ёритиш қурилмаларини лойиҳалаш ва ишлатишда электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқамиз.

1. Ёруғлик манбаини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Лампаларнинг асосий тавсифларидан бири, бу ёруғлик узатиш кўрсаткичи H бўлиб, бу кўрсаткич лампа ҳосил қилаётган ёруғлик оқимининг лампанинг электрик қувватига нисбатини билдиради. Ёруғлик манбаларини ўзаро солиштирганимизда, люминесцент ва ДРИ русумидаги лампаларининг ёруғлик узатиш кўрсаткичлари чўғланма лампаларникига нисбатан анча юқори. Аммо газоразрядли лампаларни ишга тушириш учун алоҳида бошқариш ва ростлаш қурилмалари бўлиши талаб этилади ва бу қурилмаларда лампа қувватининг 5 – 40% ига тенг қувват исроф булади. Бундай камчиликларига қарамасдан ёруғлик узатиш кўрсаткичининг юқорилиги, ишлаш муддатининг нисбатан 10 – 15 марта кўплиги ва гигиеник имкониятларининг юқорилиги каби қатор афзаликлари мавжудлиги сабабли бу лампалар истиқболли лампалар турига киради.

1 – жадвалда келтирилган қуввати 80 Вт ли бир неча русумдаги люминесцент лампаларнинг ёруғлик ва техник кўрсаткичлари бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, ЛБ русумидаги лампанинг кўрсаткичлари энг юқори бўлиб, манна шу туркумдаги лампаларни иш жойларни ёритишда қўллаш электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланишга олиб келади. Агар ёритиш тизимида ЛДЦ туркумидаги люминесцент лампалар ўрнига ЛБ туркумидаги лампалар қўлланилса, электр энергия истеъмолини 32% га тежаш мумкин бўлади.

1-Жадвал

Лампанинг русуми	Ёруғлик оқими, лм	Ёруғлик узатиш кўрсаткичи	
		Лм / Вт	%
ЛБ	5220	65, 25	100
ЛХБ	4440	55, 5	85
ЛТБ	4440	55, 5	85
ЛД	4070	50, 87	78
ЛДИ	3560	44, 5	68

Корхона худудини ёритиш учун ишлатиладиган ДРЛ русумидаги лампалар ўрнига махсус туркумли эллипсоид кўринишдаги колбали ва ёруғлик таратувчи қобикли НЛВД лампалардан фойдаланиш ёритиш сарфларини анча камайтиришга олиб келади. Масалан, қуввати $P_{\text{Д}} = 330$ Вт ва ёруғлик оқими $\Phi = 27$ клм бўлган НЛВД русумли лампа билан қуввати $P_{\text{Д}} = 400$ Вт, $\Phi = 23$ клм бўлган ДРЛ – 400 лампани алмаштирамиз. Бир йил давомида лампанинг узлуксиз ёниш вақти $t = 400$ соат деб олсак, ёритилганликнинг ошиши билан бирга лампа бир йилда $W = \Delta P \times t = 70 \times 400 = 28000 = 28\text{кВт} \times \text{соат}$ электр энергия тежаш имконини беради.

2. Ёриткичларни линия бўйича жойлаштиришга қараганда «пакет» усулида жойлаштириш, ёритувчи қурилмаларнинг умумий қуввати корхона истеъмол қилаётган электр қувватнинг деярли 30% ини ташкил қилувчи энгил саноатнинг тўқимачилик корхоналарида қўлланилиши катта иқтисодий самара бериши мумкин.

Одатда тўқимачилик корхонасининг цехларини ёритиш арматуралари, бир нечта алоҳида линиялар бўйича бир текис тақсимланган ҳолда, цех бўйлаб жойлаштирилади. Бундай усул билан ёритишда ёритилганликнинг меёрий нормада бўлиши учун ёриткичларнинг сони анча кўп бўлиши керак ва бу ўз навбатида сўзсиз электр энергия сарфини ошишига олиб келади. Пакет усулида ёритилганида ҳар бир тўқимачилик дастгоҳини меёрий нормада ёритиш учун учта ёриткични ўрнатиш кифоядир. Амалиёт шуни кўрсатадики, цехларни ёритишда пакет усулини қўллаш, ёриткичлар сонини деярли икки

марта камайтириш имконини берар экан. Масалан, 80 та тўқимачилик дастгоҳи ўрнатилган цехда пакет усулида ёритиш тизимини ПЛВМ 2×80 русумли ёриткичлар асосида ташкил қилиш, цех бўйича бир йилда 230000 кВт × соат электр энергияни тежаш имконини берди. Ёритиш кўрсаткичларини яхшилашнинг бундан бошқа усуллари ҳам мавжуддир.


3. Табиий ёруғликдан самарали фойдаланиш корхона иморатлари де-раза ва ойналарининг тоза ёки қирлигига ҳам боғлиқдир. Электр қурил-маларини техник эксплуатацияси қоидаларига мувофиқ бир йилда икки марта цехларнинг дераза ва ойналарини тозалаб артиш талаб этилади.

Цехларнинг икки сменали ишлаши давомида ёриткич лампаларини мунтазам тоза ҳолда сақлаш, қиш ойларида 15% ва баҳор – ёз ойларида эса 90% га электр энергия сарфини қисқартириш имконини беради.

4. Саноат корхоналарининг ёритиш қурилмаларида сарф бўладиган электр энергияни камайтириш асосини ёритишнинг оптимал автоматик бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ташкил қилмоғи керак. Катта цехларда бутун цехни ёритиш учун автоматик ёритиш тизими ёрдамида ёритишни бошқаришда, ишчи жойлардаги ёритилганликни меёрий нормада ушлаб туриш табиий ёритилганлик даражасига ва ишлаш вақтига қараб ёритилганлик даражаси ростланади. Ёритишда автоматик бошқарув тизимларини қўллаш электр энергияни 5 – 15 % га иқтисод қилиш имконини беради.

Газоразряд лампали ёриткичларни бошқаришда, частотани ўзгартирувчи ярим ўтказгичли ўзгарткичли автоматик бошқарув тизимларини қўллаш, бир пайтнинг ўзида ёруғлик оқимини ҳамда электр энергия истеъмолини ростлаш имконини беради.

5. Ёритиш қурилмаларини тўғри эксплуатация қилиш ва вақтида таъмирлаш ҳам электр энергияни тежашга олиб келади. Ёриткичларни тозаловчи ва ишдан чиққанларини алмаштирувчи замонавий қурилма ва усулларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳам электр энергияни иқтисод қилишда катта аҳамиятга эга.



1 – расм. Люминесцент лампаларнинг принципиал электр схемалари: а – стартерли бир лампали; б – стартерли икки лампали; в – накал трансформаторли бир лампали; г – накал трансформаторли икки лампали; д – автотрансформаторли оний ёнувчи; е – кучланиш резонансидан фойдаланилган оний ёнувчи.

Саноат корхоналарида иш жойларининг яхши ёритилганлиги меҳнат унумдорлигини ошириш учун кўриладиган асосий омиллардан биридир. Тўғри танланган сунъий ёритиш

воситаларининг қўлланилиши талаб қилинаётган технологик жараёнларни ўз вақтида бажаришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, иш вақтида содир бўлиши мумкин бўлган лат ейишларни олдини олишга ва дастгоҳ ва автоматик линияларнинг ишдан чиқишини камайишига олиб келади.

Саноат корхоналари ва бошқа иншоатларни сунъий ёритишда **чўғланма** ва **газоразрядли** стационар ва қўчма ёритгичлардан фойдаланилади. Ста-ционар ёритиш курилмаларининг кучланиши 380 В дан ошмаслиги керак.

Саноат корхоналари иш жойларини ёритиш тизимларини ҳисоблашда ёритилганлик даражасининг меёрий кўрсаткичларга мослиги Давлат стандартларининг тармоқ кўрсаткичлари билан назорат қилинади.

Ёруғликнинг асосий физик катталиклари: **ёруғлик оқими, ёруғлик кучи, ёритилганлик, нурланганлик ва ёрқинлик.**

Ёруғлик оқими Φ нур энергиясининг қувватини инсон кўзи орқали ёруғликни сезиши бўйича баҳоланадиган физик катталик. Ўлчов бирлиги люмен (лм) бўлиб, бир лм $0,5305 \text{ м}^2$ юзага эга абсолют қора жисмнинг платинанинг қотиш ҳарорати $T=2046 \text{ К}$ қийматига тенг ҳароратда чиқа-раётган ёруғлик оқимига тенгдир.

Ёруғлик кучи I – ёруғлик оқимининг фазодаги зичлиги ёки бурчак зичлиги. Ёруғлик кучининг ўлчов бирлиги – кандела (кд). 1 кд сатх юзаси $1/600000 \text{ м}^2$ босими 101325 Па ва ҳарорати платинанинг қотиш ҳароратига тенг бўлган тўлиқ нурланувчи жисм чиқараётган ёруғликнинг йўналишига перпендикуляр бўлган ушбу юзага тўғри келадиган ёруғлик оқимига айтилади. Ёритиш бурчагига боғлиқ равишда ёруғлик кучи турли қийматларга эга бўлади.

Ёритилганлик E тушаётган ёруғлик оқимининг ёритилаётган юзадаги зичлигидир. Ёритилганликнинг ўлчов бирлиги – люкс (лк). 1 лк ёритил-ганлик – 1 м^2 юзага 1 лм га тенг ёруғлик оқимининг бир хил тушишидир.

Нурланганлик M – нурланаётган ёруғлик оқимининг ёритилаётган юзадаги зичлиги. Ўлчов бирлиги – лм/ м^2 .

Ёрқинлик V – нурланувчи юза чиқараётган ёруғлик кучининг шу юзага нисбати. Ёрқинликнинг ўлчов бирлиги кд/ м^2 . Инсон кўзи учун нормал ҳисобланадиган ёрқинлик тахминан $10^4 \text{ кд}/\text{м}^2$ қабул қилинган.

Адабиётлар

- [1]. Жалилов М. Х. Электротехнологик курилмалар.1,2 – қисм.Тошкент: ТошДТУ
- [2]. Электротехнический справочник. Том 3. М.: Энергия
- [3]. Ҳошимов О.О., Имомназаров А.Т. Электромеханик курилма ва мажмуаларнинг элементлари. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003
- [4]. Ҳошимов О.О, Имомназаров А.Т. Электромеханик тизимларда энергия тежамкорлик. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Тошкент: «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004
- [5]. Imomnazarov A.T. Sanoat korxonalarining elektr jihozlari. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. Toshkent: «SHARQ» NMAK, 2005

УДК 677.21:021

МУЛЬТИМЕДИАЛИ АЛОҚА ТАРМОҒИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

И.А. Махмудов

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
Фаргона филиали*

(Қабул қилинди 29.08.2022 й.)

Мултимедиа тармоқларини ташиқил этишида кўплаб омиллар транспорт технологияси, хизматлар, хизматларни бошқариш, ахборот ресурсларига кириш имконияти ва бошқалар

муҳим аҳамиятга ега. Шу каби омиларнинг тармоқ миқёсида амалга ошириши жиҳатлари ва замонавий технологиялар ёрдамида тармоқни такомиллаштириши каби масалалар ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.

Калим сўзлар: илова, тақдимот, сессия, тармоқ, маълумотлар ҳаволаси, жисмоний

При создании мультимедийных сетей важны многие факторы, такие как транспортные технологии, услуги, управление услугами, доступ к информационным ресурсам и т. д. К числу актуальных вопросов относятся аспекты общесетевого внедрения таких факторов и совершенствования сети с использованием современных технологий.

Ключевые слова: приложение, презентация, сеанс, сеть, канал передачи данных, физический

When creating multimedia networks, many factors are important, such as transport technologies, services, service management, access to information resources, etc. Topical issues include network-wide implementation of such factors and improving the network using modern technologies.

Keywords: application, presentation, session, network, data-link, physical

Кириш. Мултимедиа алоқа тармоқларини ташкил этиш ва уни қўллаш қатор масалаларни ҳал қилишни талаб этади, яъни мултимедиа тармоқларини ишлаш самарадорлигини оширишни, улардаги жараёнларни бошқариш ҳамда тизимнинг мустақамлигини таъминлаш каби масалаларни йечишни келтириб чиқаради. Бу масалаларни ечишнинг асосий ва муҳим босқичларидан бири ушбу жараённи мултимедиа тармоқларининг топологиясини ҳисобга олган ҳолда, унинг архитектурасини ва ишлашини тўлиқ тасвирловчи математик аппаратни танлаш ва унинг асосида шакллантириш вазифасидир.

Мултимедиа тармоқларини ахборотни узатиш имкониятлари ва самарадорлигини акс эттирадиган бир қатор кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин.


Ахборотни узатиш учун мултимедиа тармоғининг вақтдаги ишчанлик қобилияти, яъни берилган вазифаларни белгиланган кўламда сифатли даражада тармоқдан фойдаланиладиган маълум муддат ичида амалга ошириши талаб етилади.

Очиқ тизимларнинг ўзаро боғланиш эталон модели

Алоқа бу тармоқ ва алоқа хизмати йиғиндисини ўзида намоиш этади (1.1-расм). Телекоммуникация хизмати – бу хизматлардан фойдаланувчиларни таъминловчи воситалар мажмуасидир.

Иккиламчи тармоқлар телекоммуникация хизматларида сигналларни коммутациялаш, транспортлашни таъминлайди. Бирламчи тармоқлар иккиламчи тармоқларни таъминлайди. Мос келувчи хизматни таркибий қисми фойдаланувчиларда жойлашган охириги қурилма ҳисобланади.

Хизмат намунаси сифатида телефон алоқасини келтириш мумкин. У телефон алоқа, маълумотлар узатиш ва бошқа хизматларни таклиф қилади. Телефон тармоғи бўйича маълумотлар узатиш (телефон хизматини қўллаб) телефон каналлари бўйлаб маълумотлар узатиш хизмати сифатида қўрилади. Телефондан фойдаланувчи ўзининг компьютерини модем ёрдамида телефон тармоғига улаши мумкин. Маълумотлар узатиш хизмати сифатида биз маълумотлар узатиш учун махсус яратилган алоқа тизимини тушунамиз, яъни қурилма ва дастурий воситалар мажмуи, қайта ишлаш усуллари, тақсимлаш ва маълумотлар узатиш. Шу вақтнинг ўзида маълумотлар узатиш хизмати телефон алоқа хизматини ҳам тақдим этиши мумкин.



1.1-расм. Алоқа архитектураси:
1-телекоммуникациянинг бирламчи тармоғи; 2-телекоммуникациянинг иккиламчи тармоқлари; 3-телекоммуникация вазибалари; 4- телекоммуникация хизматлари.

Телекоммуникациянинг барча хизматларида ахборот алмашиш аввалдан белгиланган аниқ қоидалар бўйича амалга ошириш керак. Бу қоидалар (стандартлар) электралоканинг бир нечта халқаро ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади. 1978 йилда стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотда SC16 комитети ташкил этилди. Унинг вазифаси - очиқ тизимларнинг ўзаро боғланиши учун халқаро тавсиялар ишлаб чиқаришдир.

Очиқ тизим деб – очиқ тизимлар талабларини қондирувчи, турли тизимлар билан ўзаро таъсирлашиши мумкин бўлган тизим тушунилади. Агар тизим очиқ тизимларнинг ўзаро боғланиш (ОТЎБ) эталон моделига мос келса, у очиқ тизим ҳисобланади.

ОТЎБ эталон модели – стандартлар тузилишининг умумий структураси. У алоҳида стандартлар орасидаги ўзаро боғланиш принципини аниқлайди ва ОТЎБ учун талаб этиладиган кўпгина стандартларни бир вақтда ишлаб чиқиш имконини таъминлаш учун асос ҳисобланади. Бироқ ОТЎБ стандарти фақатгина эталон моделни аниқлабгина қолмай, балки эталон моделни қондирувчи аниқ хизматлар тўпламини, шунингдек хизматларни таъминловчи протоколлар тўпламини аниқлаши зарур. Бунда протокол деб, бир-бири билан ишловчи сатҳларни ўзаро таъсирлаш қоидаларини ва жараёнларини аниқлайдиган ҳужжат тушунилади.




1.2-расм. ОТЎБ учун стандартлар ишлаб чиқиш структураси

1983 йилда эталон модел сифатида етти сатҳли модел тасдиқланган (1.3-расм). Бунда очиқ тизимларга тааллуқли барча жараёнлар ўзаро боғланган сатҳларга бўлинади. Етти сатҳли моделда (1-3) қуйи сатҳ протоколлари ахборот узатишга, юқори сатҳ (5-7) протоколлари ахборотларни қайта ишлашга мўлжалланган. Транспорт сатҳ протоколлари баъзида алоҳида ажратилади, у ахборот узатиш билан бевосита боғлиқ эмас. Бироқ бу сатҳ ўзининг вазифалари бўйича қуйи сатҳларга яқин бўлгани учун қуйи сатҳга тегишлидир.

Барча еттита сатҳнинг вазифаси амалий жараёнларни ишончли ўзаро таъсирини таъминлашдир. Бунда амалий жараёнлар сифатида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи учун ахборотларни бериш, киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари тушунилади. Ҳар бир сатҳ ўзининг вазифасини бажаради. Бироқ сатҳларнинг хавфсизлиги учун улар бир-бирининг ишини текширади.

Амалий сатҳ (*application*) – тармоқда узатиладиган ахборот манбалари ва фойдаланувчилари ҳисобланувчи амалий жараёнлар ва тармоқ терминалларини бошқаради. Бу сатҳнинг вазифаси фойдаланувчининг дастурини ишга тушириш, уларни бажаришни, маълумотларни киритиш-чиқаришни, терминалларни бошқариш ва тармоқни маъмурий бошқаришдир. Бу сатҳда фойдаланувчиларга турли хизматларни тақдим этиш таъминланади. Бу сатҳда маълумотлар узатиш инфратузилмасини соzлаш ҳисобланувчи технологиялар ишлайди: электрон почта, теле ва видеоконференция, ресурсларга уланиш, интернетда ишлаш ва б.қ.



1.3-расм. ОТЎБ эталон моделининг тузилиши.

Тақдим этиш сатҳи (*presentation*) – тармоқда узатиладиган маълумотларни амалий жараёнлар учун қулай бўлган кўринишга ўзгартириш ва изохлаш. Маълумотларни

мослаштирилган форматда ва тузилишда тақдим этиш, турли тиллардан изохлаш дастури, трансляциялаш, маълумотларни шифрлашни таъминлайди.

Сеансли сатҳ (*session*) – амалий жараёнлар орасидаги алоқа сеансларини ўтказиш ва ташкил қилиш (тармоқ абонентлари орасидаги сеансларни таъминлаш, маълумотлар узатиш режимини ва навбатини бошқариш: симплекс, яримдуплекс, дуплекс). Бу сатҳнинг кўпгина функциялари, уланишни ўрнатиш ва амалиётда маълумотлар алмашиш тартибини таъминлаш транспорт сатҳда амалга оширилади, шунинг учун сеансли сатҳ протоколларини қўллаш чегараланишга эга.

Транспорт сатҳ (*transport*) – маълумотларни сегментлаштиришни бошқариш (сегмент – транспорт сатҳни маълумотлар блоки) ва манбадан фойдаланувчига (абонентлар орасидаги логик канални ўрнатиш ва ахборотни бошқаришни алмаштириш, маълумотлар узатиш сифатини таъминлаш) маълумотларни икки томонлама узатиш. Бу сатҳда тармоқ сатҳга тақдим этиладиган хизматлар қўлланилиши оптималлаштирилади, яъни кам харажатларда максимал ўтказиш қобилияти таъминланади. Транспорт сатҳ протоколлари жуда кенг ривожланган ва амалиётда жадал қўлланилади. Бу сатҳда узатилаётган ахборотнинг ишончилигини назоратига катта аҳамият берилган.

Тармоқ сатҳи (*network*) – тармоқда маълумотлар узатишни логик каналини бошқариш (маълумотларни маршрутлаш ва адреслаш, коммутациялаш: каналлар, хабарлар, пакетлар ва мультителепортлаш). Бу сатҳда тармоқнинг бош телекоммуникация вазифаси – фойдаланувчиларнинг алоқасини таъминлаш амалга оширилади. Тармоқнинг ҳар бир фойдаланувчиси албатта бу сатҳнинг протоколларини қўллайди ва тармоқ сатҳи протоколлари қўлланиладиган ўзининг ягона тармоқ адресига эга. Бу сатҳда маълумотларни структуралаш бажарилади – маълумотларни пакетларга жойлаштириш ва пакетларга тармоқ адресларини бериш (пакет–тармоқ сатҳини маълумотлар блоки).

Канал сатҳи (*data-link*) – тармоқ сатҳи объектлари орасида маълумотлар узатишни физик каналини бошқариш ва шакллантириш, физик уланишларни шаффофлигини таъминлаш, узатишдаги хатоликларни тўғрилаш ва назорат қилиш. Бу сатҳнинг протоколлари кўп сонли ва ўзининг функционал имкониятлари билан бир-биридан фарқланади. Бу сатҳда кўп каналга уланиш протоколлари мавжуд. Бошқариш кадрлар сатҳида бажарилади (кадр–канал сатҳидаги маълумотлар блоки).

Физик сатҳ (*physical*) – тармоқни физик канал билан уланишини узиш ва ушлаб туриш, ўрнатиш. Бошқариш рақамли битлар сатҳида (импульслар, унинг амплитудаси, формаси) ва аналог (узлуксиз сигнални фазаси, амплитудаси ва частотаси) сатҳда бажарилади. Сатҳлар орасида узатиладиган ахборот блоклари стандарт форматга эга: сарлавҳа, хизмат ахбороти, маълумотлар ва охир. Ҳар бир сатҳ ахборот блокларини қуйида турувчи сатҳга узатишда, уни ўзининг сарлавҳаси билан таъминлайди. Юқори турувчи сатҳни сарлавҳаси қуйи турувчи узатиувчи маълумотлар сингари қабул қилинади.

Адабиётлар

- [1]. Р.И.Исаев, Р.К.Атаматов, Р.Н.Раджапова, Телекоммуникация узатиш тизимлари. –«Фан ва технология», 2011.
- [2]. Н.Ю.Юнусов, Р.И.Исаев, Г.Х.Миразимова, Оптик алоқа асослари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. –
- [3]. Р.И.Исаев, У.Н.Каримова, Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. – Т., «Fan va technology», 2011,
- [4]. Е.Е.Маликова, Ц.Ц.Михайлова, А.П.Пшеничников. Расчет оборудования мультисервисных сетей связи.

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ МАТЕРИАЛЛАРДА ЭЛЕКТРЕТ ҲОЛАТИ ВА УЧ ҚАТЛАМЛИ ФОТОЭЛЕКТРЕТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Б.А. Тургунов

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети
(Қабул қилинди 29.08.2022 й.)

Ушбу мақолада электрет эффекти ва унинг яримўтказгичли материалларда юз бериши ҳолатлари кўриб чиқилган. Шунингдек электрет эффекти юз берувчи материаллар уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Фотоэлектретларнинг олиниши ва уларнинг қўлланилиши хусусида маълумотлар баён қилинган. Мақоланинг асосий қисмида фотоэлектрет олишининг янги усули баён қилинган. Янги усулда олинган фотоэлектретнинг хусусиятлари таҳлили амалга оширилган.

Таянч сўзлар: Электрет эффект, электретлар, фотоэлектретлар, зарядларнинг сақланиши, разрядланиши, полиэтилентерефтолат, поликарбонат, политетрафторэтилен.

В этой статье обсуждается электретный эффект и его возникновение в полупроводниковых материалах. Также проанализированы материалы, в которых возникает электретный эффект, и их свойства. Описаны сведения о приобретении фотоэлектреты и их применении. В основной части статьи описан новый метод получения фотоэлектр. Проведен анализ свойств фотоэлектрета, полученного новым методом.

Ключевые слова: электретный эффект, электреты, фотоэлектреты, накопление зарядов, разряд, полиэтилентерефталат, поликарбонат, политетрафторэтилен.

This article discusses the electret effect and its occurrence in semiconductor materials. The materials in which the electret effect occurs and their properties are also analyzed. Information about the acquisition of photoelectrets and their application is described. The main part of the article describes a new method for obtaining a photoelectret. The properties of photoelectrets obtained by the new method are analyzed.

Key words: electret effect, electrets, photoelectrics, charge accumulation, discharge, polyethylene terephthalate, polycarbonate, polytetrafluoroethylene.


Кириш. Бугунги кунда турли соҳаларда қўлланилувчи қурилмаларнинг деярли барчаси электр таъминоти асосида ишлайди. Улар ўзларига юклатилган функционал вазифани узлуксиз ва ишончли бажаришлари учун улага узлуксиз электр энегияни таъминлаб қўйиш лозим. Шунинг электр таъминотини узлуксизлигини таъминлаш масаласи билан биргаликда унинг арзонлиги ва автономлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан электр тармоқлари етиб бормаган ҳудудларда турли мақсадлардаги қурилмалар учун ишончли, узлуксиз ва арзон электр таъминотини амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир. Айнан электр майдон хусусиятларида фойдаланиш лозим бўлган тизимларда электретлардан хусусан фотоэлектретлардан фойдаланиш юқори натижалар олиш имконини беради.

Электрет эффектнинг хусусиятларидан бугунги кунда амалиётда кенг қўллаш имкони мавжуд. Электретлар ташқи майдон томонидан қутбланган ёки электрлаштирилган қаттиқ диэлектриклар бўлиб, улар ташқи майдон олиб ташланганидан кейин ўзларининг қутбланганлик ҳолатини ёки электрланганлик ҳолатини сақлаб қолади. Шу сабабли бундан материаллар ташқи мақдон таъсирида қутбланиш ҳолатига ўтгандан кейин, ташқи муҳит таъсир майдони олиб ташлангандан кейин ташқи муҳитда доимий электр майдонини ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Маълумки диэлектрик материалларнинг қутбли ва қутбсиз турларга ажралади. Айнан электрет эффекти қутбли диэлектрик материалларда юз беради. Бундай диэлектрик материаллар қутбланган атомли ёки молекулали диэлектриклар ҳисобланади. Бу каби атом ва молекулалар ўзларининг хусусий дипол моментига эга бўладилар. Мисол қилиб ионли алоқага эга бўлган NCl , NaJ , H_2O молекулаларини келтириш мумкин [1].

Ионли боғланишга эга бўлган молекулаларнинг дипол momenti коволент боғланишли молекулаларнинг дипол моментига нисбатан анча катта бўлади.

Демак, қутбли диэлектрик материални ташқи электр майдон таъсирига қўйилса ва улага ташқи иссиқлик энергияси йўналтирилса улардаги диполларнинг ориентацион



1-расм. Ташқи $E_{\text{ташқи}}$ электр майдон таъсирида қутбли диэлектрикда максимал қутбланиш ҳолати.

кутбланиш максимал даражада юз беради (1-расм).

Кейин бу материал хона хароратида совутилганда унинг юзаларида майдон олингандан кейин зарядлар узоқ муддат сақланиб қолади. Материал ички қисмида хосил бўлган диполлардаги қарама-қарши ишорали зарядлар бир бирини компенсация қилади ва фақат ташқи $E_{ташқи}$ майдон йўналишига перпендикуляр юзаларда қарама-қарши ишорали зарядлар сақланиб қолади. Натижада бу диэлектрик материалнинг икки қарқама-қарши юзаси ўртасида ички электр майдон кучланганлиги хосил бўлади. Хосил бўлган $E_{ички}$ ички электр майдон кучланганлигининг йўналиши ташқи $E_{ташқи}$ майдон йўналишига тескари йўналган бўлади. У холда диэлектрик материал ичидаги натижавий электр майдон кучланганлиги қуйидагича бўлади:

$$E_{нат} = E_{ташқи} - E_{ички}$$

Бундай диэлектриклар электрет холатига ўтган ҳисобланади. Улардан электр майдон манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Чунки улар ўзларининг атрофида узоқ мудда (хаттоки бир неча йил) доимий электр майдон хоисл қилиши мумкин.

Бугунги кунда электретларни олишнинг турли технологиялардан фойдаланилади.

Агар электретларни хосил қилишда диэлектрик материал киздирил кейин совитилиши натижасида электрет холатга ўтса бундай электретлар термоэлектретлар дейилади.


Шунингдек бугунги кунда фотоэлектретлар ўзининг хусусиятлари сабабли кенг қўлланилиш имкониятига эга бўлмоқда. Улар фотоэлектроўтказувчанликка эга бўлган материаллардан таёрланади (сера, сульфид ва кадмий каби). Фотоэлектретлар ташқи электр майдони таъсирига қўйилганда уларга шунингдек ёруғлик оқими йўналтирилади. Ташқи ёруғлик оқими тўхтатилгандан сўнг улар электрет холатига ўтади. Фотоэлектретлар коронгуликда узоқ муддат электрланганлик холатини сақлаб тура олади. Агар фотоэлектрет яна ёритилса у қисқа муддатда разрядланиб қолади [2].

Фотоэлектретларнинг олишнинг бугунги кунда бир қатор усуллари бор. Хусусан hozirda фотоэлектрет олишда қалинлиги 3-100 мкм бўлган полимер плёнкали фотоэлектретлар олиш усуллари мавжуд. Уларниг диэлектрик сингдрувчанлиги кичик бўлади ва солиштирма қаршилиги катта бўлади. Юпа пардали электретларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- полиэтилентерефтолат;
- поликорбонат;
- политетрафторетилен;

Юпқа пардали электретлар ичида политетрафторетиленлар барқарорлиги жихатидан қолганларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга.

Асосий қисм. Тақдим этилаётган қурилма кремний, германий, арсенид галлийларнинг стехиометрик жихатдан таркиб, тузилиши бўйича бир жинсли бўлмаган юпқа пардаларидан ясалади. Юпқа пардалар вакуумда буғлатиш йўли билан олинади. Молекуляр оқим қизитилган диэлектрик (шиша, керамика, полимер эластик ва х.з) тагликка қиялатиб ўтказилади. Бунинг натижасида юпқа парда сиртида дендритлар хосил бўлиб, улар сиртнинг нотекис ёритилишини таъминлайди. Махсус ишлаб чиқарилган технология парда наъмунасининг сирт қисмининг бўйлама йўналишида микрокристалчаларнинг супер кўп кетма-кет қатламлилиқ қаторининг



2-расм. Уч қатламли фотоэлектрет лойиҳаси. 1-ёруғлик оқими, 2-АФН –элемент, 3-диэлектрик қатлам, 4-катта қаршиликли яримўтказгич.

каторининг микрокристалчаларининг чегара сохалари контактида ҳамда алоҳида микрокристалчаларнинг сирт ва ички хажмий қисмида инверсион сохалар вужудга келади (ўтказувчанлиги ҳар хил, бойитилиши даражаси бўйича фарқ қилувчи сохалар контакти).

Улар махсус $p-n^-$, $n-p^+$ ёки $p-p^+$ ҳамда турли кўринишдаги гетероўтиш типдаги микроконтактларни хосил қилади [3]. Бундай ярим ўтказгич юпка пардаларидан АФН-элементлар таёрланади. Уларда ёруғлик воситасида аномал юқори фотокучланиш генерацияси кузатилади. АФН –элементлар воситасида таёрланган фотоэлектретларда электрет ҳолат ёруғлик ва кутбловчи электр майдонининг биргаликдаги таъсири натижасида вужудга келади. Шу билан бирга ташқи майдонсиз фақат ёруғлик ҳисобига ҳам электрет эффект кузатилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ташқи кутбловчи электр майдони вазифасини ички аномал юқори патенциал майдон (кучланиш) бажаради. Бундай фотоэлектрет лойиҳаси 2-расмда келтирилган.

Бундай технология асосида ясалган фотоэлектретларда ташқи электр майдони ишлатилмай кутбланишга эришилади. Уя қатламли фотоэлектретларда фотокутбланишни электродлар уланмаган ҳамда қисқа туташтирилган ҳолатларида амалга ошириш мумкин. Бунинг учун фотоэлектрет ўлчов асбобига уланади. Сўнгра интенсивлиги $8 \cdot 10^{-2}$ Вт/см² бўлган ёруғлик билан бир неча дақиқа давомида ёритиб турилади. Унда АФН-кучланиш вужудга келади.

Ёритилиш тўхтатилгандан сўнг бир неча сония давомида АФН –элемент контакт электродлари қисқа туташтирилиб аномал юқори фотокучланиш тамоман йўқолишига эришилади. Ундан сўнг қатлам яна ўлчов асбобига уланади. Асбоб фотоэлектрет ҳолатга тўғри келувчи қолдиқ кучланишни қайд қилади. Фотоэлектрет ҳолат кучланиши секин аста ортиб, 2-3 дақиқа давомида тўйинишга эришиб, қиймати тахминан 90-100 В гача етади. Бундай фотоэлектретлардан оптоэлектроникада бошқарувчи (ёруғлик воситасида) хотира элементлари яратишда фойдаланиш мумкин. Бундай янги турдаги фотоэлектретларнинг фаолият кўрсатиши учун табиий ёруғликнинг (оддий ташкил этувчиси) кучсизгина тушиб туриши етарли бўлади. Демак, АФН-элементли фотоэлектретлар учун махсус энергия манбаи керак эмас, улар табиий ёруғлик ҳисобига ишлай олади.

Хулоса. Уларнинг барча элементлари автоном бўлиб, ташқи электр майдонсиз ишлайди. Бундай автоном режимда ишловчи фотоэлектретли хотира элементларидаги кучланиш релаксацияси етарли узоқ давом этади. Саноат микёсида фотоэлектретни ишлаб чиқаришда эффектни тадқиқ қилиш учун майдон усулидан (конденсатор усули ҳам дейилади) фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар

1. Р. Найманбоев, С. Ирматов, Яримўтказгичли фотоприёмниклар, Ферпи “Тахририят ноширлик” бўлими, Фарғона 2011.
2. Фотоэлектрические явления в полупроводниках и оптоэлектроника пад.ред. акад. Э.И. Адировича, изд. «ФАН» Уз.ССР ташкент. 1972 стр143
3. Авторское произведение: Электретный индикатор состояния. №: ЕС-01-003564. Найманбаев Р, Райимджанова О, Нурдинова Р, Тургунов Б.А, Эргашев Ш. 24 март 2022.
4. Р. Найманбоев и др. Uzbek Journal of Physics, 2012., Vol 14 (№5-6), p.p. 311-315 (01.00.00,№5).

ЁРУҒЛИКНИНГ ОПТОЭЛЕКТРОН МОДУЛЯТОРИ

Л.Р. Далибеков, Р.А. Нурдинова, Г.Ф. Жўраева

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
Фарғона филиали
(Қабул қилинди 30.08.2022 й.)*

Мазкур ишда генератор типдаги фотоприёмниклар негизида оптрон оптик каналидаги ёруғлик оқимини бошқаришнинг самарадор модуляторифизикаси ва техникасининг илмий асослари тақдим этилган.

Калит сўзлар: АФН-модулятор, ёруғлик оқими, аномал фотокучланиш, фотоприёмник, оптрон.

В статье представлены научные основы физики и техники эффективного модулятора

управления световым потоком в оптическом канале на основе фотоприемников генераторного типа.

Ключевые слова: АФН-модулятор, световой поток, аномальная фотоэдс, фотоприемник, оптрон.

This paper presents the scientific basis of effective modulator physics and techniques of light flux control in the optron optical channel on the basis of generator-type photo receivers.

Key words: AFN-modulator, light flux, anomalous photovoltage, photoreceiver, optron.


Кириш: Оптоэлектроникасининг асосий элементи оптрон бўлиб, оптик канали бошқариладиган оптронлар яратиш оптоэлектроникага ажойиб техник ечимлар имкониятини очиб беради. Оптик каналдаги ёруғлик оқими ахборот ташувчи маълумот етказувчи вазифасини бажаради. Ахборотлар (маълумотлар) тоза, ёт сигналлар таъсиридан идеал химояланган бўлиши учун ёруғлик оқими параметрларини бошқаришнинг оптимал, қулай ва содда усулларини топиш керак бўлади. Бу ишда генератор типигадаги фотоприёмниклар негизидаги оптрон оптик каналидаги ёруғлик оқимини бошқаришнинг самарадор модулятори физикаси ва техникасининг илмий асослари тақдим этилади. Бундай оптронлар асосида қурилган модуляторлар оптоэлектрон қурилмаларда оддий мантикка қурилган вазифаларнигина эмас мураккаб мантикий функционал операцияларини ўз ичига олган ахборотларни компютерга киритишнинг мантикий алгоритмларини яратиш имконини беради (оптоэлектрон модулятор, электрон импульс тезкор ҳисоблагич ва бошқалар). Бундай оптоэлектрон қурилмалар фан ва техникада ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида энергия тежамкор, содда, ихчам ва қулайлиги туфайли кенг қўлланилади.

Модулятор физикаси ва техникаси. Ёруғлик оқимини бошқариш учун турли хил модуляторлар қўлланилади [1,2,3]. Мазкур оптик модулятордаги жараёнлар физикаси нисбатан содда, қулай бўлишига қарамадан уларнинг амалиётда қўллаш техникаси ўта ноқулай бўлиб, ташқи таъсирлар воситасида бошқарилади. Шу билан бирга ишлатилган техникаси ихчамлаштириш, содалаштириш ва энергия тежамкорлик каби хусусиятлари нуқтаи назаридан опто-микроэлектрон тизим билан бевосита мослаша олмайди. Яримўтказгичларда амалга ошириладиган оптик модуляция воситасида юқоридаги каби бошқа камчиликларни йўқотиш мумкин. Яримўтказгичлардаги оптик модуляция икки хил йўл билан амалга оширилади. Улардан биринчиси оптоэлектрон эффектга асосланган бўлиб, бу усулда инфрақизил соҳадаги нурлар модуляцияси учун қулай материал бўлиб GaAs ҳисобланади. Иккинчи усул ёруғликнинг ютилиш коэффицентининг ўзгаришига асосланади. Бу усулда ёруғлик амплитудасининг модуляцияси кузатилади. Ёруғликда модуляция вақтида бошқариладиган параметрлари учта: амплитуда, фаза ва частота. Частота ва фаза модуляциясидан фойдаланиш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли одатда амплитуда модуляциясидан кўпроқ фойдаланилади. Бу модуляцияни бир нечта турлари амалда кузатилади. Масалан, электрооптик усулда яримўтказгич кристалга электр майдони қўйилса, унинг ёруғликни синдириш кўрсаткичи ўзгаради (Δn), натижада унда нурнинг иккиланиб синиш эффекти кузатилади. Агар ундан чизикли қутбланган ёруғлик ўтказилса, қутбланиш текислиги унга қўйилган электр майдони кучига пропорционал равишда маълум бурчакка бурилади. Қутбланиш текислигининг бурилиш бурчаги мос равишда ёруғлик амплитудаси ўзгаришини баҳолаш мумкин. Демак, ёруғликнинг ютилиши ҳам қутбланиш даражасига боғлиқ бўлади. Худди шунингдек қутбланиш текислиги яримўтказгичга магнит майдони таъсир қилганда ҳам кузатилади (Фарадей эффекти). Модда оптик зичлигини ультратовуш таъсирида локал ўзгартириш (акустооптик эффект) ҳисобига ҳам амплитуда модуляциясига эришиш мумкин. Бу модуляторнинг ҳар бирида кузатилаётган физик ходисалар (электрооптик, магнитооптик ва акустооптик) ташқи энергия (таъсир) ҳисобига содир бўлади [4]. Шу ва бошқа сабаблар туфайли бундай оптик модуляторларнинг техник имкониятлари чегараланган. Бундан ташқари модуляторларда қўлланилган оддий фотоприёмникдан олинган чиқиш электр сигналларининг амплитудаси жуда кичик бўлиб, улардан фойдаланиш учун кучайтириш албатта керак бўлади. Агар чиқишдаги фойдали сигнални модуляция ҳисобига етарли амплитудага етказиш усули топилса,

модулятор имкониятлари янада ортади. АФН-элемент спектрал боғланишларни кучли электр майдони таъсирида ўрганиш натижасида маълум бўлдики, кучли электр майдони таъсирида ютилиш спектрида чегара силжиши кузатилади (Франц – Кельдыш эффекти)[5]. Демак, электр майдони таъсирида шаффофликни спектрал боғланиши ўзгаради, яъни электр майдони моддадаги ёруғлик ютилиши чегарасига таъсир қилади. Бу эффект ёруғлик модуляциясини бевосита оптик тўлқин узатиш системаларида ёки оптик толалаи ва юпқа пардали толалаи оптик алоқа линияларида амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади.

Электр майдони яримўтказгичнинг зона структурасига таъсир этиш натижасида унинг ёруғликни ютиш коэффициентини ($\Delta K = K_2 - K_1$, $K_2 - K_1$) кескин ўзгартиради. Бу ўзгаришга мос равишда хосил бўладиган модуляция (m) назарий ҳисоблашларга мувофиқ [6], 85% га бўлиши мумкин:

$$m = \exp \Delta K d - 1 \exp \Delta K d + 1, \quad d - \text{намуна қалинлиги.}$$




1-расм. Модуляция коэффициенти билан электр майдони орсидagi боғланиш графиги (Спектрал соҳаси 1,585 эВга мос келади).

Ютилиш коэффициентининг ёруғликнинг намунадан ўтишидаги электр майдони таъсирида ўзгариши (ΔK) ёруғлик интенсивлигининг ўзгаришига қараб аниқланади. Кадмий теллур юпқа парда намуналари учун модуляция коэффициентининг электр майдон кучланганлиги билан боғлиқлиги (1-расм) қонуниятда электр майдонининг $(0,3 \div 1,2) \cdot 10^4$ В/см соҳаси учун тақрибан тўғри чизиқли қисим кузатилади.

Демак, тўла (100% ли) модуляцияга эришиш учун катта кучланганликка эга бўладиган электр майдони талаб қилинади. Бундай кучли электр майдони мавжуд модуляторларда ташқи электр манбаси ҳисобига олинади. Модуляторларни оптоэлектрон ўзини-ўзи энергия билан таъминлайдиган тизимга (автоном

режим) ўтказиш учун оптик толалаи ёки яримўтказгич юпқа пардали оптик каналдаги модуляция учун жавобгар оптик фаол элементни ёруғлик таъсирида аномал юқори фотокучланиш (АФН) хосил қиладиган АФН-элемент билан алмаштириш керак. Бу ҳолда модулятор энергетик жиҳатдан автоном бўлади, модуляция жараёнини кичик амплитудали электр майдон билан бошқариш имконияти пайдо бўлади, модулятор ихчам, содда ва яхлит лойиҳага келтирилади, натижада янги типдаги самарадор, микроэлектрон тизимга мослашадиган, табиий ёруғлик билан ишлайдиган оптоэлектрон модуляторлар хосил бўлади. 2-расмда АФН-элемент негизда фаолият кўрсатадиган оптоэлектрон модулятор лойиҳасининг блок-схемаси тасвирланган.

Ишлаш принципи. Ишлаш жараёни 2-расмда блок-схемага асосан тушинтирилади. Қуёш радиациясининг иссиқлик ва ультрафиолет таъсирларининг минималлаштирилган оқими ТЕМ блокида хосил қилиниб, АФЭ1 блокидаги АФН-пардага юборилади. Унда ёруғлик таъсирида хосил бўлган электр майдони АФН-парда моддасида ёруғликнинг кутбланиш даражасига таъсир қилиб, ютилиш коэффициентини ўзгартиради. Бу эса ўз навбатида ёруғлик сигнали амплитудасини ўзгаришига сабаб бўлади. Модуляцияни бошқариш учун АФЭ2 элемент хизмат қилади. Унда хосил бўлган аномал фотокучланиш аб электродлар орқали АФЭ1 элементига берилади. Уларнинг кутбларининг мувофиқлигига мос равишда модуллашган оптик сигнал амплитудаси бошқарилади [8,9].



2-расм. Оптоэлектрон АФН-модулятор блок схемаси. ТЭМ – табиий ёруғлик манбаси, оптик каналдаги биринчи; АФЭ1 – элемент; АФЭ2 – ташқи электр майдон ҳосил қилувчи элемент; А – кутбланишни аниқловчи нурни иккилангириб синдирувчи элемент.

Таклиф этилаёт ёруғликнинг оптоэлектрон модулятори уч қисмдан иборат (2-расм), биринчи қисмда (ТЭМ) табиий ёруғлик қабул қилинади унда қуёш радиациясининг иссиқлик ва ультрафиолет таъсирларидан химоя тизими мавжуд бўлиб, оддий ёруғлик дастаси (1) ҳосил қилинади. Оддий ёруғлик оптроннинг оптик каналидаги АФЭ1 элементда аномал юқори фотокучланиш ҳосил қилади. У яримўтказгич юпка пардасининг зона структурасига таъсир қилиб, ютилиш коэффициентини кескин ўзгартиради, натижада оптик каналнинг ўзида модуляция жараёнини содир бўлади. Модуляцияланган сигнал (2) қурилманинг учинчи қисмида (А) таҳлилдан ўтади. Қурилмадаги иккинчи элемент (АФЭ2) воситасида модуляция жараёни кичик кучланиш (1÷2В) билан бошқарилади.

Хулоса. Ёруғликнинг оптоэлектрон модуляторининг авфзаллиги ва техник характеристикалари қуйидагича:

- Қурилма табиий ёритгич ҳисобига ўзини – ўзи энергия билан таъминлайди;
- Тўла 100% ли модуляция учун керакли юқори кучланиш АФЭ1 ва АФЭ2 элементлари воситасида тўғридан - тўғри оптик каналда ҳосил бўлади;
- Модуляцияни кичик амплитудали (1-2В) майдон (ички) воситасида амалга оширилади;
- Тайёрлаш технологияси содда, микроинтюралаш (ихчамлаштириш) имкониятлари мавжуд, кичик кучланишларда ҳам юқори самарали модуляцияга эришиш мумкин;
- Модуляция максимуми $\lambda \approx 0,88$ мкм тўлқинига мос келиб, ярим спектрал модуляция соҳаси (кенглиги) $\Delta\lambda = 0,008 \div 0,001$ мкм тартибда бўлади;
- Модуляторнинг хусусий электр сиғими 25 пФ;
- Ички (ТЭМ) салбий таъсирлардан ФП ни химоялаш қисм (1) идаги ёритгич сифатида $Ga_xAl_{1-x}As$ гетереструктурасининг юпка пардали эпитакциясидан фойдаланилган.
- АФЭ1 ва АФЭ2 фотоприёмникларнинг фотосезгирлигининг максимуми $\lambda = 0,88$ мкм тўлқинига мос келади.

Адабиётлар

- [1]. Ривкин С.М Фотоэлектрические явления в полупроводниках, М., “Физматгиз”, 1963.
- [2]. Гонда С, Сэко Д, Оптоэлектроника, Ленинград, “Энергоатомиздат” 1989, стр.115.
- [3]. Найманбаев Р., Генератор типидпги фотоприёмники Фарғона,1997. изд.Фарғона.
- [4]. Касимахунова А.М., Нурдинова Р.А., Исследование АФН – элементов сдвойным лучепреломлением, Uzbek Journal of Physics, Vol.19(№5),p.p.302-306,2017г.(01.00.00,№5).
- [5]. Найманбоев Р., Маманов О.А. Исследование спектральных характеристик АФН – эффекта при больших электрических полях., Матер. семинара “Нелинейные высокочастотные явления в полупроводниках и полупроводниковых структурах и проблемы их применения в электронике СВЧ”, АН СССР, Навои-1991.
- [6]. Eden R.C., Coleman P.D., Proc. IEEE, 51, 1776 (1963).
- [7]. Киреев П.С., и др. Смещение границы собственного поглощения под действием электрического поля в плёнках CdTe и Sb₂Se₃, ФТТ. 1965. Т.7. №4 стр.1271
- [8]. Авторское произведение: Гелиооптодатчик, № ЕС-01-003425 от 25.11.2021
- [9]. Авторское произведение: Трансформатор спектра, № ЕС-01-003461 от 25.12.2021.

УДК .537.2:697.946

ОПТИМИЗАЦИЯ ПАРАМЕТРОВ ЭЛЕКТРОДНОЙ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОФИЛЬТРОВ

Ш.М. Музафаров¹, Б.К. Тагаев², Ж.Н. Толипов², Ш.Ю. Усмонов³

¹Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», ²Институт проблемы энергетики АН РУз, ³Ферганский политехнический институт, Тел.: (+998) 94 269 77 14, E-mail: togaev_1982@mail.ru
(Получена 30.08.2022 г.)

Таdqиқотнинг мақсади электр филтрларнинг "Тоғжли иғналари билан потенциал текислик – ерланган текислик" электрод тизимининг параметрларини аниқлашдир. Таdqиқот ўтказиши учун турли узунликдаги иғналар орасидаги масофани ва битта иғнанинг тушириши токи билан иғна қаторлари орасидаги масофани аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Кетма-кет иғналар орасидаги ва иғналар қаторлари орасидаги масофалар битта иғнанинг максимал токи билан аниқланди. Шу билан бирга, иғналар қаторлари орасидаги масофа қаторлардаги иғналар орасидаги масофадан икки баравар кўп бўлиши кераклиги аниқланган.

Калим сўзлар: Разряд токи, тоғ иғналари, потенциал текислик, ерланган текислик, иғналар қатори, иғналар узунлиги, электр майдон кучланганлиги.

Целью исследований является определение параметров электродной системы «потенциальная плоскость с коронирующими иглами – заземленная плоскость» электрофильтров. Для проведения исследований была разработана методика определения расстояний между иглами различной длины и расстояний между рядами игл по току разряда одиночной иглы. Расстояния между иглами в ряду и между рядами игл определялись по максимальному току одиночной иглы. При этом установлено, что расстояние между рядами игл должно быть в два раза больше расстояний между иглами в рядах.

Ключевые слова: Ток разряда, коронирующие иглы, потенциальная плоскость, заземленная плоскость, ряд игл, длина игл, напряженность электрического поля.

The purpose of the research is to determine the parameters of the electrode system "potential plane with corona needles – grounded plane" of electro filters. To conduct research, a method was developed for determining the distances between needles of various lengths and the distances between rows of needles by the discharge current of a single needle. The distances between needles in a row and between rows of needles were determined by the maximum current of a single needle. At the same time, it is established that the distance between the rows of needles should be twice the distance between the needles in the rows.

Key words: Discharge current, corona needles, potential plane, grounded plane, row of needles, length of needles, electric field strength.

Проведенными нами исследованиями установлено, что использование стримерной формы коронного разряда в процессах электрогазоочистки позволяет значительно повысить эффективность работы электрофильтров. Например, зона осаждения частиц пыли сокращается до 1 м, а скорость потока очищаемого газа может быть увеличена до 8м/с. Удельная мощность процесса очистки газов составляет 33 Вт·с/м³. Этот показатель у существующего электрофильтра типа ПГДС-4-50 [1], производительность которого по очищаемому газу 50 м³/с, а потребляемая мощность 10⁴ Вт, равен 2000 Вт·с/м³.

Использование электродной системы «Потенциальный электрод с коронирующими иглами – заземленная плоскость» обусловлено необходимостью разделения объемных зарядов, образующихся в канале стримерного разряда и получения потока отрицательных ионов. Ранее в электрофильтрах подобные системы электродов не применялись [4].

Исходя из возможности обеспечения максимальной пропускной способности электрофильтров, расстояние между потенциальной и заземленной плоскостями был принят 0,1 м, что является наиболее оптимальным с точки зрения используемого класса напряжения. В ранее проведенных исследованиях расстояние между иглами определялось по максимальному току разряда. Однако, как выявили последующие исследования, эффективное осаждение частиц пыли происходит при таком расположении коронирующих игл, когда расстояние между иглами в ряду, расположенному поперек потоку очищаемого

газа, меньше чем расстояние между рядами игл. Определению этого соотношения явились целью настоящих исследований. Исследования зависимости тока одиночной иглы от её длины и расстояния между иглами при питании импульсами напряжения проводились на стенде, описанном в работе [2] с внесенными изменениями.




Рис.1. Схема стенда для исследования влияния расстояний между коронирующими иглами на ток стримерной формы коронного разряда.

монтажного стола 6. Схема измерения состоит из самопишущего потенциометра PmV типа КСП-4, контрольного микроамперметра РА, подстроечного резистора R2 и цепочки защиты от тока искровых разрядов R1-F1 [3].

Для проведения второй части эксперимента по определенным расстояниям между рядами игл, на стенд устанавливались подвижные ряды игл 1 (рис.2), которые изменяли расстояние до подвижного. В центре неподвижного ряда игл устанавливалась измерительная игла 3. расстояние между иглами в ряду устанавливалось в зависимости от их длины: для игл длиной 25 мм – 50 мм; 20 мм – 40 мм; 15 мм – 30 мм.

Во второй части эксперимента опыты с иглами длиной 10 мм не проводились ввиду неустойчивости разрядных токов. Скорость перемещения кареток с подвижными иглами равна 1 мм-1. минимальное расстояние между острием измерительной иглы и подвижными иглами 10 мм. Максимальное расстояние 100 мм. Скорость перемещения диаграммной ленты в приборе КСП – 4 7200 мм/час для 1 части эксперимента и 3600 мм/час для второй. Время регистрации 4 с.




Рис. 2. Схема установки коронирующих игл на стенде при исследованиях влияния расстояния между рядами игл на ток разряда.

Зависимости тока одиночного коронирующего игольчатого электрода от расстояния до соседних подвижных коронирующих игл снимались при действующем значении импульсного напряжения 44 кВ и частоте 600 имп-1. Пробой межэлектродного промежутка происходил при напряжении 48 кВ.

Снятые на самописце КСП-4 диаграммы были совмещены для сравнения на одном графике (рис.3). По зависимости видна существенная зависимость тока одиночного коронирующего игольчатого электрода от расстояния до соседних коронирующих игл в ряду. При этом токи также зависят о длины игл. Расстояние между игольчатыми электродами в ряду выбиралось от расстояния, при котором ток перестает увеличиваться. Эти расстояния отмечены на кривых точками.

Во второй части исследований расстояние между иглами в ряду длиной 25, 20 и 15 мм не изменялись и было равными соответственно 50, 40 и 30 мм.




Рис. 3. Зависимость тока одиночного коронирующего электрода от расстояния до соседних коронирующих электродов в ряду при различной длине игл.




Рис.4. Зависимость тока одиночного коронирующего электрода от расстояний между рядами коронирующих электродов при различной длине игл.

По графическим зависимостям видно, что ток одиночной коронирующей иглы, расположенной на фиксированном расстоянии от соседних коронирующих игл в ряду, существенно зависит от расстояния между рядами игл. При этом максимальное значение тока одиночной иглы достигается при расстоянии в 2 раза большим, чем расстояние между иглами в ряду:

По проведенным исследованиям были определены параметры электродной системы при длине коронирующих игл 25, 20 и 15 мм, которые приведены в таблице 1.

Таблица 1. Параметры электродной системы «Потенциальная плоскость с коронирующими иглами – заземленная плоскость» при расстоянии между плоскостями 0,1 м.

Длина игл, мм	25	20	15
Расстояние между иглами в ряду, мм	50	40	30
Расстояние между рядами игл, мм	100	80	60

Необходимых для электрофильтров параметры электродной системы «Потенциальная плоскость с коронирующими иглами – заземленная плоскость» определялись на основании исследований процесса осаждения частиц пыли из потока воздуха. Результаты этих исследований приведены в выводах

Выводы

1. Экспериментально установлено, что расстояние между рядами игл должно быть в два раза больше, чем расстояние между иглами в рядах. При этом ряды игл расположены поперек потока очищаемого газа.

2. С увеличением длины коронирующих игл увеличиваются расстояния между иглами в ряду и между рядами игл. Определенные по максимальному току разряда с одиночного

электрода параметры групп электродных систем находятся в определенном соотношении и требуют дополнительных исследований для определения наиболее рациональных параметров обеспечивающих максимальную степень очистки.

3. Установлено, что наибольшая степень очистки воздуха наблюдается при следующих параметрах электродной системы «потенциальная плоскость с коронирующими иглами – заземленная плоскость»: для межэлектродного расстояния 0,1 м – длина игл 20 мм, расстояние между иглами в ряду 40 мм, расстояние между рядами игл 80 мм, длина зоны осаждения 1 м; для межэлектродного расстояния 0,05 м - длина игл 15 мм, расстояние между иглами в ряду 30 мм, расстояние между рядами игл 60 мм, зона осаждения 0,5 м.

Список литературы

- [1]. Дымовые электрофильтры/ В.И.Левитов, И.К.Решидов, В.М.Ткаченко и др.; Под общ. ред, В.И.Левитова, - М.:Энергия, 1980. -448с
- [2]. Музафаров Ш.М., Абдулла Ахмед Саид Моршед. Исследование параметров электродной системы «Ряд игл – плоскость» униполярного импульсного коронного разряда – Истеъдод, 1999, № 2, с. 26-29
- [3]. Электроизмерительные самопишущие приборы/М.Г.Бердичевский, В.А.Иванцов, Б.А.Лапин, М.Г.Якубов.-Л.:Энергоиздат. Ленингр. отд-ние, 1981.-180 с.
- [4]. Патент на изобретение РУ № IAP04426. 11.10. 2011. Способ и устройство для очистки газов от твердых и жидких аэрозольных частиц/ Ш.М.Музафаров, Б.Н.Эркинов, В.Е.Балицкий.

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРДА ФОТОЭЛЕКТРИК ҲОДИСАЛАР ТАҲЛИЛИ

Г.Ф. Жўраева, Л.Р. Далибеков, Д.Д. Исмоилова

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети
Фаргона филиали
(Қабул қилинди 5.09.2022 й.)*

Ёруғлик нурланиши датчикларини (фотоўтказгичларни) ва бошқа асбобларни тайёрлашда парда, таблетка, қатламлар кўринишидаги поликристалл яримўтказгичлар кенг қўлланилади. Поликристалл моддалар тузилиши ва хусусиятлари монокристалларникидан фарқ қилади ҳамда улар ўзига хос ток ўтиши ва фотосезгирлик механизмларига эга бўладилар.

Калим сўзлар: датчиклар, фотоўтказгич, поликристалл моддалар, доналар, камбағаллашган қатлам, инверсион қатлам, бойиган қатлам, акцепторлар концентрация.

При производстве датчиков светового излучения (фотопроводников) и других устройств широко используются поликристаллические полупроводники в виде пленок, таблеток и слоев. Поликристаллические материалы отличаются по структуре и свойствам от монокристаллов, обладают уникальными механизмами переноса тока и фоточувствительностью.

Ключевые слова: сенсоры, фотопроводник, поликристаллические вещества, зерна, обедненный слой, инверсионный слой, обогащенный слой, концентрация акцепторов.


In the production of light sensors (photoconductors) and other devices, polycrystalline semiconductors are widely used in the form of films, pellets, and layers. Polycrystalline materials differ in structure and properties from single crystals, have unique current transfer mechanisms and photosensitivity.

Keywords: sensor, photoconductor, polycrystalline substances, grain, depleted layer, inversion layer, enriched layer, acceptor concentration.

Кириш. Поликристалл моддаларда сирт ходисалари жуда катта ахамиятга эгадир (айниқса пардаларда, чунки уларда сирт юзининг ҳажмга нисбати катта бўлади). Поликристаллни ташкил этган монокристалл доналар (кристаллчалар) чегараларининг лектрофизик хоссалари ва ток ўтиш механизмлари мавжуд.

Поликристалл парда таркибидаги кристалл доналарни бир-биридан ажратиб тўрадиган чегаралар парда ўсишининг каолесцент босқичида қўшни кристаллчалар ориентациясининг бузилиши оқибатида вужудга келади. Улар поликристаллни ўстириш жараёнида доналардан ажралиб чиққан киришмалар ва нуксонлар юкори зичликка эга бўлган сохалардан иборатдир. Одатда кристалл доналар орасидаги чегаралар уч турга бўлинади:

1. Когерент ўхшаш кристаллчалар орасидаги чегаралар. Улар электр жихатдан кичик активликка эгадир.
